



ابوالقاسم لاهوتی

دیوان




اداره نشریات دولتی ادبیات بریں

ازبکستان تاشکند ۱۹۵۸



А. ЛОХУТИЙ

ДЕВОН



ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти
Тошкент—1958

На узбекском языке

А. ЛАХУТИ

«Д Е В О Н»

Избранные стихи

Гослитиздат УзССР

Ташкент — 1958

Редактор *М. Бобоев*

Рассом *Б. Штин*

Бадий редактор *Г. Бедарев*

Техн. редактор *Я. Пинхасов*

Корректор *С. Абдуллаева*

* * *

Босмахснага берилди 7,1 1958 й. Ёо-
сишга рухсат этилди 19/III 1958 й
Формати 70×92¹/₃₂—6,0 босма л. 7,02
шартли босма л. Нашр. л.6,4+1 вклей-
ка. Тиражи 1000. Р.00922. Индекс: ш|б.
ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашри-
ёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Шартнома № 26|27— 57 й.

* * *

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглав-
издатининг 3-босмаховаси. Тошкент,
Ленинград кўчаси, 15. 1958. Заказ № 40.
Баҳоси 5 с. 40 т.



Совет шарқ республикаларида ва чет эл шарқида машҳур бўлган, давримизнинг талантли, оригинал ижодкорларидан бири эронлик шоир Абулқосим Лоҳутийдир. Унинг мазмундор ва ўткир сиёсий лирикаси, нафис ва оҳангдор ғазаллари халқ орасида муҳаббат билан ўқилиб ва куйланиб келади. Тожикистон, Ўзбекистон ва Эронда Лоҳутий шеърлари айниқса катта шухрат қозонди. Чунки шоир ўз ижодида шу уччала мамлакат халқининг ҳаётини кўпроқ ифодалади, кўпгина таъсирли шеърларини уларга бағишлади. Унинг бутун ҳаётини ва ижодий йўли ҳам шулар билан чамбарчас боғлиқдир.

Абулқосим 1887 йилда Эроннинг Кермоншоҳ шаҳрида туғилди. Унинг отаси асли Саркеп деган курд қишлоғида ерсиз батрак деҳқонлардан бўлиб, кейинчалик, муҳтожлик орқасида ўз оиласи билан Кермоншоҳга келиб қолган ва бу ерда косибчилик билан шуғулланар эди. У, шеъриятни севган, ўзи ҳам унча-мунча шеър машқ қилиб юрувчи киши бўлган. Абулқосим сал катта бўлиши билан ҳунар ўрганиш учун косибга шогирд бўлиб ишга тушади. Айни замонда у отасининг таъсири остида шеъриятга қизиқиб, шеър ёзишни машқ қила бошлайди ва бу йўлда анча муваффақиятга эришади. Лоҳутийнинг бадийи машқлари яхши чиқа бошлаганини кўриб отасининг Кермоншоҳдаги яқин ўртоқлари 1904 йили уни Техронга ўқишга юбордилар.

Бу даврда Эрон зўр тарихий воқияларни бошидан кечирмоқда эди. У сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан йирик империалистик давлатларга тобора кўпроқ қарам

бўлиб бормоқда, шимолдан Чор Россияси, жанубдан Англия борган сари тазйиқни кучайтирмоқда эдилар.

Кермоншоҳ бу пайтда қолоқ феодал Эронни империализмнинг колониясига айлантириш мақсадида мамлакатга суқулиб кириб келаётган чет эл капиталининг йўлидаги бир «чегара дарвозаси» бўлиб қолган эди. Чет эл капиталининг зарбалари остида эрон халқ хўжалиги тушкунликка юз тугган, деҳқонларнинг ерлари борган сари помешчиклар ва судхўрлар қўлига ўтиб кетаётган эди. Шунинг билан бирга халқнинг ҳаддан ошган зулм ва ноҳақликка қарши оммавий ҳаракати ҳам етилиб келаётган эди.

Насриддиншоҳ ҳукмронлигининг охириги йилларидаги сиёсий-иқтисодий кризис деҳқонлар ва косибларнинг аянч аҳволи, эпидемиялар, очлик, чет концессияларга қарши, айниқса, Англия «тамаки монополияси»га қарши ҳаракатни кучайтириб юборди. Бу ҳаракат кейинчалик 1905 йилдаги рус революциясининг таъсири остида Эронда конституцион тузум ўрнатишни талаб қилувчи революцион ҳаракатга айланиб кетди.

Лоҳутий ёшлик пайтларидаёқ ерсиз, камбағал деҳқонларнинг оғир ва машаққатли ҳаётини, ишчилар ва косибларнинг тоқат қилиб бўлмайдиган оғир меҳнат остида эзилиб келаётганларини кўрди ва қаттиқ таъсирланди. У Эронда юз бераётган зулм ва адолатсизликнинг жонли шоҳиди бўлди. Шунинг учун ҳам Лоҳутий Теҳронга келганига кўп вақт ўтмасдан революцион ташкилотлар билан боғланади ва уларнинг фаол иштирокчиси бўлиб кетади. Тезда у мактабни ташлайди ва ўз ҳаётини революция ишига бағишлайди.

Лоҳутийнинг бу даврда ёзган шеърлари революцион ҳаракатнинг ғалабаларини табрикловчи, озодликни куйловчи, шоҳлик ва феодал истибдодига қарши халқ нафратини ифодаловчи асарлардир. Улар газета ва журналларда босилиб чиққан ва халқ ўртасида кенг ёйилган эди. Лоҳутий бу пайтда «Шабнома» деб аталган варақалар ёзиб, уларда шоҳ деспотизминини фош қилади, оммани зулмга қарши курашга даъват этади.

Шоир ўз ижодий фаолиятини амалий революцион фаолият билан маҳкам боғлаб олиб боради. Лоҳутий Гилон вилоятида ташкил этилиб, мужтаҳидлар деб аталган революцион отряд жангчиларига қўшилади.

1909 йили Эрон шоҳи Муҳаммад Али тахтдан туширилиб Эрон революцияси ғалаба қозонди. Шу муноса-

бат билан кўплар қатори Лоҳутий ҳам «Револүция ордени» билан мукофотланади.

Револүцион курашлар натижасида Қожор династиясининг вакили Муҳаммад Али ҳокимияти йиқитилди; аммо ҳукмронлик феодал аристократияси қўлида қолди, мамлакат хўжалигида феодализм тартиблари сақланди. Феодал аристократияси эса, даставвал револүция ғалабаларини йўққа чиқаришга ҳаракат қила бошлади.

Муштаҳидлар отрядлари контрреволүцияга қарши курашни давом этдирдилар. Шоир ҳам улар билан бир қаторда эди. Лоҳутий ўз шеърларида Мажлиснинг реакцион моҳиятини фош этади, унда халқ вакиллари йўқлигини, шунинг учун ҳам у «халқ парламенти» эмаслигини очиб беради. Қум шаҳрида Лоҳутий кўнгиллилар отрядларини ташкил қилади. Ҳукумат револүционер шоирдан қўрқар, шунинг учун уни қаттиқ таъқиб қилар эди.

Натижада шоир ўз ватанини ташлаб Туркияга қочишга мажбур бўлади. Аммо шоирнинг бутун фикру хаёли ўз ватанида эди. У револүцион ташкилотлар билан маҳкам алоқада бўлди ва кўп ўтмай Эронга қайтди.

Биринчи имериалистик жаҳон уруши олдида Эрон мустамлака мамлакатга айланиб қолган эди. Чор Россияси ва Англия 1915 йилда ўзаро шартнома тузиб мамлакатни ўз таъсир доираларига бўлиб олган эдилар.

Биринчи империалистик жаҳон уруши пайтида, гарчи Эрон бетарафлик эълон қилган бўлса-да, чор Россияси ва Англия томонидан оккупация қилинди. Лоҳутий оккупация тузумига бўйсунишдан бош тортади ва шу сабабли отиб ўлдиришга ҳукм қилинади. Шоир Кермоншоҳга қочади.

1917 йили Россияда Буюк Октябрь социалистик револүцияси ғалаба қозонгандан сўнг, Россия аскарлари Эрондан чиқариб олиб кетилди. Чор ҳукуматиининг Эрон билан тузган, эрон халқи учун машаққатли ва оғир бўлган шартномалари бекор қилинди. Октябрь социалистик револүциясининг ғалабаси таъсири остида, Эронда ҳам револүцион ҳаракат кучаяди. Кермоншоҳда армия комитети ташкил этилади, унинг составида ўткир револүционерлар бор эди. Лоҳутий улар билан мустаҳкам алоқада бўлди ва маҳаллий револүцион отрядларни тузишда фаол иштирок этди. У Эрон ишчи ташкилотининг асосчиларидан бири бўлиб, бу партиянинг хитоб-

номасини ёзган эди. Лоҳутий революцион «Бисутун» газетасини ҳам таъсис этган эди.

Бу даврда Эроннинг сиёсий аҳволи ғоят мураккаблигича қолади. Мамлакатда Англия ҳарбий диктатураси ўрнатилади. Қаттиқ террор ва таъқиблар авж олади. Лоҳутий иккинчи мартаба ўз ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлади. У Туркияга ўтиб муҳожирликда яшайди.

Шоир ана шу пайтларда ёзган шеърларида революцион воқияларни, ўзининг уларга муносабатини очик-ойдин билдирди.

Туркияда муҳожирлик йилларида ёзган шеърларида Лоҳутий ватанини қумсаб, соғиниб ёдлайди ва тезроқ қайтишга интилади.

1921 йилда Истамбулда шоирнинг «Лоҳутий гавҳарлари» деб оталган биринчи шеърлар тўплами нашр этилади.

1920—1921 йилларда Гилон революциясининг ғалабаси тўғрисида хабар тарқалиши биланоқ шоир Эронга қайтади ва қўлига қурол ушлаб революцион кўшинлар қаторида туриб курашади. Аммо Англия армиясининг ёрдами билан Гилон революцияси бостирилади. Лоҳутий революцион отрядлар сафида Эрон Озарбайжонда қолади ва Тавриз қўзғолонида иштирок этади. Аммо бу қўзғолон ҳам бостирилгач, шоирнинг ҳаракати қонундан ташқари, деб эълон қилинади ва у Совет Иттифоқида муҳожирликка ўтади.

СССРда шоир ўзининг иккинчи ватанини топди. У, ўз революцион тажрибасини марксизм-ленинизм назарияси билан бойитишга муваффақ бўлди. Бу тўғрида Лоҳутийнинг ўзи: «1922 йилдан бошлаб мен Маркс ва Ленин асарларини ўрганишга киришдим. Марксистик назариянинг биринчи манбалари билан танишганим асарларимнинг сифатига жуда катта ёрдам берди. «Умумий агитация» ўрнига, революциянинг ҳақиқий масалаларидан баҳс қилувчи шеърлар ёза бошладим.

Нихоят, бирдан-бир тўғри йўл — социализм йўлини танидим», деб ёзган эди.

1924 йили Лоҳутий коммунистлар партиясига аъзо бўлиб киради. Коммунист шоир Лоҳутий, ўз шеърларида социализм қураётган совет халқини янги-янги ижодий ғалабаларга илҳомлантирчи, социалистик республикаларда партия миллий сиёсати қозонган ғалабаларини олқишлади. унинг бутун шарқ мамлакатлари учун наму-

на эканини ифодалади, мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этди. Лоҳутий Тоҷикистон Марказий Ижроия Комитетининг аъзоси эди.

Тоҷик тилида шоирнинг икки томдан иборат шеърлар тўплами, «Кремль ва рубойлар», «Тоҷикистон тўғрисида шеърлар» ва бошқа бир қанча асарлари босилиб чиқди. Улуғ Ватан уруши йилларида Лоҳутий бутун истеъдодини фашистларга қарши курашга сафарбар қилади. У Совет Армиясининг, совет халқининг муқаррар ғалаба қозонишига ишонч билдирди. Совет ватанпарварлиги, СССР халқларининг бузилмас дўстлигини улуғлади. Улуғ Ватан уруши совет халқининг тарихий ғалабаси билан тамом бўлгач, шоир жаҳонда тинчлик учун курашувчиларнинг олдинги қаторида турди. Шарқ мамлакатлари халқларининг империализмга қарши ва миллий тенгсизлик занжирларини узиб ташлаш учун олиб бораётган курашларига зафар тиловчи асарлар яратди. Унинг форс тилида босилган «Одамзоднинг дев билан кураши» деб аталган шеърлар тўплами, девон тарзида босилган тўпламлари ана шундай асарлардан ташкил топгандир.

Шоирнинг эрон халқининг беғараз ва содиқ дўсти Совет Иттифоқи эканини баён этиб ёзган «Менинг Эроним» деган шеъри, унинг бошқа кўп асарлари билан бир қаторда, эрон халқи ўртасида жуда катта шуҳрат топди. Лоҳутий фақат йирик сиёсий публицист шоиргина эмас, балки, майин лирик шоир ҳам эди. Унинг ижодига классиклардан Умар Хайём, Саъдий, Ҳофиз, Бедил каби шарқ поэзияси отоқли арбобларининг таъсири кучли бўлган. Шоир ўз ижодининг дастлабки даврларида, асосан, ғазал жанрида кўп шеърлар ёзди, у классик шарқ поэзиясининг традицион услубларига тақлид қилиб, муҳаббатнинг аламлари, дунёнинг бевафолиги каби мотивларни ифодалади. Кейинчалик шоир революцион курашга қўшилиб кетгандан сўнг, унинг ижоди революцион руҳдаги асарлар билан бойиди. Лоҳутийнинг Совет Иттифоқида социалистик қурилиш мавзуидаги шеърлари бу янги руҳнинг тадрижий давоми бўлди.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, Лоҳутий социалистик реализм мавқеида ёзилган асарларни яратишда шарқ классик поэзиясидаги шеърий шакллардан усталик билан фойдаланди. Аруз вази ҳамда бармоқ вази техникасини тўла эгаллаган шоир форс ва тоҷик ада-

биётига бармоқ вазнини киритиб, бу янги бадний шаклни кенг ёйишда, шу билан бирга, янги ҳаёт мавзуларини классик поэтик шакл бўлган аруз вазнида куйлашда ҳам катта муваффақиятга эришди. Лоҳутий ижоди классик поэзиядан моҳирлик билан фойдаланиш намунасидир. Шоир халқ оғзаки ижодини жуда қадрлар эди. Шунинг учун ҳам унинг «Кремль», «Европа сафари», «Уч қатра» ва бошқа шеърларида халқ эртаклари, қисса ва афсоналари жуда ўринли ишлатилган ва уларга аналогия тарзида асосий воқеалар баён этилган.

Унинг афсонавий достони «Бахт париси» ҳам фольклор материали асосида ёзилган.

Лоҳутий яратган жуда кўп лирик лавҳалар, қўшиқлар Ўзбекистон ва Тожикистон саҳналарида ва радиоларда жуда кўп марталаб ижро этилади, чунки улар халқнинг энг сеvimли қўшиқларига айланиб кетган. Улар ўзининг мазмундорлиги, ўйноқилиги, равонлиги билан халқ ашула ва қўшиқларидан деярли фарқ қилмайди. Лоҳутий меҳнаткаш халқ оммасини жону дилдан севарди, унга ўзининг чексиз ва қизғин муҳаббатини бағишлаган эди, бунга жавобан ўзи ҳам халқнинг ана шундай муҳаббатига сазовор бўлди. Шунинг учун ҳам чет эллардаги реакцион гуруҳлар, совуқ муносабатлар урушининг актив иштирокчилари 1954 йили Покистон реакцион матбуотида Лоҳутийнинг СССРдан кетганлиги тўғрисида уйдирма гап тарқатдилар. Шоир ўзининг «Ифвогарларга жавоб» деган шеърда бу қабих тўхматчиларга ўз нафратини изҳор қилади, ўзининг социализм мамлакатига садоқат ва муҳаббатини такрор баён этади. Лоҳутий ижоди жаҳонда биринчи бўлиб социализм қурган совет халқига муҳаббат туйғулари, бутун дунё халқларининг, шу жумладан, шоир учун қимматли бўлган севикли эрон халқининг озодлиги учун кураш ғоялари билан сугорилган эди. Ўз шеърларида ана шу ғояларни ташвиқ этди, зулм, истибдод ва колониализмни лантатлади.

Лоҳутий асарларининг тўпламлари Москвада рус ва форс тилларида бир неча мартаба нашр этилган. Лоҳутий Пушкин, Шевченко, Горький, Маяковский, Виктор Гюго, Шекспир, Лопе Де Вега каби жаҳон адабиёти классикларининг асарларини форс тилига таржима қилган эди. Ижодий муваффақиятлари учун у Ленин ордени, Меҳнат Қизил байроқ, Ҳурмат белгиси орденлари ва медаллар билан мукофотланган. Шоир Абулқосим Лоҳутий 1957 йилда Москва шаҳрида вафот этди.


Революцион шоирнинг порлоқ хотираси эрон халқи ва бутун совет халқлари билан бир қаторда ўзбек халқи учун ҳам қадрли ва қимматлидир. Шоир Ўзбекистонда кўп мартаба бўлган, ўзбек адабиётининг отоқли арбоблари билан ҳамкорлик қилган, совет Ўзбекистонига атаб бир қанча асарлар яратган эди.

Қўлингиздаги китоб оташин ватанпарвар, революционер шоир Лоҳутийнинг хотирасига бағишлаб нашр этилмоқда.

Азиз Қайумов



ТУРЛИ ДАВР ШЕЪРЛАРИ



Омон бўл, зафар топ, эй меҳнат аҳли,
 Сен-ла фахрланса одамзод, ҳақли!
 Сендан эрур жаҳон ободонлиги,
 Сендан эрур инсон фаровонлиги.
 Шоҳлар бойлиги ҳам меҳнатингдандир,
 Аъён роҳати ҳам ҳимматингдандир.
 Сен ишдан тўхтасанг агар икки кун,
 Турмуш хароб бўлар, сўнар бус-бутун.
 Одам сўзининг чин маъноси ишчи,
 Дунёда инсоннинг аълоси ишчи.

1910 й. Техрон.

Ноширвоннинг¹ маснадига йнелама, кўнгил,
 Кремлнинг биносини келиб ўргангил.
 Бу ер билан Модойнинг² ишчилар қурган,
 Бу ер чорга, ўша шонга бўлдилар қўрган.
 Бу бурчдаги ҳар бир поя бўлгунча обод
 Юзлаб бўгин nobуд бўлди, юз уруғ барбод.
 Ҳар кун бунда кўрсатарди шоҳ фойдаси — чун
 Юз меҳнаткаш ўлимига буйруқлар кучин.
 Асоси ҳам зулм, аламдан олувчи нафас
 Қурилиши қондан турган ёлғиз бу эмас.
 Бу ўртада бари шундай, шундай ҳар бири,
 Ватиканнинг³ қалъаси ҳам Британ қасри⁴
 Бадавлатлар тинч яшаши деҳқон ишидан,
 Савдогарлар дастмоеси ишчи кучидан.
 Эй тирик кўз, бу бипонинг сирлари аён,
 Бошдан оёқ гердаишига асос ёшу қон.
 Ҳар бурчдаги данданалар кўзлардир — ювош,
 Ишчи-деҳқон мотамига тўкмакдадир ёш.
 Бу ердаги бир панжара шоҳга ёққунча
 Мазлум гавда бежон бўлди қанчадан-қанча.

1 Ноширавон — Эрон подшоҳларидан бири.

2 Эронда ҳукмронлик қилган Сосоний подшоҳлари қурган
 бир шаҳар ва ундаги қаср.

3 Ватикан — Римда Папанинг саройи.

4 Британ — Британия.

Ситамкорлар ишчилардан оқизарди қон,
 Бу айвонда маза қилсин тоинки султон.
 Бу бинони юрак қон-ла тургизган инсон
 Бирор қултум сув ичмаган бунда ҳеч қачон.
 Зулм-ситамнинг усталари чизганда план,
 Фуқаролар ўлиmidан нақшини олган,
 Бу гумбаздан нега тинмай айланади қуш
 — Чунки дунё бу гумбаз деб саргардон бўлмиш.
 Бу ер бўлмиш золимларнинг буйруқ макони,
 Бу ерлардан оқиб кетмиш мазлумлар қони.
 Шу бино-чун деҳқон дайди, ишчи бечора,
 Эрон бузғун, Турон эса бўлмиш овора.
 Қолсин учун айвон саҳни холий аламдан,
 Кўп шаҳарда зиндон тўлмиш меҳнат элидан.
 Биласанми, ишчиларга қаср айтар, нима?
 — Модомики, сотиб олдинг, арзонга сотма.
 Эй меҳнаткаш, бу ерлардан ўтганда тингла
 Аркларидан ўгитларни, ғиштидан нола.
 У айтади: сен — бизлардай, биз сендай эдик,
 Сен фотиҳсен, бизлар — тупроқ, ётмоқдамиз тек.
 Бу фатҳдан сўнг сени мутлақ ғафлат босмасин,
 Бошимизда қайта бошдан душман кезмасин,
 Бурун сендай ишчи эдик, билсанг, биродар,
 Ситам қилди бизни бундай ерга баравар.
 Сўрайсанки қани гавданг, қани жон-танинг,
 — Зулм билан тугатилди бўлди ерга тенг;
 Истисморчи¹ виждонсизнинг биздан қорни тўқ,
 Ўзимизга бу меҳнатдан ўндан бири йўқ.
 Биз дод солиб айтар эдик, шонли хўжайин,
 Меҳнатимиз унумининг текисланг пайин².
 Бу нола-ю фиғонларни тингламас жиндак.
 Бироқ тошдай ва метиндай раҳмсиз юрак,

1 Истисморчи — Эксплуататор

2 Пай — Ҳисса.

Қўлларимиз қисқа эди, уларда баланд
Ҳам уларда пулу қудрат, биз қайғуга банд.
Белги улар буйруғида, санъат хизматкор,
Дин уларнинг қулидир ва шоҳ уларга ёр.
Жаҳон тўла турли-туман моллари билан,
Бизнинг кучу теримиздан улар тўқ, хурсанд.
Эй таажжуб, кўнгил, қара, фақат зулмдир:
Дурни тердан, зарни эса, қондан қилибдир,
Гарчи бизнинг гавда тупроқ, шу тупроқ кирпич,
Жонларимиз танда қолди, ўлмаганимиз ҳеч.
Қизил ялов зулм маҳвига буйруқ берган он
Ер титради-қалтиради, кўрқди осмон.
Зулм қўшинини қувиб солди, кишанинн узди.
Оч-яланғоч, ўксик ишчи бир жаҳон тузди.
Ўз уйини эгаллади шу ҳақли одам,
Бегонанинг фитнасидан эркиндир олам.
Меҳнаткашлар советининг шонли фармони
Қизил хат-ла пориллатди юксак осмонни.
— Эй бир тўда экинчилар, энди бирлашинг,
Меҳнаткашлар қўлни-қўлга беринг, яшанг тенг.
Бадавлатнинг дин-ватани, олтин, кумуши,
Бойимоққа қаратилган бутун қилмиши.
Қорни тўққа қуллуқ қилар бут билан минбар.
Қуръон, инжил соғим — сигир билан баробар.
Ер шарини оша тезда порлаб келажак
Бир рангдаги ҳаёт кирар оламга бирдак.
Ўроқ, болғадан ўзга ҳеч ҳоким ҳам бўлмас.
Одам эркин жаҳон тузгач, олажак нафас.
Мана, бу гул япроғин кур, титрар шамолдан,
Худди шундай титрар эди ситамлардан тан.
Ишчиларнинг юрак қони сувдай оқарди,
Дехқонларнинг жигарларин ўтда ёқарди.
Ахир бизлар, ўтда куйган, тўфонда оққан.
Ахир бизлар бу «томоша» — махшарга¹ боққан.

¹ *Махшар* — Динчилар ишончига кўра дунёнинг сўнгги куни.

Ҳайрон эдик бу оламнинг оқибатидан,
Бахт келмасми, дердик, зулму ситам кетидан.
Дердик: улар найранглари, дин, шоҳ истаги
Оралиқдан кўтарилар, ўпирилар таги,
Жаҳл кетар, илм келар дунё яшнатиб,
Ҳар ким эркин бўлар, тангри, шайтонни отиб.

1925 й.

ЛЕНИН ОРДЕНИ

(Ленин ордени олиш муносабати билан)

Бутун вужудим-ла садоқат билан
Меҳнат аҳлига мен қиламан хизмат.
Энг юксак орденни у бериб менга,
Қўрсатди оламда беназир ҳурмат.
Дилимдан мангу жой олган у — ЛЕНИН
Берди ҳаётимга ёғду, ҳарорат.
Тасдиқ этмоқ учун меҳримни, дилдан —
Сурати кўксимга чиқди шу соат.

Январь 1936

Туринг ишчилар, эй меҳнатчилар,
туринг қўшчилар,
Пайтидир бирлашинг, бўлинг биродар.
Раҳбар байроғи остида туринг,
олға деб юринг,
Йўлбошчи байроғи эрур музаффар.
Ташқи душмандан, ички сотқиндан,
вахший хоиндан
Муқаддас ўлкани қуршади озар.¹
Ҳамсаф бўлайлик, бирга турайлик,
бирга юрайлик.
Ёвуз душманлар қаршида турар.
Раҳбар байроғи остида туринг, олға деб юринг,
Йўлбошчи байроғи эрур музаффар.
Эй биродарлар, қайси тил бўлманг,
қайси эл бўлманг,
Қуллик занжири хўрлик келтирар.
Ҳамлалар қилиб ёвни урайлик,
ерга кўмайлик
Ажал қўлимиздадир муқаррар.
Раҳбар байроғи остида туринг,
олға деб юринг,

¹ Озар — ўт, олов маъносида.

Қим бұлса сотқин, Ватанға хоин,

Қим бұлса сотқин, Ватанға хоин,

У, опа-сингилни, онани сотар.

У, опа-сингилни, онани сотар.

ҳатто жон фидо,

ҳатто жон фидо,

Раҳбар байроғи остида туринг,

Раҳбар байроғи остида туринг,

олға деб юринг,

Йўлбошчи байроғи эрур музаффар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

То қуёш нури эрур саҳро-ю тоғларда аён,
Гул ва ғунча хуш бўйин сочар чаманда бул замон.

Сенга қасд айлаб чўзилган қўл жаҳонда бўлмагай,
Бўлса, у хил қўл кесилгай банд-бандидан шу он.

Йўқ бўлур деб берса фатво гар сени ҳар шум оғиз,
Кучли мушт зарби-ла у, тилдан қолур,бўғзида қон.

Қайси калла ўйласа мулкингни вайрон қилгали,
Бу Ватаннинг мардлари кесгай танидан беомон.

Ҳар ютуқ, фатҳинг танобин кимки узмоқ истаса,
Чулғанур шармандалик бирлан кафанга, бегумон.

Ҳомисисан ер юзининг барча меҳнаткашларин,
Титрагай бунга чидолмай дунёда ҳар бир ёмон.

Ким ёмон ниятда сенга, қоп-қора номи унинг —
Учмоғи даркор замона дафтаридан бенишон.

Сўндирилмас ҳеч киши, сенсан жаҳоннинг машъали,
Вайсаган кўршапалак зулматда қолгай бегумои.

Душманинг тиш-тирноғи бирлан тиришгай, нега ким,
Мақсади номус-у оринг поймол этмоқ шу он.

Донишу ақлу адолат бунда халқлар раҳбари,
Бўлмоғи мумкин эмас золим қароқчи ҳукмрон.

Майли ўлсин душманинг, дунёда сен қол, минг яша,
Нурини сочсин қуёшинг эл бошига кўп замон.

Душманинг маҳв ўлмоғи, сўзсиз, ҳақиқат ҳукмидир,
Кўнглим истарким, менинг тигимда ўлса беомон.

ВАТАНИМИЗ
(Совет халқи қўшиғи)

Жаҳон меҳнат аҳлига жон бўлди ватанимиз,
Уларнинг умидига жаҳон бўлди ватанимиз.

Баланд тутиб бошимиз, нечун фахр қилмайлик,
Қишиликка шарафу шон бўлди ватанимиз.

Юзга кириб нолимас ҳеч кимса бу ватанда,
Қайта ёшарди, навқирон бўлди ватанимиз.

Дилу жондан баробар унга хизмат қиламиз,
Дилимизда энг қиммат виждон бўлди ватанимиз.

Бошу кўксимиз бирлан сақлаймиз фашизмдан,
Жаҳоннинг бахтига посбон бўлди ватанимиз.

1944.

Ўлкам талаб қилса ҳар нимаки бор,
Пулу-мол бўлгунча имкон бераман.
Пулу-мол нимаймуш, сўз ҳам ортиқча,
Ширин ҳаётимни ва жон бераман.
Емғирдек марҳамат шафқатга кўмди
Шу улуғ хирмонга бир дон бераман.
Қутурган душманни маҳв этиш учун
Азиз Ватан не сўрса, шу он бераман,
Душман тишигача қуроолланмишдир,
Қўшинимга вужудим қалқон, бераман.
Армиям қиличи устун бўлсин деб,
Бор кучим, илм ила урфон бераман,
Бунда менинг уйим, ишқим, толеим,
Ватанимга барисин қурбон бераман.
Сен онам, оилам, бахтим чироғи,
Сени сақлаш учун мен жон бераман.
Қимматли партиям сидқи дилимда,
Жон-танним сўраган замон бераман.

1942.

С О В Е Т Д А В Л А Т И Н И Н Г Б Ю Д Ж Е Т И

Ҳисоб берур ҳамма халқнинг вакилларига тўлуқ,
ишсевар министрлар,
Ҳисоблари у ширин қиссалардан ҳам тотлиқ,
ишончни комил этар.
Тиканлар ўрнида гулзору, чўллар ўрнида гулбоғ,
бўлди кўп шаҳар бунёд,
Ватанни ёшлари мактаб йўлида вақтлари чоғ,
она ҳам бола дилшод.
Илм, билим, адабиёт жуда ўсиб борадир,
юксалур шараф-шавкат,
Ҳаётимиз яна ҳам ҳар нафас яхшиланур,
бизда шул эрур бюджет.
Бу хилда буржуанинг бюджетида сўз бўлмас,
элга у, на фойда берар.
Бу бизнинг бюджетимиз тўғрисида кўнгил тўқ,
у бўлмас элга зарар.
Урушнинг фитнаси Уолл-стритда қад кўтарар.
дам-бадам бу оламда,
Бу бизнинг бюджетимиздан тинчлик, дўстлик
кўкараар,
яшнар ўлка ҳар дамда.

1951.

Уч томчи баҳсини айтганди устод,
Менга бу масалча бўлиб қолди ёд;
Энг биринчи томчи — тиниқ ва равшан
Айтибди: — Ҳаммадан юқорироқман,
Шаклим юлдуз каби — бу бир ишора,
Иззату мартабам ортар тобора.
Мен жуда чиройли, пок ва соф юзим,
Содда бўёвсизман, гўзалман ўзим.
Қуруқда ва сувда — бутун жаҳонда,
Нима нарсa бўлса ерда, осмонда,
Улар бунёдига мен ҳам шерикман,
Ижоддир шиорим, токи тирикман.
Гавҳардан ҳам асил бир жавоҳирман,
Ишчи манглайида пешона терман.

* * *

Одоб билан деди қип-қизил томчи:
— Ҳақу ростликдандир сўзингнинг кучи!
Аммо, билгил, менинг олийдир турим,
Баланддир шарафим, шоним ва ўрним.
Лаъл ила ёқутнинг баҳоси баланд,
Чунки, ранги менинг рангимга монанд.
Қизил юз ҳар доим зафардан нишон,
Бу гап эскидан бор, бу гапга ишон!

Жаҳоннинг ҳуснига эрта тонг шафақ
Қизил-қизил ранг билан беради равнақ.
Бутун оламда бу сўзим аниқдир,
Қизил гулнинг ҳусни ўтдек ёниқдир.
Мен шундай томчики, қалбим олови
Ёндираб зулмнинг жирканч яловин.
Ишчилар устидан текинхўр ҳайвон
Ҳокимлик қилганин кўрганим ҳамон,
Фашизм кучлари социализмга
Қарши тайёрланиб, ўтса ҳужумга,
Кўзимдан ўт чақнаб, ўйнаб кетаман,
Ишчи томирида қайнаб кетаман!
Мардона бошлайман исёну юриш,
Ўз эгам танида қиламан хуруш.
У ҳужум бошлайди қаро зулмга,
Зулмларни қилар маҳкум ўлимга.
Қисқаси, истибдод асоратидан
Сени қутқармасам касофатидан,
Сен асирликда қоласан, синглим,
Ҳам фақирликда қоласан, синглим,
Ғайратимдан ситам бўлади барбод,
Қайнашимдан меҳнат бўлади обод.
Менинг зўрим билан шодмон бўлур,—
Меҳнаткаш эркину давлатманд бўлур.
Оташу найзаман офтобдирман,
Элга эрк берувчи инқилобдирман!
Халқни етказурман ғалаба томон,
Мен меҳнат аҳлининг томирида қон!

* * *

Қаро томчи тинглаб дўстлар сўзини,
Маъқуллагач, таъриф этди ўзини:
Сўзингиз батамом тўғридир, бешак,
Ассосиздир буни биз инкор қилсак,
Аммо, мен ҳам сиздек соҳиби ҳунар,

Балки, сиздан кўпроқ манфаат унар.
«Албатта, ёмонлик белгиси қаро». —
Деб фикр юргизмак, тўғримас асло.
Қаро ранг мақталмиш неча, неча бор,
Қарода гап кўпдир, унда кўп сир бор.
Ою қуёш, юлдуз чиқар қаердан?
Қаро тун қўйнидан чиқади бирдан.
Мендан кескир қилич йўқдир жаҳонда,
Мендан тезроқ чақин йўқдир осмонда.
Кучим мушукни шер қилишга қодир,
Чолу мажруҳ бўлур — ёшу баҳодир.
Хоҳласам, бир зумда йиғлайди жаҳон,
Ё кулиб юборар йиғлаган инсон.
Лашкарлар зафари менинг қўлимда,
Юрт фойда-зарари менинг қўлимда.
Агар тиг кўтарса, ҳаммага маълум,
Оловдан ҳам асар қолдирмас ўлим,
Аммо менинг ўзим бўлсам-да нобуд,
Асарим дунёда абадий мавжуд.
Нима қуроқ борки, барчаси тайин, —
Бекор қолур исён, курашдан кейин.
Тўкилган қонлару тўкилган терлар,
Ювилиб, пок бўлур паст-баланд ерлар,
Аммо бўлмас менинг майдоним ҳеч танг,
Мендан оташ олар инқилобу жанг.
Қалам шамширимдир, варақ — майдоним,
Халқим хизматида тигу жавлоним.
Гарчи, эй соф томчи, ҳунаринг кўпдир,
Ишчи ишлаганда унаринг кўпдир.
Ўз васфингда сўзлаб, дур сочдинг хушвақт,
Нимаки айтибсан — ҳаммаси ҳам ҳақ.
Ойдек юзларингга фидо бўлсин жон,
Синглинг сўзларин ҳам эшит, қатраҳон,
Қул ишчи ҳар ерда жиққа тер тўкар,
Оғир меҳнат қилар, заҳматда чўкар.

Аммо фойдасиздир, не қилса ижод,
Ўзгалар бойиру, у бўлар барбод.
Қаламни кўтариб туғён қилмасам,
Бу қиссани аниқ баён қилмасам,
Мен йўлга солмасам бутун жаҳонни,
Ажратиб бермасам дўсту душманни,
Тўкилган терларни учирай ел — бод,
Неча кун сўнг уни ҳеч ким қилмас ёд.
Сен ҳам, эй шарафли гулгун қатражон,
Тожлар беазаги лаъл, қизил синглим қон,
Сенинг сўзларингни ким қилур инкор,
Сени мақтамоққа нима ҳожат бор?!
Қип-қизил юзингдир инқилоб ранги,
Қалбинг гувоҳидир, кўнглинг жаранги.
Сен зафар шуъласи аммо мендан ҳам
Бир неча сўз эшит, эй гўзал санам:
Золимларга қарши чиққан қанча эр,
Ишчи-ю деҳқондан қанча қайтмас шер,
Қанча ёш, эр, аёл, қанча қаҳрамон,
Қонига беланиб бўлдилар қурбон.
Агар бу ишларни мен тутсам пинҳон,
Баридан хабардор бўлмаса жаҳон,
Ҳаммасин фош этиб, қилмасам расво,
Оламга солмасам шўришу ғавғо,
Барчадан яширин қолур бу аҳвол,
Шарафли тўкилган қон бўлур поймол.
Меҳнаткашга мендан келур ҳар вақти
Кураш режаси-ю, ғалаба бахти.
Менинг таъсириمدан қайнаб кетар қон,
Мен билан ўз ақлин топади инсон.
Сўнг ситамага қарши кўтариб исён,
Зулм занжирларин қилади яксон.
Мен меҳнат аҳлининг қўшунидирман,
Ишчи-ю деҳқоннинг ҳужумидирман.
Даъвоман, ҳужжатман, мунозараман,

Гувоҳман, фатвоман, музокараман.
Ҳомийман, посбонман, мудофааман,
Ноламан, шикоят, муҳорибаман.
Шунча нарса билан тўлиқдир жомим,
Шунинг-чун мураккаб*— сиёҳдир номим.
Сизнинг сафингизда турмоқлик учун,
Бирга коммунизм қурмоқлик учун,
Мени ишга солди соҳиби қалам,
Қураш майдонида учов бўлдик жам.
Сиз-у мен — учимиз турсак ёнма-ён,
Ҳар қандай жабҳада зафар бегумон.

1932

* Форсчада сиёҳни ҳам «мураккаб» дейдилар. Шоир бунда сўз ўйини қилган (*Тарж*).

МЕНИНГ ВАТАНИМ

(фарзандлиримга)

Фарзандим, қулоқ сол, бериб эътибор:
Шу осмон остида --- ҳам бой, ҳам қашшоқ
Эрон аталувчи машҳур диёр бор.

Тупроғи неча бор бўлган қизил қон,
Лекин унинг руҳи бақувват, тетик,
Унинг мардлигига қойилдир жаҳон!

У, кўҳна дунёнинг кекса фарзанди,
Тарих бетларида порлайди номи,
Жаҳоннинг ақлли бир ҳунарманди.

Шукуҳин ўйлама шоҳлар тожидан,
Немин юксак тутар Кова¹ байроғи,
Маздак² ва Иражга³ бўлган-чун маскан.

Ватан посибони — ҳар ёш юракда —
Рустам ёққан олов, ўша алаиға.
Бу куч абадийдир ҳар қалб, билакда,

Тадбирли курашчи Эронийдек шер
Озодлик йўлида жон фидо қилди.
Матонат бобида эди беназир.

^{1 2 3} Эрон эпосининг қаҳрамонлари.

Порлар Эрон номи дилни қондириб
Ҳайдар Омуглийнинг исми нуридан,
Мазлумларни ёқлаб, ёвни ёндириб.

Халқнинг бир қомиси у Ермуҳаммад
Меҳнат аҳлини у ҳимоя қилди,
Номи яшаяжак абадул-абад.

Озодлик йўлида фидо этиб жон,
Халқ бахти-чун шаҳид бўлган мардларни
Тарихда жуда кўп кўргандир Эрон.

Ватаним кенг ўлка, ажойиб диёр,
Лекин гуллаб турса бир жойи агар,
Бир жойи қуп-қуруқ, кўрмайди баҳор.

Дил ғурурга тўлар манзарасидан,
Фазо-ю ҳавоси жанларга роҳат,
Атр иси анқийди тоғ дарасидан.

Жуда кўп чангалзор, ўрмонлари бор.
Гўзалликда бири ортиқ биридан,
Шаҳар, тоғу дарё, кўрғонлари бор.

Қайда бор ҳар йили уч бор муттасил
Ҳосил берар ерлар? — деб сўрсанг, ўғлим,
Эронда олинур уч марта ҳосил.

Оламда тенги йўқ мевасин ранги,
Ерларин қоплаган зумрад гиламлар,
Фазосин тўлдирган қушлар оҳанги.

Лекин, афсус, шундай эмас ҳар томон,
Кўп ерлар қақраган дашту сувсиз чўл,
Одам ҳам яшамас, мудҳиш биёбон.

Бу ерлар кўз тутар инсон қўлига,
Мана, Совет эли бўлиб намуна,
Гуллатди жон бериб дашту чўлига.

Халқининг сифотин эшитгил бу дам:
Содда дил, қаҳрамон, соф табиатдир.
Шундай дер қадимдан ривоятлар ҳам.

Мусулмон ё ўзга гар бўлса меҳмон,
Кутиб олади у очик юз билан,
Ширин сўзлар билан фидо этиб жон.

Ўзга халқ-ла бўлмас ҳеч адоватда,
Эрон халқи қилмас виждонини тарк.
Баъзи ҳаёсиз бор, лекин одатда,—

Гулистонда бўлур баъзан илон ҳам.
Аммо бу ҳикоям эгаси асли —
Ватаннинг соҳиби — меҳнаткаш одам.

Буқун, гарчи ожиз, мазлум, жафокор,
Аммо тез келади шодлик кунлари,
Халқ зафар топади, душман бўлар хор!

Ишончим комилдир халқ бўлар озод,
Ҳам аъёнлар зулми ҳамда чет эллик
Жаноблар кишани бўлади барбод.

Шундай шонли ўлка менга ватандир,
Туғилган жойимдир у она тупроқ.
Жасур халқим менга ҳам жон, ҳам тандир.

Нима бор жаҳонда бундан ортиқроқ!

Турк арслонлари, курд полвонлари,
Катта-ю кичик форс ўғлонлари,

Қардошларча қўлни-қўлга ўтказинг;
Зулм лашкарига шикаст етказинг!

Ев фойдасидир -- ҳар нифоқингиз,
Ватан фатҳидир — иттифоқингиз.

Агар дилингиз бирлашса баҳам,
Уч турли тилдан сизда нима ғам?

Инглиз — Америка дилдош эмасдир,
Эрон шоҳи-ла тилдош эмасдир.

Лекин бирлашурлар қонни сўришда,
Сизни талашда, ҳам ўлдиришда.

Сиз ҳам бирликни этиб мустаҳкам,
Ватан номусини сақлангиз ҳар дам.

Ватанин чоймол этганида ёв,
Бу тиллар кошки бўлсайди соқов!

Оға-инилар, сингил-опалар,
Номусли ёрлар, ота-оналар,

Ёв қаршисида бирликни тутинг,
Бирлашиб маҳкам ҳужумга ўтинг!

Босқинчини дафъ этгандан кейин,
Қардошларча қилинг мерос тақсимин.

Уйларингизда бўлинг мустақил,
Неча тан бўлинг ва лекин бирдил.

Қишилар бўлганда бир тану-бир жон,
Уни енголмас ҳеч куч, ҳеч полвон.

Бу сўзнинг чинлигин билмоқлик учун
Совет халқлари шоҳиддир бутун.

Тинчликка байроқдор советлар халқи,
Жаҳонда порлайди қуёшдай балқиб.

Турк арслонлари, курд полвонлари,
Қатта-ю кичик форс ўғлонлари,

Йўлингиз бошқа,— деса ҳар киши,
У, ўзи душман, душманлик — иши.

Йўлингиз битта: озодлик йўли,
Ижод ва ҳаёт, дилшодлик йўли.

Шу йўлга кириб, беринг қўлга-қўл,
Бахтга элтади албатта шу йўл!

1950.

Кўргил, Эронга аҳриман юзли шайтон келганин,
Этгали бу ўлкани бир йўла вайрон, келганин.

У келибдир қўлга олмоқлик учун эл нонини,
Нон билан бўйсундиришга халқ жисму жопини.

У келибдир нефтни қўлига текин олгали,
У келибдир эркесвар сафга шикастлар солгали.

У келибдир булғатишга ном ила номусни,
Халққа ҳоким айламоққа бир тўда жосусни.

У келибдир бизнинг одатларни барбод этгали,
Америка расмига эронликни муътод этгали.

Кованинг авлоди, эй заҳҳокбанд сен яхши бил,
Ўғри — одамхўр кишилар сўзини сўз демагил.

Инглиз зулмини дафъ этмоқлигингдир ифтихор,
Бўлмасин ўрнига энди Америка барқарор.

Ул бирини ҳайдагач, иккинчисига берма йўл,
Қайтадан зиндон тагига тушмагил, хушёр бўл!

1951.

1 Аҳриман — ёвуз рух, иблис. Шоир бу шеърни Америка президентининг ёрдамчиси Гарриманнинг Эронга келишига қарата айтган.

Э Р О Н Қ И З И

Тонг ели, тушса йўлинг эссанг агар Эрон сари,
Борсанг, Эрон қизларига сўйла шоирдан салом.
Шу баланд тоғ орқасида гуллаган ҳар бир ери,
Ўзбекистон ҳам яшарки, улғаяр, порлар мудом.

Бунда алдов, зулм йўқолган, эркли меҳнат бахтиёр,
Ҳар тарафда олий турмушнинг чироғи яшнаган.
Бунда қизлар порлаган, юзлардан отмишлар ғубор,
Қоп-қора зиндон деворидай «кафан»ни ташлаган.

Бир куни тонгда очилган шунча гуллар шод-шод
Қопламиш чодир тумонидан қуёшга чиқдилар.
Ҳамма кулган, қувнаган, ҳар бир тараф шонли, обод,
Бир менинг қалбим қонаб, оғриқ-ла ҳайқирмоқ тилар,

Ўйладим мен бошқа мазлум қўшни Шарқнинг
борлигин,

Ундагилар ҳали ҳам «Қуръон»га бўлганлар асир.
Ўксиниш ёши бўғизимга тиқилди бир йиғин,
Босди Эрон қизлари-чун манглайимни жиққа тер.

Ўзбекистон сенинг мардоналарингни севаман,
Қанча-қанча оқил, доноларингни севаман.

Ташладинг дарду ғаминг, эркин баланд қад кўтариб,
Ғалаба топдинг улуғ тиг ила майдонга бориб,
Енгдинг ёвларни уриб, зарб ила чангин чиқариб,
Бу курашда ғолиб у фарзандларингни севаман,
Ўзбекистон, сенинг мардоналарингни севаман.

Сен бу кун мамлакати санъат-у урфондирсан,
Шеър ўқиб булбул учун яхши гулистондирсан,
Тегмасин кўз, ажаб гуллари хондондирсан,
Мен сенинг шу гулу гулхоналарингни севаман,
Ўзбекистон, сенинг мардоналарингни севаман.

Ешлик руҳин берар сендаги ҳуш обу ҳаво,
Эритур дилни чангу, доира, най этса наво,
Жон қилур рақс, агар сендан анга етса садо,
Ўзбекистон, сенинг мардоналарингни севаман.

Қизларингнинг барчаси шерзода-ю, шоввоздирлар
Мард фарзандларинг ботир-у дилсоздирлар,
Ҳамма ўғлону, қизинг эл аро мумтоздирлар.
Мен шу авлоди гуҳардоналарингни севаман,
Ўзбекистон, сенинг мардоналарингни севаман.

Пок диллар ҳаммаси сенинг меҳрибонингдир,
Тожикистон шарафу-бахтингга шодмонингдир,
Чунки, ёшликдан асл дўсту қадрдонингдир.
Янгилик ёювчи оқил доноларингни севаман,
Ўзбекистон, сенинг мардоналарингни севаман.

1939 Тошкент.

Қурди бир базм каттакон бир бой,
Қирмоншоҳ шаҳри эрди унга жой.
Товуғу қўй, ўтин ила мойни,
Меваю сабзавоту буғдойни
Ортишиб батрак ила деҳқонга
Бой, аъёнлар жўнашди меҳмонга.
Шаҳр ичра етиб келишдилар,
Тухфани хўжага беришдилар.
Кўрсатиб отхонасидан жой,
Ўтиришга буюрди юзсиз бой.
Бор эрди унда бир фақир киши,
Бенаво, камбағал ҳақир киши,
Ҳар томонга боқиб ўзидан ўзи
Ногаҳон бир эшакка тушди кўзи.
Кўрибоқ у эшакни қўзғолди,
Бордию бўйнига қўлин солди:
Дод уриб дер эдики: «Жон эшагим,
Жон билан тенгу меҳрибон эшагим!»
Эшак этган сайин унга ҳанг-ҳунг
Ортарди дилидаги ғаму мунг.
Қўни-қўшнию ундаги меҳмон
Эшитиб жам бўлдилар ўша он.
— Эшагим олган эрди мансабдор —
Деб, шикоят қиларди йиғлаб зор;

Дер эди; — ҳажрида адодирмиз,
Зору бемору бенаводирмиз,
Ҳали ҳам меҳру ёдидир дилда,
Тўқими уйда, мақтови дилда.
Бир киши келди кўтарди фиғон,
Деди: «Сен ўғри, муттаҳам инсон,
Шоҳ одамларига душмансан,
Сўзлаган сўзларинг бари бўҳтон,
Чунки деҳқон сўзи бўлур ёлғон.
Сен бориб у тўқимни келтиргил,
Шунда ёлғон гапирганинг билгил.
Бундаги ҳамма яхши одамлар
Ишимиз устида гувоҳ бўларлар.
Бу эшакка агар тўқим қойим —
Келса, эшакни ол, турай мен жим.» —
Кетди қишлоққа камбағал деҳқон,
Орқалаб келтирди тўқимни шу он.
Қўйилди эшакнинг устига тўқим,
Унда эшакни ҳусни ошди шу зум.
Ҳайлади бенавои мансабдор,
Дедик: «Бу тўқим эшакникидир,
Эшак эса менинг мулкимдир!»
Сўнг югурдақларига дедик: «уринг!»
Қалтаклар ёғилди бошига унинг.
Бечора йиғлади ва қилди фиғон,
Додига етмади бирорта инсон.

2

Борди Ленинградга бир деҳқон,
Сталинобод эрди унга макон.
Ўзи хўб меҳрибон, ювошу ҳалим,
Номи эрди Жалилзода Салим.
Неча йил олдин у бир гадо эрди.
Захматда эзилган бефано эди.
Бир умр жабр ила ситам кўрган,

Ҳамда обод жойни жуда кам кўрган.
Шод бўлди сафар қилиб шу замон
Қилди Ленинград уни ҳайрон.
Неча ўртоғи бирла у деҳқон
Бўлди ишчилар ўйида меҳмон.
Йиғилиб ишчилар ўша соат
Кутдилар дўстларча беминнат.
Ёзиб олдиларига дастурхон,
Қўйдилар мева-чева, ошу нон.
Кўрсатишди заводни унга бутун,
Бу томошадан у бўлди мамнун.
Ташлар эрди у ён, бу ёнга назар,
Унда бир катта тракторни кўрар.
Югуриб борди ушлаб қаради,
Ҳамма ёғин силаб, сийпаб қаради.
Шод бўлди, деди: «қанотимдир,
Бу менинг яхши, йўрға отимдир».
Ишчилар ҳазил этиб, адаб сақлаб,
Меҳмоннинг табиятин чоқлаб,
Дедилар:

«Гар танирсан, айт, юрсин,
Тўхта деганда, ўрнида турсин.»
Бу каби сўзни тинглагач деҳқон,
Сакради бир кийик каби чаққон.
У трактор узра ўтирди тетик,
Тоғ устида қўнган бургутдек.
Рулни яхши тутиб, педаль босди.
Бўлдилар ундан ишчилар дилшод,
Дедилар «Кўп яхши!» ва «Зинда бод!»
Бу илиқ сўзларни эшитиб деҳқон
Гул каби кулдию очилди шу он...
Деди: «Ўтмишда мен эдим бир қул,
Бой юкини ташир эдим буткул.
Ғаму қайғу билан эдим улфат,
Мина олган эдим эшакни фақат.

Бу замон берди менга донолик,
Шодлик, яхшилик ва тавонолик,
Энди илм ила менинг қанотим бор,
Пўлатдан бақуват бу зўр отим бор.
Мен саводсиз эмас ва бекорчи,
Қолхоз аъзосиман, тракторчи».
Ишчилар дедилар унга раҳмат,
Қувониб кулдилар неча фурсат.
Ўзаро маслаҳат қилишдилар,
Тоғни бургутга бахш этишдилар.
Салим энди жўнайди Болтиқдан,
Тожикистонга бу трактор билан.

1935.

Инаб, ангур, узумнинг достони

Қолибдир эски дунёдан, қадимдан.

Таажжуб қиссадир дилкаш баёни,

Эшитмаган эшитсин сўзлайин ман.

Бу сўз мастларни ҳам ҳушёр қилгай,

Кишилиқ фикрини бедор қилгай.

Ҳаво иссиқ, узоқ бир йўлда сувсиз

Бўлиб ҳамдам борарди учта йўлдош.

Баланд-пастлик йўл узра қолдириб из,

Оёқларни қабартирган ботиб тош,

Мадорсиз ўлтиришди дилда йўқ нам,

Даво изларди бу дардга учов ҳам.

Узум деб турк кўзидан ёш оқарди,

Дер эрди форс ангур! Нола айлаб.

Араб йиғлаб инаб дерди боқарди,

Тушунмас бир-бирини қайдадир гап.

Баногоҳ бир қароқчи келди йўлдан,

Кўрарким, нола айлар бунда уч тан.

Мадорсиз эрди гарчи ҳамсафарлар,

Қароқчи якка-ю, учта бу улфат

Деди ўғри ўзига бу муқаррар,

Бир одамни уч одам енгар албат.

Буларни бир-бирига душман этсам,

Зафар албатта бўлгай менга ҳамдам.

Бу дўстлар ўртасига солди жанжал,
Дедиким, мен у қишлоққа борурман.
Узумми ё инаб, ангурми дарҳол
Бу учдан биттасини келтирурман.

Керак бўлмоқ ризо бунга ики тан,
Учинчи етгуси мақсадга шундан.
Араб шавқин солур келтир инаб деб,
Узум келтир деди турк, форс ангур!
Учов жанжаллашар эрди фриб еб,
Қароқчи фитна айлаб, эрди мағрур.

Учовлон муштлашиб ўлмоққа етди,
Улар борин қароқчи шилди кетди.
Бўғишган эрди дўстлар мисли душман,
Келиб қолди бир одам пок юраклик,
Савол берди бу ҳолни кўрди бирдан:
Недан бечоралар, бу на демаклик?

Узум дер турк, форс ангур керак дер,
Араб додлар; инаб даркор, инаб бер!
Кулиб ул мард деди, билдим, қилурман —
Учовнинг дардингизга яхши дармон.
Бориб ток мевасин келтурди боғдан,
У доно маънилик марду билимдон.

Кўриб, кулушди турку форс, араб ҳам.
Деди — шулдир узум, ангур, инаб ҳам.
Даво топмоқ учун маълум бўлди.
Бу уч бошда хаёл бир эрди аммо,
Қарақчи фойдасин кўзлаб суқулди,
У дўстлар ўртасига солди ғавғо.

Ташаккур қилдилар олимга изҳор.
Нечунким уйқудан у қилди бедор.
Совет авлодлари юз-юз асрлар
Эдилар хору зору нотавон ҳам.
Орода бор эди иғво муқаррар,
Ҳама бир хил даво изларди ҳар дам.

Қийинлик, эркисизликнинг давоси

Мудом бахт эрди халқнинг муддаоси.

У ўғри ҳукмронларнинг сўзига

Кириб, эл бир-бирига эрди душман.

Бўлиб туркман ёмон, ўзбек кўзига,

Яҳудий тожигу, у бошқа бирлан.

Дебон турк, армани енгилса балким,

Фаровонроқ бўлур айшим, ҳаётим.

Улуғ Ленин бу халққа бахт берган,

Шу миллатларга тузган тўғри йўлни.

Қилиб дўст қаҳрамон рус халқи бирлан

Қиришга ёвни, берди қўлга-қўлни.

Агарчи бошқача эллардаги тил,

Буюк мақсадда халқ бир жону, бир дил.

Азобни маҳв этиб миллатлар энди,

Ҳаёт маъносидан баҳра олишди.

Берур бахт меваси лаззатлар энди,

Уни бирлик дарахтидан теришди.

Хатога кетмагайлар энди асло,

Ҳамиша бирга халқ қолмайди танҳо.

Фашист йиртқиқларин этмоққа яксон,

Совет авлодлари бир жону, бир тан.

Қилурлар мардлик, бошлайди ҳар он —

Улуғвор бу Ватан бахтларга чиндан.

Бу бахтлар келди бирлик бирла қўлга,

Шу бирлик парчалар, ким ғов бу йўлга.

МЕҲНАТКАШ ЭРОН ЧАҚИРАР

Тингланг, диққатни бўлмай ҳар ёққа,
Қимнинг фиғони етар қулоққа?
Бу фиғон эмас, бу ҳайқириқдир,
Оташин имдод, бир чақириқдир.
Она чақирар, Эрон чақирар,
Тингланг, меҳнаткаш инсон чақирар.

Етар ҳар замон доди фалакка,
Етиб борайлик ёрдам-кўмакка.
Бир сафда туриб имдод этмакка,
Жаллод қўлидан озод этмакка.
Она чақирар, Эрон чақирар,
Тингланг, меҳнаткаш инсон чақирар.

Меҳнаткашларни ёппа эзарлар,
Курдми, туркми, форс — барин баробар.
Бирга янчайлик бегоналарни,
Ётга сотилган ҳамхоналарни,
Она чақирар, Эрон чақирар,
Тингланг, меҳнаткаш инсон чақирар.

Азизим Тавриз, маҳди инқилоб,
Қонидан дарбор қўлидир хузоб,
Кўмак этайлик, бўлсин комёб,

Душман уйини айласин хароб.
Она чақирар, Эрон чақирар,
Тингланг, меҳнаткаш инсон чақирар.

Зўр иродали улуг Оҳангар —
Жангда чиниққан зўравон Ҳайдар,
Ермуҳаммаддек ботир кишилар
Бизни чақирар: Топинг, — деб, — зафар.
Она чақирар, Эрон чақирар,
Тингланг, меҳнаткаш инсон чақирар.

Сатторнинг руҳи бизни чақириб
Дер: ўлка гули тоқайгача хор?
Ҳам дер: ватанни хўрлик, зиллатдан
Озод этишда бўлинг фидокор!
Она чақирар, Эрон чақирар,
Тингланг, меҳнаткаш инсон чақирар.

Ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқон!
Бўлади тоқай уйингиз зиндон?
Ўртоқ йўлбоши Эроний* руҳи
Дегай: олға бос, эй шонли Эрон!
Она чақирар, Эрон чақирар,
Тингланг, меҳнаткаш инсон чақирар.

Советлар халқи ўзлаштириб фан,
Дўстлик нуридан дил этиб равшан,
Ёвни енгишни кўрсатди бизга,
Дўстлик, бирликни ўргатди бизга.
Она чақирар, Эрон чақирар,
Тингланг, меҳнаткаш инсон чақирар.

* Ҳайдар. Ермуҳаммад, Саттор, Эроний — Эронда бўлиб
ган революцион ҳаракатларнинг раҳбарлари

Дўстлик байроғин кўтариб баҳам,
Озодлик сари ташлайлик қадам,
Душман жисмини бежон этайлик,
Ситам қасрини вайрон этайлик.
Она чақирар, Эрон чақирар,
Тингланг, меҳнаткаш инсон чақирар.

1952.

П А Р Т И З А Н Л А Р Н И Н Г Т У Н Г И Ҳ У Ж У М И

Вайрона бир қалъа, холи бир қўрғон.
Қўриқларди уни бир неча ўғлон.
Қуёш иссиғидан қайнар қозондек,
Гўёки ҳарорат ўраб олгандек.
Атрофдан алоқа узилган эди,
Отлар ишдан чиққан, чўзилган эди...
Қаҳрамон жангчилар уйқусиз толган,
Баъзилари оғриб йиқилиб қолган...
Яқинлашиб келар душман рў-барў,
Булар озодлик дер, эркин бўғар у.
Уларга буйруқни берган инглиз,
Истиқлол фурушу хоин, сотқин-пес.
Жангчилар истиқлол, адолатпарвар,
Эроннинг истиқлол ва бахтин сўзлар.
Аммо булар камдир жанг майдонида,
Ўн ҳисса ортиқдир душманлар сонда.
Оғир бўлса ҳамки, келтирдилар тоб,
Озиқ-овқатсиз ҳоллари хароб.
Зарур ўқ-дори уларга шу он,
Жиддийлашиб борар вазият ҳамон.
Кутарди жангчилар «Ота» фармонин,
Аямасдилар ундан ҳаттоки жонин.
«Ота» дейилса ҳам эди жуда ёш,
Ҳурмат этардилар уни кекса-ёш.

Қайда хавф бўлса, шунда у тайёр,
Уз ғамин емасди, ўзгаларга ёр.
Ота узоқ чизди жанг режасини,
Сўнгра, айтмоқ бўлди андишасини:
Ўтган саркардалар руҳи қўлласин,
Улар жангда бизга зўр ҳамроҳ бўлсин!

Янги парвоз қилган бир бола чумчуқ,
Дунёда кўрмаган ҳеч аччиқ-чучук,
Девор панасида ётарди шу он,
Гўёки йўқ эди вужудида жон.
Очлик, ташналикдан эди нотавон,
Баҳодирлар берди унга сув ва дон.
Чумчуққа жон битди янгидан шу чоқ,
Жангчиларга бўлди қадрдон ўртоқ.
Улар боғладилар чумчуқчага дил,
Қариндошлар каби бўлдилар аҳил.
Жангчилар кифтига қўнарни чумчуқ,
Қулоқлар тагида сайради «чирқ-чирқ».
Қанотларин қоқиб дерди дўстларга:
Тез кунда учамиз бу ерда бирга!

Бир куни чумчуқча қилганда парвоз,
Уни ортдан қувди осмонда бир боз.
Боз қўлидан гўё топмасди омон,
Бечора чумчуқча ҳовчлаган жон,
Телбадек қочарди қирғий дастидан,
Ўзига жой топди бўғот остидан.
Жангчилар суронин эшитган замон,
Йиртқич боз қочганди бир бошқа томон.
Чумчуқнинг писганин кўриб бир илон,
Торта бошлаганди дамига шу он.
Тешикдан кўринди илоннинг тани,
Ўққа дув тутдилар жангчилар уни.
Парчин бўлиб ерга йиқилди илон,

Йиқилган ҳамона таслим қилди жон.
Илоннинг оғзида чумчуқча тирик.
Қарангки, чумчуқда қанақа мардлик.
Тумшуғи ва бўйни, кўзи, сийнаси,
Қисқаси, саломат эди ҳаммаси.
Илоннинг оғзида қолган у ҳаёт;
Ювиб тарадилар,

ҳамма бўлди шод.

Илонни эздилар бўлди ҳоку-по,
Ва кулиб дедилар: битсин аждаҳо!
Душман қўлига биз дўстни бермаймиз,
Паст инсон олдида бўйин эгмаймиз! —

«Чирқ-чирқ»лаб чумчуқча учиб ҳар томон,
Шодлигин қиларди ҳаммага баён.
Шу пайт ота ҳам бермоққа фармон
Жангчиларни йиғди у кулиб шодон.
Деди: Биродарлар, бу ёш чумчуқча
Ғалаба йўлини ўргатди анча.
Вазият бўлса ҳам оғир ҳар чунон,
Ноумид бўлмасин инсон ҳеч қачон.
Сиз ва биз — илоннинг оғзида шу дам,
Фаҳм, журъатлимиз, биз ундан бардам!
Дўстлар, қани келинг, бирликда барча
Душманга этайлик бир қонли кеча!..
Бу оғулар бўлсин шакар ва асал,
Ҳаёт сувидан ҳам у бўлсин афзал» —
«Ура!» қичқириғи юксалиб баланд,
Қирқ йигит оғзидан чиққанди бирдан.
Милтиқлар шайланди, ўқлар олинди,
Сувдонларга тўла сувлар солинди,
Бир-бир текширилди юган, узанги,
Бари тозаланди қолмади занги.
Жангга тайёрланди хурсанд шод бари,
Қичқиришар: олға, олға, жанг сари!

Душман дили каби тун энди сиёҳ,
Осмонда кўринмас на юлдуз, на моҳ.
Тинчлик ҳоким эди бутун атрофда,
Жангчилар дилидан гўё шу тобда
Чиққандек туюлар фақат бир садо:
Қачон биз бу ердан чиқамиз, худо!?
Тоқатлар тоқ бўлди, интизорда жон,
Ғалаба кўринар муқаррар, аён!
Отлар туёғига ўралган наमत,
Кўр каби, жангчилар ҳис билан фақат
Сезарди борлиқни, кутишиб фармон,
Темирдай ирода, чиниққан ҳар жон.

Тўлқинга отилган улкан бир китдек,
Булутлардан баланд учган бургутдек,
Ёрдилар душманнинг зич, қора сафин,
Аямай қирдилар бериб адабин.
Чақмоқдек чиқдилар ёв ҳалқасидан,
Ботирлар қувдилар ёв орқасидан.
Тонгда етди тоққа ҳар иккаласи:
Жангчилар сафи-ю, қуёш шуъласи.
Тоғ устида қайнар сонсиз булоқлар,
Ҳамма ёқда кўм-кўк майса ўтлоқлар.
Улар озод бўлди илон комидан,
Бағри қора ёвнинг қурган домидан.
Янги-янги зафар, шон-шараф учун
Сафарбар этдилар улар бор кучин.
Зўр навозишлар билан мардлар хушлашди,
Бир-бирларин маҳкам қўлин ушлашди.
Раҳбарни ҳам тоғ сари учирдилар,
Эрк лаззатин унга ҳам ичирдилар.

1952.

ДУСТЛИК ВА БИРОДАРЛИК

Кекса донога юракдан бир йигит берди савол,
Фикри мушкилни ечувчи, э билимда баркамол!

Айтчи, устод панди шогирдлар учун яхшимикин?
Ё қариндош яхшироқми, ёки дўстми энг яқин?

Шунда ул оқил қария ушбу хил берди жавоб:
Яхши устоддир ҳаёт, турмушки, илми беҳисоб.

Чунки турмуш қилди исбот халқаро, бу сўзга боқ,
Дер қариндошдан — садоқатлик яқин дўст — яхшироқ.

Балки, бу мумкин, қариндош дўст бўлмай ҳам қолур,
Жонажон дўст сен учун доим қариндошдек бўлур.

Гар қариндош бўлса дўстинг, бу сенинг бахт, омадинг,
Бекаму кўстдир ҳаётда доимо бахтинг сенинг.

Халқ билан сен бирга бўлгил, дўст топ, илгини тут,
Душманингни илдизи бирлан юлиб ташлаб, қурит.

Ёр юзининг пок юрак одамларидан сўз десам,
То Ҳито-ю, Ҳинд билан, Америка тупроғида ҳам —

Жони дил бирлан севарлар доимо ўз юртларин,—
Нафрат айларлар разил душманларидан кун сайин.

Яхши пият бирла доим пок юракдан шодлик,
Бахра олгайлар, уларнинг истаги — озодлик.

Юрти бошқа, тил бўлак, пўсти қаро ё оқ демай,
Бирлашиб дўст бўлдилар тинчлик учун халқ бирталай.

Зулм элига қаршилиқ аҳдини бунёд этдилар.
Тоабад дўстлик учун халқлар қасамёд этдилар.

Қанча эл дўсту қариндош бўлдилар, чин меҳрибон,
Бе уруш, бир-бирлари бирлан яшар тинчу амон.

Бизда дўстлик, унда титрайди жаҳонгирлар тани,
Ушбу дўстлик маҳв этар, албатта, жангу фитнани.

Дўст юзига дўст қўли ҳеч бир қачон ўқ отмағай,
Дўстига ўт сочмағай, дўст-дўстини қақшатмағай.

Қайси қўлким, ушбу қўллар бирла ушланган эса,
Ҳар қилич ҳам синғуси, у, қўлни кесгайман, деса.

Бу бўлур, албатта, миллатларнинг маҳкам дўстлиги,
Бехатар дўстлик, қариндошлик — чин одам дўстлиги.

Ҳар қачонким ер юзида қайнаса, мавж урса қон,
Етса мазлумлар дилидан эл қўлоғига фиғон,

Мамлакатлар халқлари билғай бу нола кимники,
Бу фиғон дўстларники, дерлар, қариндошимники.

Ногаҳон майдон аро Вьетнам қизи бўлса асир,
Қолса қонхўрлар қўлида, ким қараб тургай, ахир?

Қўзғалиб ҳар мамлакатдан ер юзининг халқлари,
Қимлигин яхши билур тинчлик севарларнинг бари.

У асира ҳамма халқнинг синглиси, уммидивор,
Синглисин қутқазмаса, бўлгай уят, номусу ор.

Қанча текширсин, қамаб ўлдирсин-у, берсин азоб,
Дунёда тинчлик севар халқлар жуда ҳам беҳисоб.

Кўрсатурлар ўзларин кўпроқ яна дўстлик билан,
Кун сайин ўсган уларнинг истаги пок ҳар қачон.

Тинч-омонлик мақсадида янги имзолар чекур,
Ушбу имзолар билан тинчлик биноси тикланур.

Мен баланд руҳ, жону дил бирлан деюрман дам-
бадам:
Шод бўл, тинчлик севарлар, кўн яша, ҳеч кўрма ғам.

Ер юзида тинч-омонлик байрами бўлди бу кун,
Бу совет халқи каби қўл қўйғуси халқлар бутун.

Тинч-омонлик ҳужжатини жон-дилидан тўлдирур,
Ким бу ишга қўл қўюр, албатта, у ижро қилур!

1951.

ЛЕНИНОБОД ШАҲАР
ВА КОЛХОЗЛАРИНИНГ КЕКСАЛАРИГА

Кексаларнинг суҳбатин кўрдим, улар ёш, навқирон,
Менга ҳар бир лаҳза байрам бўлди, бўлдим шодмон.

Ким улар-ла жони-дилдан сўзлашар, хурсанд бўлар,
Сўзларига ким қулоқ солса, у бахтли, бегумон.

Бу кишилар у буюк шоир Қамолнинг наслидир,
Кўрмаган донишда тенггин қанча йиллар бу жаҳон,

Ҳар бири одобли ёшлар, у билим дарёлари,
Иззатин дарёсига бу дур қўшилгач, бўлди кон.

Мен бу доно кексалар-ла суҳбат этмоққа келиб,
Етди осмонга бошим, зўр ифтиҳор бирлан шу он.

Пахтадек оппоқ соқоллиларга мендан кўп салом,
Чунки, терган пахтаси ҳар биттаси бир тоғсимон.

Хўб ярашган ўзларига бу каби фазлу ҳунар,
Бу йигит қизлар учун хўб яхши ибрат кўп замон.

Бемадор эрди Хўжанд жисми зулмлар остида,
Доҳий Ленин номи бирлан унга кирди янги жон.

Яшасин бизнинг Ватан, бунда ҳалол меҳнат билан
Роҳат-у меҳнатда инсон минг яшар тинч-у омон.

1947.

Я РА Д О Р Қ У Л Л А Р І

Яшашнинг зўр кураш майдонида ман,
Келур ёдимга ёшлик чоғларимдан,

У дамдан бу қарилик чоққача дам,
Дадиллик, навқиронлик менга ҳамдам.

Неча зўрларга дуч келдим жаҳонда,
Букиб енгдим кўпин, бел ушлаганда.

Забардастларни минглаб ерга урдим,
Тилин шер оғзидан тортиб суғирдим.

Гўзаллар базмида, юпқа тамоғин,
Урушда жангчининг тансиз оёғин,

Бу хил кўп ишни кўрдим мен жаҳонда,
Эшитдим ҳам ўқирдим дostonда.

Дилимга келмади бир зарра кўрқинч,
Ажин ҳам тушмади пешонага ҳеч.

Қи бир бахтлик кишини Москвамда,
Қўриб, қаттиқ қўлин сиқдим шу дамда.

¹ Бу шеърни шоир бир мухожир дўстига бағишлаган. (Тарж.)

Фақат енгилди шунда жисм ила жон,
Вужудим титради ҳам кетди дармон.

Эмас у жодугар ё катта аждар,
Қўлида на олов бордир, на ханжар.

Бақувват муштлири ярадан доғлик,
Хино дерсан кўриб у қўлни боғлиқ,

У қўлларга ачиндим, кўп тикилдим,
Унинг зиндону занжир доғи билдим.

Бу қўл бир мард қўликим, шуҳрати бор,
Эрур мингларча ҳурматга сазовор.

У, меҳнаткаш эли бўлсин деб озод,
Курашда ногаҳон банд этди жаллод.

Уғил, қиз, хотинин фарқ айлади қон,
Уларни парча-парча қилди ҳайвон.

Гўдаклар ҳасрати ўртаб юракни,
Босибдир қонли доғ пўсту суякни.

Темирдан кундада икки оёғи,
Қўли занжирга боғлиқ, дилда доғи.

Бошида ёв таёғи, шул сиёқда,
Демак у етти йил ётди қамоқда.

Мухожир бу мард одамга бул кун
Бериб Ленин йўли ленинча қонун.

Ки зиндон ўрнига боғу гулистон,
Бўлиб кўп комсомоллар бир дилу жон.

Қари шерларга чиндан қадрдонлик
Қилинглар, комсомоллар, меҳрибонлик.

Ҳунарлик паҳлавонларга назар қил,
Ҳунар ол кучда сен, шерзода бўлгил.

Суғур икки қўлин қасд айлаганни,
Дадил посбони бўлгил ҳур Ватанни.

1931.

КУЙГАН ЧАМАН

Кулатилган санобару шамшод,
Тўзғитилган қаноти булбулнинг,
Қуриган ғунчаси неча гулнинг,
Тегиб ўтмоқда бераҳм сайёд.

Хўб билур кимки кўрса, бу жойда,
Шубҳасиз, бир гўзал чаман бўлган,
Боғ куйиб саҳни бирла қон тўлган,
Овчидан ўқ қолибди бу жойда.

Ундан ўтмоқда қип-қизил дарё,
Чаман аҳлининг қонига бўялиб,
Айланур, қушлар эса тўдаланиб,
Айлашиб гоҳи-гоҳи мунгли садо...

Э, таажжуб, бу қайси боғ бўлди?
Дилни тортар бу ҳуш ҳавоси билан,
Ушбу хил боққа ким у ўт қўйган,
Халқи нечун қирилди, доғ бўлди?

О, хароба бўлибди бу гулзор,
Унда қолдиқ тутун ҳали бордир,
Аслида бу жуда муҳим бир ер,
Тарихи кўп жуда қадимий диёр?

Гуллари сўлгану яна куйган,
Унинг хушбўйи, асли, кетган эмас,
Гар биноси ёмон топибди шикаст,
Қомати тик стунлари қолган.

Бу аломатни кўрган аҳли тамиз,
Дейди албатта ушбу хил сайёд —
Инглиздир! Эмас бўлак жаллод;
Бу чаман ҳам фақат у Мисри азиз.

1923 йил

ТИНЧЛИКСЕВАРЛАР МИТИНГИ

Келур саф-саф бўлиб эл неча минглаб,
Шаҳар ичра дили бир, ҳам нафаслар,
Улуғликда баҳор селига ўхшаб,
Оқар дарё томон, ҳеч тўхтамаслар.

Гўдаклар кўринур унда жуда кўп,
Она бағрида, ота орқасида,
Эру хотин, қари, ёш, нури дийда,
Юзида мақсади равшан эрур хўб.

На дерлар? Дейдиларким ушбу олам,
Наҳот қонли уруш ўтида куйгай,
На хоҳларлар? Ки хоҳлар оқил одам,
Мудом тинч бўлса Ғарбу Шарқ бутунлай!

Шунинг-чун ҳам урушни хоҳламаслар,
Гўдаклар қонидан ерни бўяшни,
Улим ушлаб ўроқ майдонда қайсар,
Тирикликнинг гиёҳини ўришни!

Уларнинг зулмини ҳеч истамаслар,
Бойитса дунёни ҳар дам тўлиб зар,
Қуйиб кина ўтида у бўлур кул,
Йўқолгай кўплари олдиндан буткул.

Баланд овоз билан меҳнаткаш авлод
Омонлик қўшигин айтиб борарди,
Гўдаклар кулгисин овози шўх, шод
Бўлиб жўр бирга авжига чиқарди.

Бироқ айланди шодлик зўр фиғонга,
Хужум қилди жандарм элга шу он,
Кенг майдон ҳар тарафдан тўлди қонга,
Нечун ўч олгали интилмас инсон?

Юракларга тўлиб мингларча оҳлар,
Оёқ остида қолди бегуноҳлар,
Тепилган бошлару тўплар садоси,
Аралаш бунга тинчликнинг нидоси.

Қара! Бегона жаллод сўзи бирлан
Бутун тинчликсеварларни қамарлар,
Бу эронлик амалдорлар тамоман
Хатарсиз ҳаммаси озод юрарлар?!

У душман олдида номардлар шул
Турар қулдек мудом хизматда ҳозир,
Ватан душманларидан ҳам ёмон ул,
Она юрт меҳри ҳам унга ҳаромдир.

Қуёш, нурингни сочма бир нафас ҳам,
У номардлар, у хонлар бошига.
Ёруғ тонглар шамоли, сен бирор дам,
Кела кўрма разил, пастлар қошига.

Бу ўғрилар юзига марҳаматдан
Томизма битта томчи ҳам, булутлар!
Муқаддас ер, бирор гўр бермагил сан,
Қўмилмасдан қуриб кетсин у итлар.

Бўл, Эрон қизлари, бул сўздан огоҳ,
Уларни йўлда учратсанг баногоҳ:
Қовоғинг солгину, муштингни кўрсат,
Юзингни тескари бур, айла нафрат.

Ҳукмдорлар у номардларнинг номи,
Ҳамиша сир тутиб элдан яширган,
Бўлур дунёда маълум эрта-индин,
Ватан ўғрилари шул айби бирлан!..

Билинмай номлари қолмайди ҳеч вақт,
Агар халқ урнаса, тездан билингай,
Ўшал кун эл бўлар шодону хушвақт,
Бутун эл олдида золим эгилгай.

Ва лекин сизнинг машҳур номларингиз
Ҳаёт, тинчлик учун жанговар авлод,
Жаҳон тарихида ёшу қарингиз
Шараф бирлан қолур, ўчмас умрбод!

1951.

ВАРАҚАЛАР МАЌЗИЛГА ЕТКАЗИЛДИ

Унга ўлка котиби қаттиқ ўровлик нарсани,
Тошширди илгини снқиб.
Меҳр-ла боқди йигит, бел боғлади йўл юргани,
Олди қўйинига тиқиб.
Еш эди, аммо чиниққан, кўп эди билган фани.
Кечроқ эрди, қўрқди, етмай қолмасам, деб ул замон.
Қўйди чаққонроқ қадам.
Бу жадал юргани йўлда кўрди бир жосус шу он,
Ундан гумон қилди шу дам.
Тез пайига тушди ул ҳам сезди-ю бўлди равон.
Кўчаларда тўхтамай терлаб-пишиб у тез юриб,
Душманга чап берди, бироқ,
У разил, жосус йўқолди кўздану, тинка қуриб,
Қалтирар эрди оёқ,
Чунки вақт ўтган эди, манзилга у етмай туриб,
Кўнглини ғам босди шул дам, унда дармон қолмади,
Бехуш йиқилди ул замон.
Ерга сочилди варақлар, у ўзин эпполмади,
Кўрди йўловчи ҳам шу он,
Бир хатар сезди, югурди ул томон тўхтолмади.
У варақларким сиёсий эрди шул дам жам этиб,
Боғлади маҳкам яна.
Берди миршабга хабар тездан у ҳам келди етиб,
Ўғлим касал, кўргил, ана,

Йўқ даво, элтдим табибга, қолди-ку бошим қотиб,—
 Деб кўтарди у йигитни кекса, худди ўғлидек
 Уйга олиб борди шу дам.
 Сув сепаиб эрди юзига, очди кўз бир оз тетик,
 Ҳайрат била боқди у ҳам.
 Ул ўровлик эсга тушгач, қонида бесабрлик.
 Сув сепар лойқа, самонлик, кўрди орриқ кексани,
 У азиз мард рўбару.
 Бор бу уйда, ҳарна қашшоқлар уйида кўргани,
 Кўз танишдек кўрди у,
 Парча бўйра, бир идиш, тешиқ қозонлик кулбани.
 Ул ўровликни бериб, кекса деди унга: болам,
 Бу ишингдан кеч бутун.
 Нега жонингни хатарларга солурсан дам-бадам?
 Бу ишни айтгил ким учун?
 У йигит айтди: ота, бу сен учун қўйган қадам!
 Сен каби минглар бу хилда бўлмасин бахти қаро,
 Ноиложу нотавон.
 Бу машаққатдан қутилсин эл жаҳонда доимо,
 Оч, яланғоч халқ — ҳамон,
 Бир қуриб қолган дарахтдек, унда нам йўқ мутлақо.
 Мустақиллик бўлмаса, ўлкангда бўлмас эрк, ҳаёт,
 Мард учун қаттиқ уят.
 Маҳв ўлиш хавфи будир, тез топмасанг бундан нажот
 Жон ваҳми бор шунда фақат,
 Жон на даркор, қолса Эрон пийпаланган беқанот?
 Ул кишиким, ҳар нафас минг турланиш бирлан ўлар,
 Ундан сира қолмас нишон.
 Ул кишиким, жон тикиб душман йўлини доим тўсар,
 Номи ўчмас ҳеч қачон!
 То абад халқ сўзлагай, ул доимо раҳмат олар.
 Бу хил ўлмоқ-ла тугалмоқлик хаёли менга ёт,
 Халқда қолмас ғам тун.
 Юрту эл бирлан сени озод кўрарман, қалби шод,
 Бунда кўрарман ул кун

Бу сенинг кулбанг чаман, сенда йигитлардек ҳаёт!—
Қийналиб бу сўзни айтди-ю, машаққатлар билан,
Турди ўрнидан секин.
Қўйди у аста қадам, кетмоққа кўнгил боғлаган,
Кўрдики, йўл юрмоқ қийин.
Бош ёрилган эрди, у ерга йиқилди қайтадан.
Турди жанговар йигитдек ўрнидан мардона чол,
У ўровлик нарсани,
Бир тугунга тугди-ю, қатъий туриб берди савол,
Қўлга ушлаб ҳассани:
Қайга элтмоқ, кимга топширмоқ керак, айт бемалол!

1951.

КАЛКУТТАДА

Командир! Уқчилар жойида, тўп тайёр, ҳамма иш тахт.
На фармон берсанг ижро қилгали лашкар эрур тайёр.
Сен оқил, мардсан, албатта, сендан яхшилик даркор,
Бу хизмат бирла обрў, мансабинг ошмоқлиги ҳам бор,
Жасорат қил, жазосин топсин ул итлар букун албат!

Командир соғ бўлсин, тўрг тарафдан ҳам ўт очгаймиз
Қириб исёнчиларни, бир тирик жонини қўймаймиз,
Буюрсанг гар, бу кун Қалкуттани тубдан емиргаймиз,
Шарафлик аскарибиз шоҳнинг, эй ишбоши, қайтмай
миз.

Командир офарин деб кифтига қоқди, деди, шундай:

— Пулат дил бўлган аскар, фикри — шоҳга айламак
хизмат,

— Улар лекин қурулсиздир, қилур бу иш ёмон таъсир.—
Улардан беҳабар аскар мудом буйруққа маҳкумдир,
Командир буйруғи солғай улар бошига кўп кулфат.

Қоровул берди сигнал, яъниким келмоқдадир ёвлар,
Баланд чеп орқасидан берди лашкарбоши ҳам фармон,
Қўшин шарманда, эр-хотин томошада бўлиб ҳайрон,
Келурлар ёвлар эрмас, оч-яланғоч қанча минг инсон,
Юзи сарғайгану, лаб қақшаган, титрайди ҳар бир жон

Улар хор мазлум эллардир, на исёнчи, на тугёнчи,
Жафокашлар тўлиб ҳоким саройига, йўлакларга,
Шу уч юз минг кишидан битта ҳам семиз кўринмасди
«Яшар шоҳ тўқу хурсанд, биз-чи?!» деб овоз тинмасди
Қўшиб олмоқ эди кунлик ҳақиға битта нон қасди,
Ҳукмрон берди буйруқни, жавоб ўрнига ўқ босди,
Бир оздан сўнг ўликка, қонга тўлган эрди бу майдон.

1923.

ОДДИЙ КИШИЛАР СЎЗИ

**Жаҳонгирлар уруш хоҳлайди ҳар дам,
Шарафни истамас — шарманда одам.
Жуда қаттиқ бўлур бирликдаги мушт,
Қани, малъун бошига тушса ҳар дам.**

**Берур озодлик бу бирлигимиз,
Емиргаймиз зулмдан қолмас илдиз.
Ошар ҳар кун қуюқ фикру ирода,
Муқаддас бу кураш, бу йўлда ҳақ биз!**

**Урушқоқ Фарбу Шарқу ҳам шимолда
Бутунлай бизни енгмоқлик хаёлда.
Жаҳон халқи! Қолинг тинчликни сақлаб,
Урушни енгадир дўстлик камолда.**

**Ҳаётнинг меҳри тушган ҳаммамизга,
Ширин бахтли умр даркор бизга.
Уруш истовчилардан қўрқмағаймиз
Уятдир энди қуллик — халқимизга!**

**Мудом тинчликни сақлашликка куч бор
Хисобсиз сафлару — чин дўст ҳамкор.
Ажойиб ҳамма жанговар, фидокор.
Бу Ленин насли байроқдор, улуғвор!**

Бу сенинг кулбанг чаман, сенда йигитлардек ҳаёт!—
Қийналиб бу сўзни айтди-ю, машаққатлар билан,
Турди ўрнидан секин.
Қўйди у аста қадам, кетмоққа кўнгил боғлаган,
Қўрдики, йўл юрмоқ қийин.
Бош ёрилган эрди, у ерга йиқилди қайтадан.
Турди жанговар йигитдек ўрнидан мардона чол,
У ўровлик нарсани,
Бир тугунга тугди-ю, қатъий туриб берди савол,
Қўлга ушлаб ҳассани:
Қайга элтмоқ, кимга топширмоқ керак, айт бемалол!

1951.

КАЛКУТТАДА

Командир! Ўқчилар жойида, тўп тайёр, ҳамма иш тахт,
На фармон берсанг ижро қилгали лашкар эрур тайёр.
Сен оқил, мардсан, албатта, сендан яхшилик даркор,
Бу хизмат бирла обрў, мансабинг ошмоқлиги ҳам бор,
Жасорат қил, жазосин топсин ул итлар букун албат!

Командир соғ бўлсин, тўрт тарафдан ҳам ўт очгаймиз,
Қириб исёнчиларни, бир тирик жонини қўймаймиз,
Буюрсанг гар, бу кун Қалкуттани тубдан емиргаймиз,
Шарафлик аскарибиз шоҳнинг, эй ишбоши, қайтмай
миз.

Командир офарин деб кифтига қоқди, деди, шундай:

— Пулат дил бўлган аскар, фикри — шоҳга айламак
хизмат,

— Улар лекин қуrolсиздир, қилур бу иш ёмон таъсир.—
Улардан беҳабар аскар мудом буйруққа маҳкумдир,
Командир буйруғи солғай улар бошига кўп кулфат.

Қоровул берди сигнал, яъниким келмоқдадир ёвлар,
Баланд чеп орқасидан берди лашкарбоши ҳам фармон,
Қўшин шарманда, эр-хотин томошада бўлиб ҳайрон,
Келурлар ёвлар эрмас, оч-яланғоч қанча минг инсон,
Юзи сарғайгану, лаб қақшаган, титрайди ҳар бир жон.

Улар хор мазлум эллардир, на исёнчи, на тугёнчи,
Жафокашлар тўлиб ҳоким саройига, йўлакларга,
Шу уч юз минг кишидан битта ҳам семиз кўринмасд
«Яшар шоҳ тўқу хурсанд, биз-чи?!» деб овоз тинмасди
Қўшиб олмоқ эди кунлик ҳақиға битта нон қасди,
Ҳукмрон берди буйруқни, жавоб ўрнига ўқ босди,
Бир оздан сўнг ўликка, қонга тўлган эрди бу майдон.

1923.

О Д Д И Й К И Ш И Л А Р С Ы З И

**Жаҳонгирлар уруш хоҳлайди ҳар дам,
Шарафни истамас — шарманда одам.
Жуда қаттиқ бўлур бирликдаги мушт,
Қани, малъун бошига тушса ҳар дам.**

**Берур озодлик бу бирлигимиз,
Емиргаймиз зулмдан қолмас илдиз.
Ошар ҳар кун қуюқ фикру ирода,
Муқаддас бу кураш, бу йўлда ҳақ биз!**

**Урушқоқ Фарбу Шарқу ҳам шимолда
Бутунлай бизни енгмоқлик хаёлда.
Жаҳон халқи! Қолинг тинчликни сақлаб,
Урушни енгадир дўстлик камолда.**

**Ҳаётнинг меҳри тушган ҳаммамизга,
Ширин бахтли умр даркор бизга.
Уруш истовчилардан қўрқмагаймиз
Уятдир энди қуллик — халқимизга!**

**Мудом тинчликни сақлашликка куч бор
Хисобсиз сафлару — чин дўст ҳамкор.
Ажойиб ҳамма жанговар, фидокор.
Бу Ленин насли байроқдор, улугвор!**

Урушқоқ Ғарбу Шарқу ҳам Шимолда
Бутунлай бизни енгмоқлик хаёлда.
Жаҳон халқи! Қолинг тинчликни сақлаб,
Урушни енгадир тинчлик камолда!

1951.

**АДАШГАН САКИНА ХОЛА ВА УНИНГ ДОНО ҚУШНИСИ
ҲАМДА ҚОРА СЕҲРГАР ҲАҚИДА ЭРТАК**

Сакина олтита сағири билан,
Етимча қиз-ўғил фақири билан,
Яшарди кичкина кулба ичра,
Жигар қонин ютиб кулфат ичра.
Бор-у йўқ бойлигин золим жодугар
Сеҳр билан тортиб олган сар-басар.
Унинг бир қўшнисин бор эди олим,
У билмас ҳунар йўқ, у билмас билим.
Сакина билимдон қўшнисидан ҳеч
Емонлик кўрмаган эди. Эрта-кеч —
Беванинг ҳолидан оларди ҳабар,
Етмасин деб ногаҳ бирорта зарар.
Бир куни жодугар бечора тулга
Гапира бошлади зеб бериб тилга.
Гўё у бевага кўрсатиб ҳиммат
Олим қўшнисига қилди кўп туҳмат.
Деди «Ёғдираман унга минг бало,
Кўчасига тўфону, уйига вабо.
Гар менга бу ишда кўмак этарсан:
Бадавлат бўлурсан, бойиб кетарсан.»
Хола қулоқ солиб маккор, золимга,
Ҳақорат ёғдира бошлар олимга...
Жаҳил билан қарғаб дер эди: «Э воҳ,
Олимнинг уйини куйдирсин вабо!»—

Бир куни жодугар келтириб вабо
Хужумни бошлади, лекин ажабо,
Олим деворидан уйга киролмай,
Сеҳр ожиз қолди, ишин қилолмай.
Доно қўшни қилиб чора ва тадбир,
Барча балоларни енгди бирма-бир.
Аммо қаттиқ кураш, жангда бенаво —
Холанинг беш ўғли ўлди бегуноҳ...

Бу дунёда жоду йўқдир, албатта,
Лекин қиссадан ҳисса чиқаргил катта:
Мамлакатлар, алданиб бўлмангиз ғариб,
Америка аждари бермасин фириб!
Сакина қисматин эсда сақлангиз,
Нобудлик йўлига қадам қўйманг сиз!
Советлардан асло бўлманг гумондор,
Яхшироқ ажратинг ким душман, ким ёр!

1951.

ҒАЛАБА СЕНИКИ

Занжирбанд этилган эй қаҳрамон халқ,
Кўрсатгин душманга енгилмас кучинг.
Вафонинг йўлида мустаҳкам туриб,
Душманларни енгиб, ол ундан ўчинг.
Танингни қилсалар гарчи минг пора,
Сен кулиб пора қил ёвлар сийнасин!
Ғалаба сеники, ҳақ йўл сеники,
Рухинг шуълалари алангалансин!

1950.

ДУСТИМ

1

У шоҳлик зулмига Эронда қарши
Кўтарди байроқ эл майдонда қарши,
Тузиб саф аҳд ила жанговар авлод,
Қизил байроқ кўтарган қанча шерзод
Уриб эрк душманин маҳв айламоққа,
Қуролиқ юрдилар, дафъ айламоққа.
Бу кун қирқ йил ўтиб кетди, муқаррар,
Менинг ёдимга тушди ул замонлар;
Мен ул вақт бир гуруҳга раҳбар эрдим,
Мудом халқ йўлига дил боғлар эрдим,
Учарди чу десам остимда тулпор,
Қиларди дўсту душмандан хабардор.
Қўча-куйларда ортимдан юрарди,
Вафолик итга ўхшаб эргашарди.
Тегиб ўқ менга, устидан йиқилсам,
Ўликдек ерда ётсам, жанвор ул дам
Яқин ким келса тишларди, тепарди,
Думин ерга уриб, тупроқ сочарди,
Хушимга келгач, ўрнимдан турардим,
Уни мен кишнаган, ҳурсанд кўрардим.
У шоҳ ўрдасидан чиққан қоровул
Келиб қолса, тун ичра бохабар ул,
Шу онда пишқириб айларди хушёр:
«Ҳабарсиз келди душман, бўл хабардор!»

Қулоғи икки шамдек тикланарди,
Хужум вақтида шердек хуфтланарди,
Очар эрди кўзини катта-катта,
Нафас олмас эди, жонсиз сифатда,
Бориб тоғу туз ичра бизникилар,
Қилиб буйруқни ижро қайтсалар гар,
Улардан ер тепиб, ахбор берарди;
Шамол, ёмғирни олдин фаҳм этарди;
У эрди меҳрибон, зийрак, юраклик,
Азиз эрди у бизга зўр кўмаклик,
Бу сўз ёлғон эмас, белоф, аниқдир,
Унинг отлараро тимсоли йўқдир.
Уни дўстликка илғаб шод эдим мен,
Шунинг учун уни дўстим дедим мен.

2

Бироқ, от қўйди бир кун бизга душман,
Миниб қочмоққа тўғри келди бирдан,
Разиллар ўқни пайдар-пай отарди,
Ошиб бошдан, у ўқ ерга ботарди.
Эдим дўстлар гуруҳи ичра мен ҳам,
Йўл олдик ёв сари, билдирмай илдам.
Ажал золи тутиб ғалвирни қўлда
Ўлим тупроғини эларди чўлда.
Шу пайт дўстим оёғига тегиб ўқ,
Суякка ботди гўштдан, чора ҳеч йўқ.
Яна ўқ тегди, олдинги оёққа,
Синиб бу ҳам қон оқмоқда туёққа,
Майиб бўлди пўлатдек икки сони,
Мен отдан ташладим, ётди шу они,
Кўзига ёш тўлиб, менга тикилди,
Бу термулмоқ, дилимни тилка қилди.
Тили йўқ, боқиши тиллик, у жонлик,
Умид айларди мендан меҳрибонлик,
Дер эрди, бунда шу ҳол бирла қолсам,

Бу чўлда қарға-қузғуилар эмас кам?
Тириклай айлагайлар пора-пора,
Азоб тортдирма, дўстим, айла чора!
Юрак дўст дарди бирлан жиқ ғам эрди,
Яқин эрди хатар, вақт ҳам кам эрди!
Босардим қўлни кўксимга, нечун ким,
Юрак сақланса-ю, турса бир оз жим.
Қўзим олдида доим ҳайкали бор,
Қўлим дўст бўйнида, йиғлаб юрак зор,
Тўкардим айрилиқ ёшини кўздан,
Тирилмас эрди аммо нола бирлан,
Бу ҳолни сездими, ёв у замони,
Бироқ қаттиқ ҳужум қилди шу они.
Қулоғин най қилиб дўстим деди кеч!
Ўларман, сен тур, энди қолмағил кеч!
Юзидан ўпдиму, ночор турдим,
Қулоғу кўзни қўл бирлан яширдим.
Дудуқ тилда бериб дўстларга буйруқ,
Дедим, ёмғирга ўхшаш ёғдилинг ўқ!
Ғазаб ўтида куйган жону-жисмим,
Бурилдим қайтмадим ёвдан шу онким,
Бир одамча кириб майдон аро мен.
Ўч олдим, дўст учун душман сафидан.

1953.

ЭРОННИНГ ГИЛАМ ТЎҚУВЧИ ГЎДАКЛАРИ

Тингла эй, бу гўзал гиламнинг ҳайрони!
Чиқар ип—арқоқдан тўқувчи фиғони:
«Ешимиз олтидир, ё ошар замони,
Бу гилам битгунча оқар дил қоли.
Сўлди ёшлик гули, қаддимиз эгилди,
Юрак қонимиз-ла панжамиз чигилди.

Қизили гўдаклар юрак қонидандир,
Сариғи рангимиз заъфаронидандир,
Кўки дардли дилнинг оҳ-фиғонидир,
Таёқ зарбидан тан қабарғонидандир.
Бу гилам устига қўйса душман оёқ,
Умримиз бошига тушгай ундан таёқ.

«Олтитаси қоп-қаро, уч оқу, тўрт қизил!»
Бу бир хил наърадан эзилмоқдадир дил,
Биз бу зиндон ичра кўру ҳам зору сил,
Йўлимиз зиндондан гўргадир муттасил,
Тўқлик, ўйин-кулги, дилшодлик ҳам ғурур
Биз гўдаклар учун—маъносиз кўринур».—

Ҳар киши истаса комрон бўлмоғин,
Гўдагининг ўсиб навқирон бўлмоғин,

Элу юрти унга меҳрибон бўлмоғин,
Истамас у сира нотаваон бўлмоғин!
Бу гўдаклар ҳалок бўлмасдан бурунроқ,
Шарафли қўлингни узатгил, эй ўртоқ!

1952.

ИГВОГАРЛАРГА ЖАВОБ

Эронда бор эди бир машҳур инсон,
Келиб дуч унга бир попок аён,

Таажжуб-ла деди: «Оё, ўзингми?
Сенинг шаклингда ўзга, ё ўзингми?

Эшитдимки вабодан сен ўлибсан,
Ажалнинг чангалида йўқ бўлибсан!» —

Деди: «Кўрмоқдасан-ку, мен тирикман,
Сўз айтурман, эшитгайман, тетикман» —

Дедиким: «Худди дил кутган пайт эди,
Ишончли бир киши ўлди, деб айтди».

Дедиким: «Бор-йўғимдан беҳабар-у,
Бу қандайдир-ки, мендан муътабар у?» —

Чўзиб гапни қора ниятли бадхоҳ,—
Деди: «Ақлли у, ҳар сирдан огоҳ».

У ёлғон сўзламас, кўп яхши одам,
Сўзи олтиндир, олтиндан эмас кам!» —

У, бемаъно сўзин такрор этди;
Бу, очиқ юз билан изҳор этди:

«Азалдан менга қарши душманам сан,
Дилингда сақлагансан кек, билурман.

Менинг ўлмоқлигимдир — сенга истак,
Хафа бўлмоқлигимдир — сенга истак,

Сенинг қасдингда лекин мен тетикман,
Шараф-номус билан соғман, тирикман». —

Эрурман Москва шаҳрида дилшод,
Яшайман бахтиёр, қувноқ ва озод.

«Ишончли шахси»нинг сўзича душман —
Қилур иғвоки: гўё йўқ эмишман,

Советлар юртидан гўё қочибман,
Фигону нола бирла лаб очибман.

Бориб аввалда Покистон томонга,
Ўтибман сўнгра Ҳиндистон томонга,

Эмиш гўё китоб унда ёзибман,
Советга қарши иғво тарқатибман...

Сен, эй покас, бу тухматни қилибсан,
Ўзинг айт-чи, нечун, кимдан қочибман?

Бў тўрт жондан азиз фарзандданми?
Уларнинг онаси — дилбандданми?

Қачонки, сен каби номардлардан
Қочиб келган эдим бу юртга ман.

Икки юз миллион қардошни топдим,
Қаерга қочайин, дилдошни топдим.

Эмасман сен каби то қилсам одат
Саодат мулкига қилмоқни туҳмат.

Қочиш душман томонга дўстлардан?
Эмасман сен каби Эронга душман.

Ўз иқболингдан қочмоқлик-гуноҳдир.
Бу туҳматдир. Бутун дунё гувоҳдир!

Ўзинг ҳам тўғри сўзлашни биларсан,
Бироқ, айтишга кучсизлик қиларсан.

Ўзингда бўлмагач яққол ғоя,
Сенга Америка амри кифоя.

Сен истарсанки, бўлсин ёву душман —
Ватандошим Советлар халқи бирлан.

Алам чек, ўл! Бу икки халқу кишвар
Эрурлар доимо дўсту биродар.

Жаҳон тинчлиги-чун ҳамкордирлар,
Жаҳон инсонларига ёрдирлар.

Очилгач сендаги бу фитна-игво.
Бўлурсан охири эл ичра расво.

1954

ШАҲАРЛАР ШАҲАРИ

Мен Парижга бир замон борган эдим,
У Фаранг пойтахтини кўрган эдим.
Эйфел узра бир гуруҳ дўстлар билан,
Ўлтириб суҳбатлашардик жону тан.
Ўртамизда шарқли бир шахс бор эди,
Бу шаҳарнинг кенглигин кўргил, деди.
Биз тарафда бўлса шу хилда шаҳар,
Жойланарди бизда ҳамма халқлар.—
Бир француз шахс эшитди сўзларин,
У, шу дам шарқликка ташлаб кўзларин—
Деди, тўғри, бу шаҳар ҳақида сиз,
Бир масал бордир, буродар, тинглангиз:
«Жойланур икки «агар»ла мутлақо,
Бу Париж битта товуқ тухми аро,
Бу Париж бўлса кичик шунча «агар»
Жойланур битта тухумга бу шаҳар.
Е тухум улғайса мўъжизла «агар»,
Унда ҳам сиққай тухумга бу шаҳар». —
Шунда қаттиқ кулдилар йўлдошларим,
Мен бу сўз чоғи тафаккурда эдим.
Бир парижлик деди, дўстим, айтингиз,
На хаёл дарёсига фарқ бўлдингиз?
Мен дедим, фикримни тортди бир шаҳар,
Унда кўп тариху, ижоду ҳунар.

У шаҳар бундан кичик эрмас, улуғ,
У каби порлоқ шаҳар оламда йўқ.
У шаҳар мафтунидир кўнглим шу он,
Жилва қилди, тутди қалбимда макон,
Дилга жойланган шу хил улкан шаҳар,
Бу кўнгилга у қуёшдай нур сочар.
Бир «агар»ла мўъжиза қилса шу чоқ,
Дил чўлин обод этар, ёққай чироғ.
У «агар» шулдир: агар равшан кўнгил,
Икки рангдан покдир, бир рангда ул.
Зоҳири оқу, ичи ранглик эмас,
У фаранг айтган тухумга ўхшамас.
У шаҳарни тоза дилдан топасан,
Излама уни ёмонлар қалбидан.
Шунча зебо шодлик-ла у шаҳар,
Қайда жаллодлар дили ичра сиғар?
Ер юзи халқин кўзида ул макон,
Яхши номи дилда нур, оромижон.
Меҳр тортувчи шаҳарлар шаҳридир,
Фозилу аҳли ҳунарлар шаҳридир.
Меҳнату санъат севарлар — конидир,
Бахту фаҳру, шону-шавкат — конидир.
Жумла мазлумларга ҳоми Москва,
Москва, шуҳратли номи — Москва.
У муқаддас, у севилган шаҳрдир,
Халқ дўсти доҳий Ленин шундадир.
То абад яшнар азиз-у бемисол,
Коммунизм маркази у безавол.
Рус қўли-ла бўлди пайдо бу шаҳар,
Бу умидхона, жаҳон халқи севар.
То жаҳонда пок дил бор беадад,
Янги дунёнинг дили шу то абад.

**ТИНЧЛИК ХУЖЖАТИГА
ИМЗО ЧЕКАМИЗ**

Ленин кўрсатган йўлдан борамиз,
Совет халқи биз, зийрак ва доно.
Сталинград ерин қачонки
Ёвуз душмандан қилдик мусаффо,
Қачонки, ёвни Ленинграддан
Супуриб ташладик қолдирмай асло,
Қачонки, берди тифимиз кўмак
Мазлум шарқу ғарб халқига ҳатто,
Шаҳру қишлоқдан разил фашистни
Қачонки қувиб айладик расво,
Бу кунги ишни ижро қилгандик,
Тинчлик учун деб имзо чеккандик.
Тинчлик қудрати урушни енгар,
Зероки, олам шуни истайди.
Уруш аждарин янчиб ташлаймиз,
Чунки ҳар одам шуни истайди.
Уруш оловин ёқувчи ёнар,
Қимники кўрсам, шуни истайди.
Уруш бўлмасин! Қимки номусни
Сақлар муҳтарам, шуни истайди.
Кекса ақли ҳам, ёш виждони ҳам,
Гўдак тили ҳам шуни истайди.
Совет халқи тинчлик учун курашар,
Тинчлик кучидир голиб муқаррар.

1950.

ТИНЧЛИК СЕВАРЛАР ҚУШИҒИ

Қачонгача куяди уруш ўтида жаҳон?
Қачонгача ғарқ қилур гўдаклар жисмини қон?

Қўзғол, жафокаш халқлар, тинчлик-омонлик учун,
Ўлка, ўлкадаги эл, турли тилдаги инсон.

Биз беҳисобмиз, ҳар ўлкадан биз,
Биз оддий халқлар — бир жону-танмиз.

Буткул жаҳондан зулму-ўлимни
Маҳв айламоққа бел боғлаган биз.

Дўстлик машъалини бизлар ёқдик замонда,
Ҳеч қачон алданмаймиз, жудолик йўқ ҳеч онда.

Бизлар қудратлироқмиз уруш даллолларида,
Урушни, адоватни биз қўймаймиз жаҳонда.

Биз беҳисобмиз, ҳар ўлкаданмиз,
Биз оддий халқлар — бир жону-тан биз.

Буткул жаҳондан зулму-ўлимни
Маҳв айламоққа бел боғлаган биз.

Тинчлик чақираётир, оёққа тур, олға юр,
Тинчликнинг чанқоқлари, биз билан юр, олға юр.

Тотув яшамоқ учун, янги авлодлар учун,
Тинч-омонлик байрогин остида юр, олға юр.

Биз беҳисобмиз ҳар ўлкадан биз,
Биз оддий халқлар — бир жону-танмиз.

Буткул жаҳондан зулму ўлимни
Маҳв айламоққа бел боғлаган биз.

1951.





ҒАЗАЛАҢ





РАССОМ ВА ШОИР

Қандай олғум, деди рассом, сен каби эр суратин?
Мен дедим: чиз ёлқин ичра ўтли шамшир суратин.
Деди: ўтган кунларинг ёдимга тушса на чизай?
Мен дедим: чиз бе ибo қон бирла занжир суратин.
Деди: банддан этган озод ким эди?— Леяин дедим!
Деди: васфин айт! дедим: чиз мард бир шер суратни.
Деди: қай хилда чизай, сенда қалам, перосини,
Чиз дедим, темир тешар бир ўқни ҳозир суратин.
Деди: қалбингни на хил чизсам! Дедим: чиз навқиро!
Деди: васфин айт! дедим: чиз мард бир шер суратин.
Деди: бошингга Ватан лутфин кетурсам соясин,
Мен дедим: майли қуёшни айла тасвир суратин.
Деди: халқингга вафолик қоматингдан сўзлагил,
Мен дедим: бошдан оёқ чизгил у Памир суратин.
Деди: не қилдинг ватан хоинларин зиддида сен,
Мен дедим: тасвирга сиғмас, қилса тақҳир суратин.
Деди: эй Лоҳутий, сўзла сен ватаннинг мардидан,
Мен дедим: чизгил бу ҳарф ўрнида Тоҳир суратин.

1943.

ВАЙРОНА БУЛГАН ВАТАН

Юртни бузган ёрми, ағёрми, ё иккиси?
Ё мусулмонларми, ё куфформи, ё иккиси?

Хайқирурлар: «Биз ватанпарвар» дебон, мен билмадим,
Тилдами бу сўз, амалда борми, ё иккиси?

Ё вакиллар фикри сақлайди ватанни хавфдан,
Ёки кучлик бир қўшин даркорми, ё иккиси?

Берди душманга ватанни кўп амалдор фитнаси,
Ёки жоҳил савдогар, макорми, ё иккиси?

Токи қуллик занжири бечоралар бўйнин сиқар,
Ё бу тасбеҳ банди, ё зиннорми, ё иккиси?

Ҳам талар, қийнар, эзар ул камбағал деҳқон элин
Муллами, ёки саройми, ҳаморми ё иккиси?

Зулму истибдод текинхўрлик биносин парчалар
Болға ё ўткир уроғ, тайёрма ё иккиси?

Қасд ила халқ хизматин қилмайди кибр ила вакил,
Мамлакатдан ё вазир безорми, ё иккиси?

Мажлис ичра бердилар эронфурушлик нисбатин,
Билмадим, иқрор этай, инкорми, ё иккиси?

Мен, амалдорлар, вакилларни очиқ хоин дедим,
Майли бошимда қилич, ё дорми, ё иккиси?

Бир куни, Лоҳутий, ўлдирмоқ учун элтар сени
Тўғри сўз, ё шеъри мазмундорми, ё иккиси?

1909.

Бизнинг у жонсиз ватан жисмига янги жон топар,
Ўтгай озодлик сафин олдига-ю, унвон топар.

Партия байроғин остида тузиб саф халқимиз,
Ҳамма қотиллардан ўч олмоққа зўр имкон топар.

Қон ичиб маст бўлган у йиртқични ҳайдаб беомон,
Ишчи деҳқон бирлашиб мақсадни беармон топар.

Қим ватанга зид туриб, душманга дўстлик айласа,
Болғалар янчар уни, ўз жисмини бежон топар.

Изғиса сотмоққа юртин, эру хотинлар аро,
Мушту тепки зарби бирла оғзи-бурнин қон топар.

Ишчи деҳқон бирлашиб, қудратли бўлгил йўқса бу
Янги Заҳҳок элда қон тўкмак йўлин осон топар.

Тишларин синдир уриб бирлик тоши бирлан, бу ит—
Боши гар янчилмаса, изғиб уйингдан нон топар.

Дам-бадам буйруқ берур Лоҳутийга она ватан,
Қўлдаги тутган қалам қўлдан яна дармон топар.

1947.

Биз — Эрон ерин номдорлари, ҳеч онда қўрқмаймиз,
Хужуму қаҳридан золим элин давронда қўрқмаймиз.

Баҳодир номдир деҳқон-у ишчилар бўлиб бир саф,
Разилларнинг бошига от солиб майдонда қўрқмаймиз.

У беномус ҳаётдан ўлган аъло марду мардонга,
На зиндондан, на дордан ҳақли бу исёнда қўрқмаймиз.

Ватан ўғриларин уйдан уриб ҳайдаб чиқаргаймиз,
Агарчи нону туз-чун янчамиз, виждонда қўрқмаймиз.

Бу бирлик панжасининг қуввати қудратлироқ шердан,
Қувармиз бўриларни бирлашиб, дил-жонда қўрқмаймиз.

Ҳақиқат биз тарафда, бизнинг иш ҳақдир, зафар бизда.
Биз Эрон ерин номдорлари, ҳеч онда қўрқмаймиз.

1947.

※ * *

Тоҷикистон нурга тўлди, сенки чиқдинг бениқоб,
Бўлгуси равшан жаҳон, чиқса булутдан моҳитоб.

Давлатга офарин, чимматдан озод айлади,
Ҳайф эрур, мудҳиш булут остида қолса офтоб.

Бир боқиш сендан кифоя маст қилмоқлик учун,
Гул юзинг шайдосига лозим эмас ичмоқ шароб.

Лайб эмас ҳуснинг учун у бир текис қирққан сочинг,
Чунки, ҳуснинг тартадир дилни ўзига бетаноб.

Октябрнинг кучли, шафқатли қўлин қўргил бу кун,
Олди чимматни юзингдан, берди илгингга китоб.

Кечаги қул энди халқнинг эътиборлик раҳбари,
Йўқни бор этдинг жаҳонда, минг яша, э инқилоб!

1925.

Муҳаббат оташи қилди кабоб оҳиста-оҳиста,
Раҳм қил, соқий, менга тут шароб оҳиста-оҳиста.

Уни кўрмак билан: фантон кўзидан маст бўлиб қолдим,
Эсимдан ҳам чиқибдир майи-ноб оҳиста-оҳиста.

Сўроқлаб ёрни ҳар ёқдан, бўғилдим, хаста овозим,
Мени афв эт агар айтсам жавоб оҳиста-оҳиста.

Кўзига айтки, дилни қилса бўлгай ғамдан озод ким,
Бу дунёда кўринди инқилоб оҳиста-оҳиста.

Сабо очди юзидан пардасин ушбу шабистонда,
Уялган ойни беркитди саҳоб оҳиста-оҳиста.

Қўйиб кўксига бошимни, навозишлар қилар гўё,
Ва лекин бўйнима ташлар таноб оҳиста-оҳиста.

Мени кетказма олдиндан, берай жонимни хотиржам,
Кетиб ўлсам, дилим қуршар азоб оҳиста-оҳиста.

Дилим тангдир, кел эй мутриб, тилингга мен бўлай
қурбон,

Ғазал айтиб, чалиб бергил рубоб оҳиста-оҳиста.

1939.

Нигор, раҳм этмайин кетдингу тобимни қаён элтдинг?
 Дилим осойиши, кўзларда хобимни қаён элтдинг?
 Юзингни тескари бурдинг, қоронғу бўлди бу олам,
 На қилдинг, бемурувват, офтобимни қаён элтдинг?
 Қаро зулфингни ёдида, гўдакдек сабрсиз кўнглим,
 Қилиб ғавғо, сўроқлар: «ип-танобимни қаён элтдинг?»
 Кеча ногоҳ кўриб дийдоринг, ўлди шодлигим беҳад,
 Қаён кетдинг-у айши беҳисобимни қаён элтдинг?
 Дилимнинг лавҳасига ёзган эрдим хатда исмингни,
 Саводим учди бошимдан, китобимни қаён элтдинг?
 На қасдинг бор бу жонимда, яна нозингни авж этдинг,
 Дилимнинг роҳати ҳам изтиробимни қаён элтдинг?
 Гуноҳдир ўзгаларга — севганингдан арз-дод қилмоқ,
 Ўзига бориб айтай энди: «Тобимни қаён элтдинг?»

1940.

* * *

Яширгандир сени ҳар он бу кўнглим,
Шунинг-чун доимо шодон бу кўнглим.

У сен бирлан ҳамиша бўлди хурсанд,
Умрбод айши бепоён бу кўнглим.

Ўзинг ойсан, фалакда юрган ойни —
На қилсин, сен билан тобон бу кўнглим.

Иши йўқ сарви бўстон бирла ҳаргиз,
Нечунким, сен билан бўстон бу кўнглим.

Фақат номингни айтур, бир назар қил,
Тилин устида ўт, сўзон бу кўнглим.

Жаҳонда сен билан хурсанд-у, сенсиз—
Қи дунё ғам билан пур қон бу кўнглим.

Уни ҳуснинг гули сайратди ҳар дам,
Эрур булбул каби хушхон бу кўнглим.

Агар сўз қотмасанг, ажрар ҳаётдан,
Топибдир суҳбатингдан жон — бу кўнглим.

Қарэр этмиш юзинг офтоби унда,
Заволи йўқ баҳористон бу кўнглим.

Қарилик маъноси недур, у билмас
Қи ёш жонон билан шодон бу кўнглим.

1997.



Юзингга ошиқу шайдо эрурман, билмасанг-билгил,
Куярман орзуда ўртанурман, билмасанг-билгил.

Рақибнинг банду занжир ҳийла, макрин кўзга илмасдан,
Дилимда сен томонингга келурман, билмасанг—билгил.

Қулоқ солма ғаразликка, мен эрмас аҳди бўшлардан,
Ҳамиша мен сени излаб юрурман, билмасанг-билгил.

Менинг бошимга келсанг ўлганимдан сўнг, ҳидинг келгач,
Танимга жон кириб роҳатланурман, билмасанг-билгил.

Сенинг куйингда кўнглим, бошқа жойга кетмади ҳаргиз,
Сочингнинг торига боғлиқ кўрурман, билмасанг-билгил.

Рақиб ғам бирла ўлса, ё ҳасад кўзини кўр қилса,
Юзингдан завқ билан бўса олурман, билмасанг-билгил.

Билурмусан, гўзал ёрим, эрур овора Лоҳутий,
Гўзал ҳуснингни шайдоси эрурман, билмасанг-билгил.

1920.

Кошки, жаҳонда одам ишқ ихтиёр этарди,
Дил бўлса, кўз юмулмай ёрга нисор-этарди.

Бундан не яхшироқдир, севгига ҳар нафасда,
Бир янги жон топилса, ошиқ нисор этарди.

Кўргилки, қочмади дил у кўзнинг ҳамласидан.
Сўзсиз, қочарди шер ҳам, қандай қарор этарди?

Жонимни зулфи бирлан жонон кўлимдан олди.
Ер бўлмаса, бу кўнглим қандай қарор этарди?

Ердан ўғирлаб олсам кўнглим қушин шу онда,
Лочин кўзи қиёлаб қайта шикор этарди.

Ишқ давлатин зафарлик шўроси бўлмаганда,
Кўнглимнинг жумҳурини ғам тор-мор этарди.

Дилбар агар дилимни э кошки бандда деса,
Озодлик асли диним, дил ифтихор этарди.

Ҳижрони мавсумида, ёмғир ёғиб кўзимдан,
Кўксим чўлин мисоли бир лолазор этарди.

1934.



Унинг ҳар бир гапидан янги жон топдим, у қандай лаб?
Шу лабга дилни қурбон этмасам, айтинг, бу қандай гап?

Кўринг нозик қадамни, элтадур кўнгулни, бу сўз ҳақ,
Тамоми сарв қамотлар аро, севдим шуни танлаб,

Таним куймакда ишқин ўтида, аммо ташаккур-ла,
Изин ўпмоқдаман, бу тафт қандай, дил ёнар қақшаб?

Кулиб боқиб деди, билгилки, севмасмам сени ҳаргиз,
Худо ҳаққи, ғазабми, нозми, ҳайронман буни ўйлаб,

Шу тун ой юзли дилбар нур сочар, бундай ёруғ кунни,
Қуёш умрида кўрмабдур, бу қандай кеча минг излаб?

Ғамида бу юрак қонга чўмиб ғарқ бўлди, у бераҳм,
Таажжубким, ишонмас дилдаги покликка ноз айлаб.

Агар оламда ишқдан эзгилик бир тоза гавҳар йўқ,
Буни покиза тут, номингни эл сўзлайди минг йиллаб.

1940.



Вафодорликда ёрим эл аро шуҳратли жонона,
Нигоримни уйидек, танда жон шуҳратли гулхона,
Сочингни ҳалқасин кўргач, туролмасдан илингай дил,
Сенинг холинг тузоқ қўймоқ учун шуҳратли бир дона.
Лаболаб қон билан тўлди кўнгул дилбар олур қўлга,
Муҳаббат базмида кўнглим қадаҳ шуҳратли паймона.
Кўнгул сидқу ирода, ҳам фидокорликни жам этмиш,
Қи ишқ дорил фунунидек, юрак шуҳратли бир хона.
Берар оламини барҳам, бошида қўзғалса мажнунлик,
Сира тегманг, қатишманг бу юрак шуҳратли девона.
Ўқир мактабда ҳам шундан, дегай мажлисда сўз шундан,
Бу Лоҳутий дилин ишқи эрур шуҳратла афсона.

1937



Куяр ишқингда жоним, куйгуси ҳамхона ҳам мендан,
Қочар кўнглим ўтидан ҳавф этиб парвона ҳам мендан.

Фироқинг дардида, эй гул бадан, мен нола айлармен,
Узоқликда қолибдир булбули мастона ҳам мендан.

Бу ошиқликда бўлдим мен бутун эл-юрт аро расво,
Қочиш истайди кўнглим, телба бу девона ҳам—мендан.

Вафодорликда қандай имтиҳон бердим, назар қилгил,
Ки мажбуран ҳимоят айлагай бегона ҳам мендан.



Дилда ғам йўқ, чунки жононим менинг
Дилга ўхшаш биргадир жисмим аро.
Ўйнашурман сочи бирла, сол назар,
Журъатимга офарин, э ошно.
Ёнида боғ ичра сайр этсам агар,
Гул олур хушбўй мендан доимо.
Шул сабаб, душман бўлибман унга мен,
Тонг каби оппоқ сочимда йўқ қаро.
Мен усиз боқсам бировлар ҳуснига,
Қўрмасин шодлик юзин кўз мутлақо.



Шу тонг ҳамдам бўлиб мен, булбулу парвона бир жойда,
Меҳрсиз ёрдан сўзлаб, учов ҳамхона бир жойда.

Куяр парвона, булбул нолада, мен бўлса йиғлардим,
Шу ҳолатда томоша бўлди уч девона бир жойда.

Йиғи-ю, сидқу дил куймак билан, ўз ёрин ишқида,
Бўлиб парвона, булбул бирла мен афсона бир жойда.

Дилим қайсар, чапантахлит, уни ортиқча ранжитма,
Хаёлингдан бўлак-ла бўлмагай ҳамхона бир жойда.

Кўринмасман рақиб ҳавфи билан, мендан гумон этма,
Мени бегона ёр-ла кўрсанг, эй жонона, бир жойда.

Дилимда борини ишқингда сўзларман, шунинг-чун ким,
На бўлғай бўлсак ҳамроз иккимиз шодона бир жойда.

Сени ишқингга содиқман, йўқ эрса, имтиҳон қилгил,
Қилай бош бирла жонимни фидо мардона бир жойда.

Баҳор фасли гулистонлар аро бор орзу менда,
Пиёла май билан бўлсак ман-у жонона бир жойда.

Ҳамма сиримни севгимга бориб айтибди, Лоҳутий,
Бу девона кўнгул-ла энди мен бегона бир жойда.



Грифторинг эрурмен, ол хабар, ҳоли паришон мен,
Паришон хотиру, раҳмингга муштоқ, кўзи гирён мен.

Сенинг кундек жамолинг, тун каби сочинг ҳақи, жоно,
Сочинг юзингдан айру, тун ва кун фарқиға нодоң мен.

Менга ортиқча озор айлама, йўқ тоқатим, эй ой,
На тошу, на темирданмен, дилу жони бор инсон мен.

Таним севгингнинг оташгоҳида ёнморини кўргин,
Нега раҳм айламайсан ҳеч, азизим, бағри сўзон мен.

Тушиб айру, чекарман ғам, яна кел, шодлик бирла,
Оёғингга кўзим ганжидин айлай гавҳарафшон мен.


Дилимда ёнса ҳам оташ, бошимга келса ҳам тўфон,
Дилим меҳрингдан узмасдан, қилай бағримни қалқон
мен.

1947





РУБОЙЛАР





* * *

Оламнинг ободлиги меҳнаткаш билан,
Инсонлар озодлиги меҳнаткаш билан,
Олимлар фахр қилур илму фан билан,
Унинг ҳам бунёдлиги меҳнаткаш билан.

* * *

Хохларсанки, замона бўлсин сендан шод,
Ҳеч бир дилга ғам еткизма умрбод.
Лекин ҳаргиз тўғри сўздан тоймагин.
Майли, сендан бутун олам деса дод.

* * *

Агар мардларнинг жони бўлса барбод,
Ишонма, айламаслар оҳу фарёд,
Ватан шери, тўқай шери эмасдир,
Уни қопқонла овлолмайди сайёд,

* * *

Адолат тигидан ёв қўрқмаса гар,
Сени ўлдиргали гар қасд айлар,
Қўзинг олдига келтур Фаррухийни,*
Эгилмай ёвга жон берди муқаррар.

* *Фаррухий Язодий* — реакционерлар тарафидан турмада ўлдирилган прогрессив шонр.

* * *

Шоҳлардаги бу тўплар тоғларни қилур талқон,
Бу кўп қўшинлар ким дунёни этар яксон,
Билсанг сабабин недир бу тўп-қўшинларнинг,
Дерлар: емасин ишчи ўз меҳнатида бир нон.

* * *

Қириб ёвларни, бошлаб жанг қилурмиз,
У сотқинларни қуршаб жанг қилурмиз,
Курашнинг даври бу, ором олиш йўқ,
Бу кун майдонда қайнаб жанг қилурмиз.

* * *

Хотин жинсида бир мард туғди она,
У мард кўрсатди мардликдан нишона,
Ўзи гар бандга тушди, номи доим,
Зафар байроғидек тик ғолибона.

* * *

Уруш майдонида бердинг синовни,
Бузиб меҳнатчилар йўлида ғовни.
Урушда отланиб душманга қарши,
Йигитлик кўрсатиб қирдинг у ёвни,

* * *

Баҳор келди, табиатда йўқ ором,
Умид қалбида қайнайди зўр илҳом,
Муродим шулки: меҳнаткашга байрам,
Яқин келса, зафар ҳам янги айём!

* * *

Мудом меҳр-ла Эрон қалбимизда,
Зафар топсун, кўп инсон қалбимизда,
Ҳамон диллардадир зиндондагилар,
Биз озодмизку, зиндон қалбимизда.

* * *

Кел, э қиз, токи Фарҳодинг бўлай мен,
Кўзинг асири, озодинг бўлай мен,
На қилғум, кимни кўргум, қайга борғум,
Бригадангда дилшодинг бўлай мен.

* * *

Қаро кўзлар бўлибдир хўп дилоро,
Юзи яшнар, мисоли боғда раъно.
Қизил кийган баҳоримиз, зафарлик,
Шу порлоқ янги дунё, бизнинг дунё.

* * *

Меҳнат қилмай, еб бўлмайди ҳалол нон,
Бир луқма ҳам текин емас, чин инсон,
Бошқаларни ишлаб топган нонини
Еса бўлмас ҳатто кетса тандан жон.

* * *

Донолар фикрида инсоннинг боғи —
Биринчи севгиси — мактаб қучоғи,
Бошланғич мактабда бўлмаса аъло,
Минг қилки, кетмайди нодонлик доғи.

* * *

Кел, э ошиқни ўлдирмоқ шиоринг,
Бўлаклардир йўлингда интизоринг,
Келиб бўғзимга жоним, мунтазирман,
Кел, э бе миннат айларман нисоринг.

* * *

Кўзинг мағрур, ҳаёлик, ҳам батаъсир,
Ётар бир баррадек, устида шамшер,
Қилур ноз ҳам юракка ваҳм солғай,
Таажжубким, бу оҳу ё ётар шер?

* * *

Нигорим, янги бир ижод қилай мен,
Дилимни ноладан озод қилай мен,
Экиб гуллар, юзингни ёд этиб мен,
Шу бирлан ғамли дилни шод қилай мен.

* * *

Таним ўт бўлди, кулбам куйди сенсиз,
Ёзай десам, қалам ҳам куйди сенсиз,
Қалам айлаб қўлимни, дилга номинг —
Ёзиб эрдим-ки, номам куйди сенсиз.

* * *

Жаранглар дил қулоғи ичра ноланг,
Ки сендин хастароқ ҳолим эрур танг,
Яқин келди ўлим бу ғамда чунким,
На васлинг бор, на хизмат менда, билсанг.

* * *

Қийинлаштирди дардинг мушкулимни,
Тутаб тўлдирди оҳим манзилимни,
Яқин руҳимга боқ, шундай узоқдан,
Олиб тафтингни куйдирди дилимни.

* * *

Гар ухлоқсан, бўл бедор, э дил,
Гар мастсан, бўл хушёр, э дил.
Дилбар сени ўз ёри деб билмаса,
Сендан мен безор, қиламан ор, э дил.

* * *

Гумон қилдимки, кўнглим ҳабиби сенсан.
Нечук дарди бўлуркан, табиби сенсан,
Ёр келганда пешвоз бўлиб чиқмасанг,
Йўқол, э жон, кўнглим рақиби сенсан.

* * *

Ғамингдан бу оқшом жисмимдан чиқди жон,
Ногоҳ сен бўлдинг кулбамга меҳмон;
Қурбон вафоли жоним сени кўргач,
Қайтиб хабар бердики: келди жонон.

* * *

То зар оти ер юзидан битмас экан,
То зулму-ғазаб эл устидан кетмас экан,
То хотин озоду, шайх Маздак бўлмас экан,
Инсон бошидан хавф-хатар кетмас экан.

* * *

Шоҳ гўзал қизлар ила ишрат ҳавасида,
Хон ишчи элин қатл ила ғорат ҳавасида,
Дин аҳли яна фисқ-фужур йўлин излар,
Биз ишчини бошга кўтариш-хурмат ҳавасида.

* * *

Мен ошиқман-у, ишқим менинг имонимдир,
Жононам эса, жондан азиз жонимдир,
Чиндан бу жоним жононим учундир,
Маъшуқам эса—инқилоб-Эронимдир.

* * *

Мен сенинг ишқингни шиор қилдим, охир,
Жонимни йўлингга нисор қилдим, охир.
Ҳар чандки кўзинг қора шер эрди, эй шўх,
Мен бу шерингни гирифтор қилдим, охир.

* * *

Қора кўзим, чаман обод бўлибдир,
Чаман обод-у булбул шод бўлибдир.
Баҳор келди, гулистон бўлди хилват,
На хуш, гулим букун озод бўлибдир.

* * *

Шоҳлар саройларини тазйин этгандир,
Қондан супрани рангин этгандир,
Булар на ёлғиз тўп билан бўлди;
Ҳаммасин шайхлар ва дин этгандир.

* * *

Бу нави башарки зоҳиран инсондир,
Бир оила, бир жинс ва бир хил сондир,
Зоҳид била шоҳнинг изидан кетса;
Ҳар ерда асир-у, ҳам саргардондир.

* * *

Эй ишчи, тупроғингдир зардан ортиқ,
Теринг мушк ила анбардан ортиқ,
Қабарган қўлларинг кўзим устига;
Пайғамбар кўзидаги гавҳардан ортиқ,

* * *


Мен шеър танида жондек қолғум,
Ишқ томири нчра қондек қолғум,
Фикри қарининг ўзи қарийдир,
Мен фикри ёш — новқирондек қолғум.





БАХТ ПАРИСИ

(ДОСТОН)



9 А. Лохутый. Девон.

Биринчи кириш сўз

I

Шаҳаримнинг ёзин ҳар кимки кўрмиш,
Билар қай хилдадир ундаги турмуш,
Қандай меҳнат билан ўтмасин куни,
Том узра ўтади шаҳр элин тун.
Томлар тевараги ранг-баранг читдан
Тикилган чойшаб-ла ўралар четдан.
Ўртада чироғлар ёқиғлиқ турар,
Қоронғу томларни кундуздай қилар.
Осмонга рўбару томлар ҳам гўё —
Юлдуз чироғлар-ла сочади зиё.
Кундузлар ўтади қайғу аламда,
Изтироб, умтилиш, меҳнату ғамда.
Лекин безаклар-ла ясатиб бутун,
Кўчанинг айбини ёпиб ўтар тун.
Оғир меҳнат билан кунни ўтказиб,
Келарди аҳоли уйига тўзиб.
Қайғу аламларни унутмоқ учун,
Бир нафас яхшироқ ўтсин деб бу тун,
Йиғилишар дўстлар — суҳбат баҳона,
Ҳикоя, латифа, эртак, афсона.
Баёнлар устидан эрмак қилишар,
Ҳар киши билганин сўзлар, кулишар.
Шу дамда бир неча давлатманд кибор,
Айшу ишратда маст, ўйнашар қимор.

Лекин бир камбағал томи устида,
Йиғилиш навбати эди шу кеча.
Том эгаси, катта-кичик югуриб,
Тозалаб супурар эди сув уриб.
Қўшнилар шошилиб ёшу қариси,
Кўрпа-тўшак ёзар эди бариси.
Кулишиб, келтириб кийиз, ё гилам,
Қимки бўлмасин — бўйра, шолча ҳам.
Ҳаммасин тўшади томнинг устига,
Яхшилаб қарашди каму кўстига.
Тун ернинг устига соясин сочган,
Чироғ ҳам ёруғлик дарчасин очган,
Бошқа уйларда ҳам ёригач чироғ,
Кела бошладилар қўшнилар шу чоғ.
Бу келган кишилар бирга дастурхон—
Келтириб ёздилар ва қўйдилар нон.
Шомлик тамом бўлгач, бошланар суҳбат,
Ҳар ким сўзлар эди, ҳар хил ҳикоят.
Хушимни жалб этар энди Қирмоншоҳ*
Ҳолига боқаман разим ила расо...
Сўзловчидан бошқа кимки бўлмасин,
Худди жонсиз тандай чиқазмасди ун.
Эртак қаҳрамони бўлса мард агар,
Зарбага учраса, ё кўрса зарар,
Душманнинг устига нафрат ёғарди,
Малъун дев бошига лаънат ёғарди.
Яна ҳамма жимжит, тинглар ҳикоят,
Гарчи, жўшқин дилда қайнайди ғайрат.
Бирдан йўқсил элнинг қаҳрамони ҳам,
Дев бошига зарба уради маҳкам.
Жоҳонни қоплайди офарин саси,
Фалаккача етар бу таҳсин саси.

* Қирмоншоҳ — Эрон шаҳарларидан бири, шоир Лоҳутиё туғилган ер.

Суҳбат ҳам тугади, чироғлар сўнди,
Утирганлар бир-бир ўрнидан турди.
Лекин эл ҳали ҳам ухлаган эмас,
Қаҳрамон васфидан ўзгани демас.
Шу каби кўп йилни кечирди бошим,
Охир СССРда туғди қуёшим.
Дедимки: бу жойдир бирдан бир иқлим,
Бунда зулм деви эмасдир ҳоким!
Шу кучдир халқимга бўлган муддао,
Халқ истаги бари бунда муҳайё.
Бир йил бундан бурун хаёл айладим,
Холис ният билан мазмун ўйладим:
Қаҳрамон яратиб халқим ўзидан,
Афсона тўқимиш «пари» сўзидан.
Лекин совет юртин қаҳрамонлари,
Бу эл фотиҳлари, паҳлавонлари,
Қаҳрамон демоққа муносибдирлар,
Ҳақиқий эртакка муносибдирлар.
Қаламни қўлимга олдим шу замон,
Янги замондан бошладим дoston.

Иккинчи кириш сўз

Қуёш ер устига сочганда зарин,
Табиат товуси ёйганда парин,
Қиш кетиб, келганда баҳор айёми,
Гулгун очилганда лоланинг жоми,
Саҳролар ям-яшил хуррам бўлганда,
Қўнгиллар хонаси завққа тўлганда,
Ранг-баранг чечаклар очилган бу чоғ,
Қоплон терисини кийган эди тоғ.
Қўкатлар устига қатор ва саф-саф
БАХТ ПАРИСИ қурди чодирин ясаб.
Бошқа парилар ҳам атрофга тўлган,

Бу Бахт Парисига парвона бўлган;
Гўзаллик париси, ҳам соз париси,
Шеърят париси, овоз париси,
Билимнинг париси, санъат париси,
Еруғлик париси, ҳикмат париси,
Муҳаббат париси, яна бир қанча,
Шулардек парилар йиғилди анча;
Авжига чиққанда ашула ва соз,
Эшитилди бирдан бу янглиғ овоз:

«Сенсиз, эй БАХТ ПАРИСИ бу жаҳон зиндондир.

Сендан айру, ишимиз нола билан афғондир.»

БАХТ ПАРИСИ шу дам эшитгач буни,

Жаранглаб тарқалди бу янглиғ уни:

«Тингланг, эй ўртоқларим, дилдор овози келур,

Соғиниб қолган кўнгилга хуш хабар сози келур.

Шубҳасиздир, бу товуш ер устида инсонники,

Бу товуш одамники, яъни жаҳон у жонники.

Мен эрурман сўз ва лекин одамий маъно эрур,

Одамисиз борлигим бефойда-бемаъно эрур.

Шамдирманким, фақат инсон мени равшан қилур,

Беуя булбулману, инсон менга гулшан эрур.

Мен бориб бўлгайман энди жисму жон одам билан,

Ҳам муродимга етарман ҳар замон одам билан».—

Гул сепиб йўлига бошқа парилар,

Шундай қўшиқ билан қуршаб олдилар:

«Ҳай-ҳай пари, ҳай-ҳай пари,

Учмоқдасан жонон сари;

Биз сен билан ёр, эй пари,

Дунёда бўл бор, эй пари;

Бўлсин йўлинг равшан, пари,

Ед айлагил бизни, пари;

Ҳар қайда этсанг ошён,

Бўлсин у ер бизга макон;

Чоп, эй пари, бор эй пари,

То янги дийдор, эй пари!»

Хайрлашиб дўстлар-ла қўл-қўл тутишди,
Бахт париси шунда йўл томон тушди.
Гуриллаб гулдирак, чақнади яшин,
Қуюнлар, шамоллар бошлади шовқин.
Қўрқув келтирувчи зулм деви ҳам,
Парининг йўлини тўсди ўшал дам.
Қўзи қонга тўлган бу қари қузғин,
Қанотин ёзди-ю кўтарди шовқин.

Д е в

Эй бахт париси, сафар муборак,
Қаён бормоқчисан, менга бер дарак?

П а р и

Тоғнинг у ёнида бошқа олам бор,
Бу оламда ватан қурган одам бор.
Инсонни истайман кезиб ҳар сари,
Топаман инсонни, бўламан ёри.

Д е в

Тоғнинг у томони менгадир маълум,
Ҳар бир қаричи ҳам менгадир маҳкум.
У гўзал оламнинг ҳокими менман,
Ундаги одамнинг ҳокими менман.
Қўймайманки қилсанг сен инсонни шод,
Сени тушдагина кўрсин одамзод.

П а р и

Инсонлар доимо мени истарлар,
Сени душман дерлар, севмаслар.
Қулоқ сол!
«Пари!» —
деб садо қилурлар.

Эшитдим ва лекин хато қилурлар!
 Йўлдан улоқтириб ташлайман сени,
 Абадий зиндонга бошлайман сени.—
 Кўпиртиб оғзини ғазабли малъун,
 Солди ҳар томонга гулдурос шовқин.
 Истарди ҳар ёққа учмоқни пари,
 Тўсилганди девдан йўлларнинг бари.
 Пари сакраганда осмонга ердан,
 Дев шифтдай босарди бошини бирдан,
 Қочишни истаса ер узра агар,
 Дев қаноти йўлни девордай тўсар.
 Фазони қоплади буларнинг сози,
 Бирин гуркираши, бирин овози.
 Парилар ҳам девлар бунни эшитиб,
 Ҳар ёқдан келдилар ёрдамга етиб.
 Қаттиқ уришдилар парилар, аммо,
 Юз ҳисса кўп эди девлардан сипо.
 Кетидан аждардай елиб югуриб,
 Девлар париларни қочирди уриб.
 Аммо бахт париси бир ўзи ёлғиз,
 Ситам деви билан турди юзма-юз.
 Кўп уруш-талашлар майдонга келди,
 Охири дев енгди, пари йиқилди.
 Таёғин дев урди ерга шу замон,
 Ердан оғиз очиб кўринди зиндон.
 Таёғин ер узра яна урди, бас,
 Зиндондан кўринди зўр темир қафас.
 Парини шу замон тутқунга олди,
 Қўл-оёғин боғлаб қафасга солди.
 Қафасни ўради чамбарчас қилиб,
 Қудуқнинг оғзидан осди пас қилиб.
 Катта тош тахтани келтириб шу дам,
 Қудуқнинг оғзини беркитди маҳкам.
 Қаҳ-қаҳлаб кулди, чиқарди овоз,

Ва тоғ чўққисига айлади парвоз...
Ўтди кўп замонлар қариди жаҳон,
Пари тутқун эди зиндонда ҳамон.
Эл эрк истаб фиғон қилурди,
«Бахт! Эй бахт!» — дея армон қилурди.
Бир тоғ бор ғурур-ла ғоят кеккайган,
Чўққиси юксалиб булутга етган.
У тоғ ер осмондан қўрққани учун,
Гўёки қилибдир қўлини устун.
Гўёки қўли-ла тутмоқда кўкни,
Тоинки ўпирилиб босмасин уни.
Еки бир найрангбоз сингари фалак,
Қўлин ер кўксига қилмишдир тиргак.
Ҳар бир санъаткору ҳунарманд устод,
Кўп нарсани қилур вақтида ижод.
Лекин ҳаммадан ҳам гўзалроғини,
Ўзига ёққанроқ, афзалроғини.
Кўзга кўринарли жойга ўрнатар,
Халойиқ кўзига яққол кўрсатар.
Кўзларга кўрсатиб, ўзи шу билан
Фахр этар санъати юксаклигидан.
Шунингдек табиат — моҳир санъаткор
Юксалтиб яратган жуда кўп тоғ бор.
Помирни ҳаммадан юксак этибдир,
Гўё алоҳида жойга қўйибдир.
Шу билан гўёки ифтихор этар,
Ўз куч-қувватин ошкор этар.
Бу тоғнинг бағрида ўйдум-ўйдум ғор,
Қоп-қора, қоронғу кеча каби тор.
Бу ғорлар бир тўда кишига маскан,
Туйнукдан мўралаб қуёш кирмаган,
Ободон ерлардан жуда узоқда,
Уларда нон қани, кийим қаёқда.
Тоғнинг қаваги-ю, уй эрур номи,
Уйларининг шипи-осмоннинг томи.

Шунда бир ёш йигит номи Шогадо,
У отаси билан турар доимо.
Юзлари буғдой ранг, кўзи уятчан,
Паҳлавон қомати, сўзлари печан.
Отаси Давлат деб аталган киши,
Улуғвор, очиқ юз, ўринли киши.

Ш о г а д о

«Гадо-гадо» номин қўймайин менга,
«Шогадо» деб онам ном қўймиш нега?
Қадрим, эътиборим бир пулча эмас,
Шогадо деган ном менга ярашмас.
На озиқ-овқат бор, на уй, на ётоқ,
Ҳаммадан йўқсилман, ҳаммадан қашшоқ.
Элимнинг емиши нон ўрнида тут,
Унинг ҳам қиймати мен учун ёқут.
Юрагим инсоннинг юраги ахир,
Севгининг ўтида ўртанур бағир.
Сунбулим-ёримни келтиролмайман,
Бир уй топиб бирга ўлтиролмайман.
Туғилиб қолганда бир-икки гўдак,
Уларга на нон бор, на кийим-кечак.
Яна мендай гадо сони кўпайгай,
Уй-жойсиз бенаво сони кўпайгай.
Баъзан ўз ҳолимни текшириб кўрсам,
Бутунлай эзади юрагимни ғам.
Дунёнинг ишрати бойларникидир,
Уй-жойининг лаззати бойларникидир.
Севикли Сунбулим кимсасиз етим,
Ҳатто ҳадиксираб босади одим.
Орзуга етолмай тун-кун чекиб оҳ,
Не учун номимнинг қўшимчаси «шоҳ?».

Мийиғинг бўртса ҳам сен билолмайсан,
 То ўзим айтмасам — тушунолмайсан.
 Бойларнинг бойроғи подшо аталур,
 Номига «шоҳ» деган лақаб тақалур.
 Подшонинг номини қисқа айтсанг шоҳ,
 Йўқсилнинг номи ҳам тожикча гадо.
 Гадоликда сенсан гадоларга шоҳ,
 Шунинг-чун отинг ҳам эрур Шогадо.

Ш о г а д о

Арзийди сабрингга офарин десам,
 Сени енголмади шунча қайғу ҳам.
 Танингни ҳам юки босса ҳам йиллар,
 Лочин йўналишинг тўсмади еллар.
 Кўп кўрдинг, қаридинг қайғу ҳам билан,
 Ўтказдинг умрингни кўп алам билан.
 Эртақлар эшитдинг кўп йўловчидан,
 Мусофир, мужобир, дайди овчидан.
 Айтгандир биронта ақлли киши —
 — Жафодан бош тортса, не бўлур киши?

Д а в л а т

Қутқазай десанг гар ғамдан ўзингни,
 Қўзичоғим, тингла бу чин сўзимни.
 Ҳар киши изласа бахтнинг шунқорин,
 Юзидан ювади қайғу ғуборин.
 Эшитганим бордир қари отамдан,
 У ҳам эшитганмиш неча одамдан:
 Бор эмиш меҳнатқаш бахтин париси,
 Шундай чиройлини йўқмиш париси,
 Лаби ёқут каби, сочлари узун,
 Кезиб юрар эмиш ер-кўкни бутун.
 Агар кўриб қолса ҳар кимса уни,

Бахти кулар эмиш туғармиш куни,
Ҳамма дарду-ғамдан қутилуи эмиш,
Қайғусиз бўлурмиш, шод бўлур эмиш,
Икки юз баравор ҳосил олурмиш,
Хотини ҳар саҳар хамир қилурмиш.
Гўдаклар қорни ҳам тўқ бўлур эмиш,
Саводли бўлурмиш, хат ўқир эмиш.
Болалари етук — китобхон бўлиб,
Нуктадон бўлишиб, ҳисобдон бўлиб,
Узоқ қиш кечалар шеърлар ўқишиб,
Созларни чалишиб ўйнаб, кулишиб,
Қайғудан, кулфатдан бўлароқ озод,
Абадий бўлурмиш кўнгиллари шод.

Шогадо

Сўзингдан умидим қайта бўлди ёш,
Гўёки қалбимда чақнади қуёш.
Рухсат бер, отажон, қилайин сафар,
Топайин дунёда бахтимдан хабар.

Давлат

Мен қариб қолдим-ку, қандай дил билан,
Мендан узоқлашиб ташлаб кетасан? —
Ўғли жавоб бермоқ истаган чоғи,
Оёқ шарпасини сезди қулоғи.
Юксак тоғ бағрига қаради кўзи,
Номаълум кишининг кўринди юзи.
Келиб ҳурмат билан саломдан кейин,
Уларнинг ёнида ўтирди секин,
Деди Мирвалиман, кўп қилдим сафар,
Жаҳон сирларидан тополдим хабар.
Дунёни айланиб, кўпни билибман,
Энди бу томонга сафар қилибман.

Ўлтириб озгина рослагин нафас,
Меҳмонга жонимиз фидо эрур бас.—
Икковлаб сўзлашиб қизиди суҳбат,
Шогадо ўйлайди, чекади кулфат,
Уларнинг сўзини эшитмайди ҳам.

Бирдан пайдо бўлди бир мунча одам.
Кўринган кишилар, деҳқонлар эди,
Бир қиз улар билан бирга келурди.
Қараши рамзли, сочлари қора,
Ой юзи нур билан порлайди, сара.
Тузоқдан қутилган кийикларсимон,
Қўрқувли қарайди ўнгу сўл томон.

Б и р и н ч и д е ҳ қ о н

Толеинг бор экан, бахтинг бўлди ёр,
Тикилган балодан етмади озор.
Малъун бой Сунбулга ёмон қасд этмиш,
Вахшийлиги жуда авж олиб кетмиш.
Олтинчи хотини бунӣ сезибдир,
Бу қайғу унинг ҳам бағрин эзибдир.
Сарф этиб бир қанча тилла-ю танга,
Бой буюрган эмиш босмачиларга.
Ўғрилар Сунбулни олиб қочганмиш,
Малъун бой Сунбулга қучоқ очганмиш,
Бу сўзни эшитиб қуриди тинка,
Сунбулни қочириб келтирдик сенга.

И к к и н ч и д е ҳ қ о н

Дунёда ҳеч киши биздай хор эмас,
Ғаму кулфатларга гирифтор эмас.
Бу малъун қари бой шаҳватга қурбон,
Қўлига тушган қиз топмайди омон.

Ш о г а д о

Не сабабдан рангинг ўчди, титради кўнглинг сенинг?

С у н б у л

Қўрқаманким, вахший бўри дамига олгай мени.
Бу кишилар бўлмаганда, эрди аҳволим ёмон,
Сен борар эрдниг мазорим устига, эй ёрижон.

Ш о г а д о

Қайғуриб ҳеч ўксима, ҳам ота-онам йўқ, дема,
Кўрки, бу қишлоқ элидир ота-онанг, ғам ема.
Сунбулимга қилдингиз, эй дўстлар, ғамхўрлик
Жону дил бирла қилурман сизга миннатдорлик.

Д а в л а т

Бой эрур ҳар бойдан, ҳам зўр эрур ҳар зўрдан,
Кимки эл сақлар уни ҳар офату ҳар шўрдан.
Эй қизим, хуш келдинг ўз уйингдир бу,
Ташвишланма энди чекма ғам-қайғу.

Ш о г а д о

Қарагин, отажон, тақдир ишини,
Тортмайсан ёлғизлик ғам-ташвишини.
Қизинг ёнингдадир, ёлғиз эмассан,
Сен айтган парини ҳеч унутмасман.
Жавоб бер, отажон, энди кетайин,
Парини излайин, унга етайин?
Тоғу тошлар ошиб саҳрони кезай,
Боғу бўстон, чўлу дарёни кезай,
Юриб ҳар томонга парини топай,
Дилни хурсанд этиб, бу томон чопай.
Бошимизга сочсин ёғдусин қуёш,
Йўқсиллар кўзидан тўкилмасин ёш.
Сунбулим ҳам ёқсин танурга олов,

Ейишимиз бўлсин нон, шўрва, палов.
Экинлар экайлик ўз еримизга.
Еғмасин бойларнинг ғазаби бизга.
Биз ўз ишимизни ўзимиз қилиб,
Олайлик ҳосилни ўзимиз билиб.
Биз каби меҳнаткаш камбағаллар ҳам,
Яшнасин, яшасин чекмай қайғу ғам.
Ҳам бахтнинг париси юзини очсин,
Қуёш ҳам ўз нурин бизларга сочсин.

Б и р и н ч и д е ҳ қ о н

Оламда бормикан шу янглиғ лари?

И к к и н ч и д е ҳ қ о н

Мен ҳам эшитардим анчадан бери.

Б и р и н ч и д е ҳ қ о н

Бахт фақат бойларга қарайди холос,
Қул бўлиб ишламоқ бизгадир мерос.
Биз қайда, қайдадир бахтнинг париси?

У ч и н ч и д е ҳ қ о н

Тўғри деса бўлур сўзинг бариси.
Лекин, оталар ҳам кўпни билганлар,
Ҳам кўп яраларга малҳам қилганлар.
Бизга демишларким, бордир бу пари,
Унга тушмагандир биров назари.
Зора бу йигитнинг қўлидан келур,
Бизнинг дардимизга даво еткурур.
Қишлоғимиз номи Дарасангиндир,
Турмуш қаттиқлиги бизларда чиндир.
Шогадо бахт йўлин этса ошукор,
Дарасангин қилур чексиз ифтиҳор.

Тўртинчи деҳқон

Шогадо сен демак бу биз демакдир,
Сендаги тилаклар бизга тилакдир.
Сени юборамиз, мардимиз сенсан,
Сендадир кўз, юрак, вафо, соғлом ган.

Деҳқонлар

- Қошки,
- Дардимиз ҳаддидан ошди,
- Зулматнинг дарёси тўлқинлаб тошди.
- Муродингга етгин, эй зўр паҳлавон!
- Зора элимиз ҳам бўлгай беармон.

Мирвали

Мен ғарибга агар берсангиз рухсат,
Мен ҳам кўрсатайин яхши маслаҳат.
Сўзингдан, эй йигит, менга билинур,
Еш бошингда кўпдир савдо ва ғурур.
Гўдакларча ҳавас эмасми ишинг?
Ё жиддий сўзмидир жаҳон юришинг?

Шогадо

Ҳозир кетар эдим, отам хўб деса,
Бундан жиддийроқ иш не булур яна?

Мирвали

Сафаринг қўрқинчли, хатарли эрур!

Шогадо

Жондан кечган — қачон қўрқувни билур!

Мирвали

Менга диққат бериб, э ўғил, эшит,
Оталарча сенга бераман ўғит.

Бениҳоят юрдим, кездим кўп шаҳар,
Фойдалар ҳам кўрдим, ҳам чекдим зарар.
Менга аниқ бўлмиш бу бахт эртаги,
Машаққатдан ўзга эмас этаги.
Минг-минглаб одамлар кезиб ҳар томон,
Бахт орқасидан бўлмишлар сарсон.
Бахтнинг парисидан тополмай нишон,
Девларнинг қўлида бўлмишлар қурбон.
Ва пари бўлурми гадо билан ёр,
Гадонинг юкини кўтармас, зинҳор!
Ўзинг қисматингга ўзинг рози бўл,
Тақдир-ла ўйнашма, ўгитимдир шул.
Насиҳатим эшит, бўлма девона,
Бу фикрингни ташла, кезма ҳар ёна!

Ш о г а д о

Мусофир, сўзингни тугат, қисқа қил,
Жон бериш хавфидан қўрқмаслигим бил,
Биламан, охири бу бой-беномус
Қамоққа олади, бўламан маҳбус.
Золимнинг қўлида асир бўлмоқдан,
Қўлу оёғимда занжир бўлмоқдан,
Парининг йўлида фидо қилиб жон,
Эркинлик кўкида жон бермоқ осон.

М и р в а л и

Бу ишингдан менга фойда-зарар йўқ,
Мендан ранжима-ю, менга қилма дўқ.
Сендан айрилганда тирик туролмас,
Отанг аҳволига ачинаман, бас.

Ш о г а д о

Бу киши сўзининг эътибори йўқ,
Ота, рухсат беринг, сиздадир ҳуқуқ.

Д а в л а т

Мен яхши текшириб қарадим, ўғлим,
Сенинг иродангдан севинди кўнглим.
Арслон изидан-у, йигит йўлидан,
Ҳеч қачон қайтмайди, бунга бергил тан.
Оғир кундан бошқа бунда не бўлур,
Сафарингдан дилим умид-ла тўлур.

Ш о г а д о

Хайр энди, отажон, сизни ёрни деб,
Бахт қушин овлайман жаҳонни кезиб.

Д а в л а т

Сафаринг қутлуғ бўлсин,
Толиинг ёруғ бўлсин!

Д е ҳ қ о н л а р

Мардлик қилдинг, эй паҳлавон,
Қайтиб келгин эсон-омон.
Дилдан ўчмас номинг зинҳор,
Саломат бор, саломат бор! —

II

Шогадо йўл олди ҳаяжон билан,
Қишлоқ эли юрди унинг кетидан.
Шу орада ҳамма сезолмай қолди,
Тўсатдан Мирвали кўздан йўқолди.
Тоғ йўлида пасқам жойда шу соат,
Сунбул Шогадони кутар бетоқат.
Бу икки ёш юрак, бу икки ошиқ,
Бир-бирига маҳбуб, вафоли содиқ.
Айрилиқ олдида ҳасратлашиб, ҳам —
Муҳаббат аҳдини тузишди маҳкам.

С у н б у л

Йўлинг тошлоқ, оёғингдир яланғоч, вой ҳолингдан,
Керак чоғда мадад кимдан етар сенга?

Ш о г а д о

Хаёлингдан!

С у н б у л

Қуролинг борми?

Ш о г а д о

Меҳрингдир сенинг.

С у н б у л

Сармоячи?

Ш о г а д о

Умид!

С у н б у л

Сенга йўлдошчи?

Ш о г а д о

Тунлар юлдуз, кундузлари хуршед!

С у н б у л

Сафарда бўлмагансан, ким бўлур раҳбар сенга?

Ш о г а д о

Паймон!

С у н б у л

Не совға келтиурсан?

Ш о г а д о

Келтиурман бахт, эй жонон!

Сўздан тўхтаганда оғиз-лаблари,
 Кўз билан бўлурди қолган гаплари.
 Икковлон ҳайрлашиб видо қилишди.
 Айрилиқ ғамидан наво қилишди.
 Шогадо кетди-ю кўздан йўқолди,
 Кетидан Сунбули телмириб қолди.
 Дилида дарду ғам алами чексиз,
 Давлатнинг ёнига келди Сунбул қиз.
 Тоғнинг юраги ҳам тун қайғусида
 Қоп-қоронғу бўлди кўмир тусида.
 Қорайиб боради тоғ чўққиси ҳам
 Бошланди жаҳонда оқшомдаги ғам.
 Қуёш ёғдусининг қолмай асари
 Оламни қоплади зулмат чодир.
 Қиз билан мўйсафид аламга тўлиб,
 Тошга бош қўйишди ухламоқ бўлиб.
 Бу қайғу ғам билан Сунбул ўртоқдир,
 Кўзи уйқуда-ю, дили уйғоқдир.
 Туннинг ярмигача юраги урар,
 Тани иситмада куйиб ўртанар.
 Кумуш нур шамини ой келиб ёқди,
 Кўк қора чодирин зармихин қоқди.
 Ойнинг нури бериб кўзларга кўмак,
 Кўринарди яққол атроф-теварак.
 Гўё бир кечада икки ёрқин ой,
 Тоғдан Сунбул ою, осмондан чин ой.
 Вафоли қиз тошдан бошин кўтариб,
 Қўрқа-пуса кетди тоғ томон юриб.
 У ерда Сунбулой ёр билан кеча,
 Ўпишиб сўзларди умидин неча.
 Кечаги жойига бориб ўтириб,
 Оҳиста ўқиди кўз ёшин тўкиб.
 Ва тоғ шевасида ғазалхон бўлди:

«Азизам рафту, кафш дарпо надорай,
Тани луч, тоқати сармо надорай.
Илоҳи тоҳамон рўзеки ёрум,
Биёя, барфуборон ҳам наморай.
Дилум миҳоҳад эй дармони дардум,
Шавам соя ба дунболи тў гардум
Бигардум ку-баку, саҳро басаҳро!
Тура ёри кунум пинхон зи мардум.»
Бора-бора саҳна нур билан тўлди.
Қуёшнинг қиличи зулмат бўйини
Шарт узиб ёритди тоғнинг қўйини.
Қанча қоронғулик босса ҳам тунни,
Кундузнинг ёруғи йўқотар уни.
Атрофга кўз ташлаб қаради Сунбул,
Кийиклар кўринур ҳарён ўнгу сўл.
Тоғнинг чўққисида ўйнашар улар,
Ўйинга қизишиб сакрашар улар.
Ўксиниб, хаёлга ботгандай Сунбул,
Давлат товушидан кўзин очди ул.
Овчиликда эди чол жуда мерган.
Ўқидан қутулмас кийик ҳеч қачон.
Қўлида камони чол келиб дейди:
Қачонгача сени ҳам эзиб ейди?
Висол умидидан кўнглингни узма,
Қайғуриб эзилма, дилингни бузма.
Мен бориб кийиклар овлаб келайин,
Сен учун кабоблар қилиб берайин,
Тур ўрнингдан, басдир ёшинг оққани,
Бир оз ўтин тўпла, олов ёққани,
Меҳнатдан келади ҳар дардга дармон,
Меҳнатдан бўлади ҳар мушкул осон.—
Шу сўзларни дегаҳ кийикдай сакраб,
Чол жўнади кийик овига қараб.
Узун сочин ўраб бошига Сунбул,
Ўтин терар эди юриб ўнгу сўл.

Тўлиб тошиб дилда ҳасрату қайғу,
Мунгли бир рубои ўқир эди у:

Бўлсам эди оҳу каби беғам-эркин,
Кезсам эди ҳар томонга мен ҳам эркин.
Ҳар жойгаки сайр этса менинг жононим,
Йўлдоши бўлиб ёнида юрсам эркин...

Чарчаганди, кўзи уйқуга кетди,
Тўсатдан балодек дев келиб етди.
Девга йўл бошларди Мирвали — шайтон,
Қиз бошига келиб туришди шу он.
Дев урди таёғин ернинг юзига
Қийик шаклин олди Сунбул ўзига.
Мирвали ҳам бўлди йигит овчидай,
Қўлда таёғи ҳам бир арғамчидай,
Сунбулнинг бўйнига арқон боғлади,
Жоду тиги билан кўксин доғлади.

Дев

Сен бой чангалидан қутилган билан,
Менинг чангалимдан қутилолмайсан.
Ихтиёринг эрур менинг қўлимда,
Мажбурсан, юрасан менинг йўлимда.
Қийикларни қувдим афсунлар билан,
Давлат чолнинг бориб турган йўлидан.
Қўли қуруқ қайтса шундай ҳолатда,
Мақтанчоқ қолажак кўп хижолатда.
Бу мулойим дилим ачинар шунга...
Сени кийик қилиб кўрсатай унга.
Бир ўқ билан учта қушни овлайин,
Ҳам сенга, ҳам чолга лаҳад кавлайин.
Шу билан уч кўнгил бўлади обод:
Сен ҳам кийик бўлиб топасан мурод,
Чол ҳам қуруқ қайтмас уйига маъюс.

Сени овлаб кетар қилмайин афсус,
Бўлсанг ҳимоячинг қўлида кабоб,
Мен ҳам қувонурман бунга — беҳисоб.
Ўз чолинг, чўпонинг бўлган ғамхўринг,
Менинг сеҳрим билан қазийди гўринг.
Дев кетиб Мирвали унда турарди,
Овнинг янги шаклин кўриб куларди.
Кула-кула малъун Мирвали кетди...
Давлат келиб тунги жойига етди.
Тирик кийик овлаб шу онда Давлат
Йўл босарди қувноқ, шод бениҳоят.
Шод эди кўрар деб қизим кийикни,
Ўлик кийикни-мас, балки тирикни
Сунбулдан кўрмагач ҳеч қандай изни,
Сунбул деб бақирди, чақирди қизни.
Сунбулни чақирмай туролмас эди,
Лекин Сунбул жавоб беролмас эди.
Охир кийик чолнинг этагин ўпди,
Қўлини ялади, тирсагин ўпди.
Тоқатсиз ҳар томон кўз ташлар эди,
Бир нима дегандай шошилар эди.
Кийикнинг бошини силади чол ҳам,
Меҳр ила кўрсатиб шафқат ва карам.

Деди:

Аҳволингдан мен бўлдим ношод,
Сен шод бўл, шод бўлким, қиламан озод
Балки, сен ҳам мендек эзилгандирсан,
Ўғилдан, келиндан айрилгандирсан.
Қандай тирик жонни бежон қиламан,
Кабоб-ла кимни ҳам меҳмон қиламан.
Сени бу қайғудан айлайин озод,
Болалар ёнига бориб бўлгил шод.
Тўхтатолмай Давлат кўзин ёшини,
Арқондан бўшатди кийик бошини.

Сену биз, ўқувчим, кузатиб борсак,
 Малъун дев макридан топамиз дарак.
 Кийикни у малъун сотиб Давлатга,
 Қондими етиб у мақсад-ниятга?
 Бу билан дев ҳам тинчимади ҳеч,
 Тоғма-тоғ йўл босди тинмай эрта-кеч.
 Шогадони излаб кўп йиллар юрди,
 Охир Шогадонинг қорасин кўрди.
 Ёқасидан бўғиб судраб ўрмонга,
 Дарахтга боғлади ўраб арқонга.
 Малъун дев ҳирс билан кулиб йўқолди,
 Шогадо оғир банд остида қолди.
 Шогадонинг кўнгли бузилиб қолди,
 Умиди ҳар ёқдан узилиб қолди:
 Қуёш ҳам олдидан юзин бекитди,
 Фарб томон йўл олиб ботди-ю кетди.

Ёдимга келади Эрон турмуши,
 Тўқсон тўққиз оч-у, тўқдир бир киши.
 Шогадолар унда бесаноқ эрур,
 Бир-биридан ҳоли ёмонроқ эрур.
 Гарчи, халқ иш билар, тузувчи эрур.
 Моҳир, доно, зийрак, ўзувчи эрур.
 Лекин ўз ҳосилин ўзи ололмас.
 Золимларга қулдир, ҳеч қутилолмас.
 Унда эл хонини бордир бирталай,
 Девга гумашта-ю, ётларга малай.
 Бу хонин қўлидан эл бўғзи бўғиқ,
 Ҳатто дам чиқармоқ имкони ҳам йўқ.
 Ҳақиқатда ҳозир ҳокимдир зулм,
 Зулм ҳокимдир-у, эркинлик маҳкум.
 Лекин етиб келур озодлик куни,
 Бўғиқ элдан чиқар эркинлик уни.

Эл ҳам девнинг бўғзин бўғабошлайди,
Эркинлик йўлида қадам ташлайди.
Хурсандлик чоғида, қайғу кулфатда,
Эл билан биргаман ҳамма ҳолатда.
Истайман эркинлик курашида ҳам,
Эл билан қўл бериб боссам деб қадам.

Яна ер юзини қоронғу босди,
Лекин кўк ҳам юлдуз фонусин осди.
Йигитнинг кўзи ҳам қўлидай боғлиқ,
Жисмида қолмаган заррача соғлиқ.
Тонг пайти Шогадо тош каби қотган,
Эсини, хушини бутун йўқотган.
Тўсатдан кийик ҳам етиб келади,
Қўлига юзини суртиб силайди.
Арқонни тиш билан ечиб шу замон,
Гўё Шогадога бағишлади жон.
Шогадо кўз очиб ҳайронлик билан,
Деди:
Эркинликнинг тимсоли сенсан!
Мени қутқазувчи мардсан, полвонсан,
Сен кийик эмассан, шерсан, қоплонсан!
Сен-ку, бу ўрмоннинг ҳайвони эмас,
Бу йўлларда юриш қанақа ҳавас.
Нега бу йўлларга қўйибсан қадам?
Ё бахт излайсанми мен каби сен ҳам?
Шундай эса, келгил йўлдош бўлайлик,
Ҳамма жойда бир тан, бир бош бўлайлик.
Кўзинг Сунбулимнинг кўзидай экан,
Руҳим лаззатланур сени кўрмоқдан.
Икковлон бирлашиб йўлга юришди,
Икки жон бир мақсад изидан тушди.

Кенг эски ўрмоннинг бағрида булоқ,
 Суви биллур каби тиниқ ялтироқ.
 Уч шох бўлиб чиққан катта дарахт бор,
 Ҳар шохи ҳам худди катта бир чинор.
 Қўланкаси жоннинг роҳати эрур,
 Уч йўл уч томонга шундан бошланур.
 Қоронғу кечаси совуқ бир тунда,
 Бир киши ўт ёқиб ўтирар шунда.
 Йўлдан етиб келди яна бир одам,
 Ўтирган кишидан сўради шу дам:
 Уч йўлдан қайсиси мақсадга яқин,
 Қай бирига юрган топар мақсадин.

Деди:

Унгу сўлга юра кўрмагил,
 Мақсадинг булардан бўлмагай ҳосил.
 Ҳар ким тўғри бўлса ўртадан кетар,
 Ўрта йўлдан борган — мақсадга етар.
 — Сенинг номинг нима.
 — Сергейдир отим.
 — Мақсадимга егдим, топдим муродим.
 Юборган киши ҳам менга айтганди,
 Шундай белгиларни сўзлаб берганди.
 — Сенинг номинг нима, менга айтсангчи?
 — Ладо.
 — Маконингчи?
 — Бургут уяси.

Янги мусофир ҳам бу сўздан кейин,
 Қадам ташлаб борди Сергейга яқин.
 Лекин Сергей унга имлаган ҳамон,
 Дарахт орқасига бекинди чаққон.
 Яна тўрт киши ҳам келиб Сергейдан
 Сўради йўлини шу йўсин билан.
 Аввалги кишига ҳарнаким деди,

Буларга ҳам жавоб ўшандай эди.
Келган кишиларнинг номин шундай бил:
Латуги, Тўхтасин, Собит ва Эсхил.
Қўзи кўр Эсхилнинг йигит ўғли бор,
Ҳар қаёққа юрса у судраб борар.
Ўтиришди ҳамма қуршаб халқадек,
Қўзлари йўлда-ю, юраклари тетик.
Қўз тутиб кимгадир ҳамма мунтазир,
Бутун қўзлар йўлга боқар бирма-бир.
Кутилган киши ҳам тўсатдан шу ҳол,
Шарпасиз кўринди қўзларга яққол.
Ўтирганлар сари қадам босарди,
Кийиклик киши ҳам бирга келарди.
Қувониб Сергей ҳам бирдан қичқирди:
«Бахтнинг ҳомийси келади!» деди.
Ҳамма уни танир, танишдир юзи,
Сергейга буларни юбормиш ўзи.
Боқиши сеҳрли, кийими кўндан,
Юзидан муҳаббат, садоқат равшан.
Тўғрилиқ қуёши бетида порлоқ,
Соқол — мўйловлари сийрак ва юмшоқ,
Бошида соябон жингалак сочлар,
Порлоқ манглайига кўланка ташлар.
Қошлари чимрилган, қомати расо,
Сўзлари саноқли, маъноли, бурро.

Яна бир ўртоқ ҳам бизга қўшилди,
Кеч қолишга сабаб худди шу бўлди.
Кийиклик киши ҳам қўл қовуштирди,
Янги дўстлар билан бирга ўтирди.
Кийик ҳам ўтирди, у ўтирган чоқ,
Унинг тиззасига бош қўйди юмшоқ.
Белбоғини йигит еча бошлади,
Дастурхон ўрнида ёзиб ташлади.
Лабида табассум, қотган нонини —

Ушатиб билдирди ҳаяжонини.

Деди: Эй дўстларим, меҳрибон бўлинг!
Марҳамат кўрсатинг, меҳмон бўлинг!
Мусофирлар ундан хурсанд бўлишди,
Дардига дармону пайванд бўлишди.
Ҳар киши борини ўртага қўйди,
Содда дастурхондан ҳар кимса тўйди.

Бахт ҳомийси:

Дўстларим, энди биз сўзга бошлаймиз,
Зора қайғуларни енгиб ташлаймиз.
Ҳар киши сўзласин ўз аҳволини,
Шубҳани йўқотсин, айтсин ҳолини.
Эҳтимол, ҳамманинг йўли бир бўлур,
Ҳамма бир мақсадга бирдай интилуру.
Бу кийикка, сенки, кўнгила боғлабсан,
Энг олдин сен сўзла, нима хоҳлабсан?
Дўстлари олдида Шогадо ғамли.
Ҳикоя бошлади дили аламли.
Ўксиниб дедиким:

Оворадирман!

Бахт парисини излаб юрурман.
Менинг йўлим тойғоқ, хатарли эрур,
Доимо дев менга зарар еткурур.
Лекин ўз ҳолимдан қайғирмайман ҳеч,
Дилбарим ғамидир менда эрта-кеч.
У, ўзи вафоли, содиқ бўлса ҳам,
Бахтсиз, толесиз ғам билан ҳамдам.
Бойдан ҳадиксираб юрар доимо,
Бой унинг қасдида эрур доимо.
Қўрқаман охири бой қўлга олур,
Бой домига тушиб тутқунда қолур.
Ўзимнинг ишимдан ўзим ҳайронман,
Бахтимни излайман, топмай сарсонман.
Бўлуirmi эканман бирга ёр билан,
Е ўлармиканман интизор билан?

Дарасангин эли хурсанд бўларми?
Асирликда ёки умри ўтарми?
Мана шундай оғир қайғули кунда,
Кимсасиз кечада, ғариблик тунда,
Овунчоғим эрур ёлғиз шу кийик,
Ғамимга ўртоғу, дардимга шерик.
Буни ҳар кўрганда кўнглим қувонур,
Кўзлари ёримнинг кўзидай эрур.
Тинглагач кийик ҳам тўкиб ёшини,
Йигитнинг кўксига қўйди бошини.
— Инсоннинг сўзини ёввойи ҳайвон,
Қандай тушунди,—қолишди ҳайрон.
Шогадо тўхтатгач сўзидан ўзни,
Бошқа бир ўртоғи бошлади сўзни,

Э с х и л

Волга бўйиданман, ватаним гўзал,
Гўзаллик бобида жуда мукаммал.
Лекин кўзим кўру, мен кўролмайман,
Ватаним гаштини мен суролмайман.
Қоронғулик ичра кийим киярман,
Тиниқ гўзал сувни кўрмай ичарман.
Дардимизни ёзсанг битмас китоби,
Қайғу ҳасратларнинг йўқтур ҳисоби.
Бу қайғу ҳасратлар ҳаммаси бирдир,
Лекин ҳаммасидан кўрлик оғирдир.
Дев зулми остида қолиб эрта-кеч,
Кўзимиз кўр бўлди, кўролмаймиз ҳеч.
Юзимни кўролмай бечора отам,
Бу дунёдан ўтди, тортиб қайғу ғам.
Мана шу ўғлимдир дунёда борим,
Жонимга роҳату дилга мадорим,
Ўн тўққиз йилдирким бунга отаман,
Кўрмоқ орзусида ғамга ботаман.
Отам айтган эди:

«Изласанг бўлур

Бахтни топганда кўзинг тузалур».
Шу сабабдан бахтни излаб бораман.
Бахтим орқасидан кўп овораман.
Умримнинг боғида зора гул терсам
Ўғлим жамолини кўриб қўл берсам.
Зора кўрсам уни зўрлардан озод,
Кўзини очиқу кўнглини обод.
Бу сўзни эшитгач Эсхилнинг ўғли
Ўз юзига тортди ота қўлини
Унинг кўр кўзидан бўсалар олди,
Кўз йўлидан дилга ёғдулар солди.

Л а т у г е

Узоқ шимол юрти менгадир ватан,
Еримиз яланғоч сабза-кўкатдан.
Қасал ётар эди бечора онам,
Тўлиб-тошар эди юрагимда ғам.
Гўё умри охир бўлгандай эди,
Тириклик япроғи сўлгандай эди.
Баҳор айёмида бориб битта рус,
Ҳолимизни кўриб еди кўп афсус.
Дедиким: «Бу дардга бордир бир даво,
Кимки уни ичса топади шифо,
Бу ердан уч манзил юриб борганда,
Меҳрибон бир киши туради унда.
У менга тилдошу ундадир даво,
Ундан олиб келсанг, бўлади шифо».—
Дедим: тилимизни у ҳам билурми?
Мақсадни сен каби била олурми?
Деди: «йўқ»
Дедимки: бас шундай экан —
Нима фойда келур бу боришимдан?
Деди:
Сўзинг тўғри, лекин сен билан,
Бир доно раҳбарни қўшиб бераман,

У ҳеч қадам босмай кўп йўлни кезар,
Менинг сўзларимни унга етказар».
Учи қаро чўпни қўлига олди,
Оқ япроқ устига нақшлар солди.
Япроқни буклагач, менга топшириб —
Деди:

Олимга бер, буни обориб!
(Оқ япроқ қоғозу қора чўп қалам,
Қаро нақшлардан хатлардир кўркам).
Бу нақшлар қандай хабар берар деб,
Ўзимча ўйлардим ҳайратим ошиб.
Онам ҳурматининг улуғлигидан,
Сўзини қайтармай боравердим ман.
Олиб бордим, олим япроқни олди,
Дори берди, онам ичиб тузалди.
Бу сеҳрни кўргач, ҳайратда қотдим,
Бунинг ҳаёлида ўзни йўқотдим.
Дер эдимки: қандай, киши лаб очмай,
Мақсадин бошқага англата олгай?
Е эшитмай туриб биров гапини,
Тушунгай дардини, ҳам матлабини?
Билимли рус киши олдига шу он —
Бориб, мушкулимни айладим баён.
У киши дедиким:

«Бу тилсим эрур,
Бу тилсим беҳисоб фойда еткирур.
Билим хазинасин калидидир бу,
Билимдонлик ўйин курсисидир шу.
Кишининг мушқули шу билан осон,
Оламнинг матойи шу билан арзон.
Бор йўллар шу билан кенгайиб борур,
Қоронғу кечалар ёп-ёруғ бўлур.
Бу тилсимнинг номин сўрасанг — «Савод».
Бунга етганларнинг кўнгли бўлур шод.
Лекин бу тилсимнинг калиди ҳам бор,

Бахти кулганларга у бўлур тайёр.
Қандай кишигаким бахти бўлса ёр,
Калитни беради қилмай интизор.
Доно русдан турли саводлар қилдим,
Жавобидан анча нарсани билдим.
Дев зулми остида маҳкум эканмиз,
Шунинг-чун ҳаётдан маҳрум эканмиз.
Бир дев бизни доим зўр билан эзар,
Ҳам бизга саодат йўлини тўсар.
Қўзимиз очиг-у, соғдай ўзимиз,
Лекин саводсизмиз — кўрдир кўзимиз.
Бизда на алифбе, на мактаб, китоб,
На қалам, дафтар бор, на рақам-ҳисоб.
Номимиз ёзилмиш сувнинг бетига,
Халқимнинг тарихи қайтмас кетига.
Бир тўлқин-ла на ном, на нишон қолур,
Тарихимиз бир ел билан йўқолур.
Доно рус ўгити тушган қулоққа,
Таъсир этди дилга, бошдан-оёққа.
Бу сирни онглагач, бахтни изларман
Ва бахтнинг кетидан жаҳон кезарман.
Бахтнинг орқасидан тинмай бир замон,
Тоғ демай, чўл демай, юраман ҳамон.
Малъун дев ҳам меннинг изимдан юрар,
Ёруғ кунни тундай қоронғу қилар.
Шунча оғир кулфат бошимда туриб,
Йўлимдан қайтмайман, бораман юриб.
Сўнгги нафасгача тинмай юраман,
Ё битар ҳаётим, ё кун кўраман.—
Бу сўзларни айтгач, хаёлга ботди,
Гўё шу замонда ўзни йўқотди.
Худди гўдак каби бир нарса ёзар,
Ҳасса учи билан ер узра чизар.
Гўё ўз фикрини ерга ёзарди,
Ё мақсад ариғин шунда қазарди.

Ердир бешигиму кўчманчидирман,
 Маконим номаълум, йўқ менда ватан.
 Тун бўлгач, кишилар кирар ётоққа,
 Ҳатто товуқлар ҳам чиқар қўноққа.
 Менинг на уйим бор, на ётоқ жойим,
 Қизиган қум узра ётаман доим.
 Қуриган япроқдек юраман чўчиб,
 Ел қайга супурса, бораман учиб.
 Уйим йўқ, бир жойда қандай тураман.
 Қуюндек ҳар томон сарсон юраман.
 Кечаси кўч билан мен ҳам йўл олдим,
 Бир гўзал қиз билан учрашиб қолдим.
 Орқасига оғир юкни кўтарган,
 Кўчманчилар билан у ҳам кетаркан.
 Гўё ой кетарди ернинг устидан,
 Орқасига осмон юкин кўтарган.
 Бой учун кўтарган юк жуда оғир,
 Эзилар бу юкдан ҳам тан, ҳам бағир.
 Тўсатдан юк босиб, у ой йиқилди,
 Кўзимдан қон оқиб, кўнглим сиқилди.
 Тушуриб юкини қиз елкасидан,
 Оёғидан олдим санчилган тикан.
 Юкини бошимга кўтариб шу дам,
 Индамай кетардим у билан мен ҳам.
 Хаёлим унда-ю, юки елкамда,
 Борлиғим у бўлди бутун оламда.
 Аста-аста, кам-кам сўзга бошладик,
 Шу чоқда икки йўл бошига етдик,
 Ҳар биримиз бошқа томонга кетдик,
 Кўксим аро қолди ишқининг доғи,
 Кўз олдимда турар ҳуснин чироғи.
 Қолибман узоқда ундан бебаҳра,
 Мен Муштари бўлгач, у бўлмиш Зухра.

Бизнинг қалбимиз бир-бирдан узоқ,
У ҳам кўчманчидир, эмасдир ўтроқ.
Менинг элим қайга ташласа қадам,
Унинг қабиласи кўчар ўша дам.
Бу девнинг зулмидан тура олмаймиз,
Бир-бирни ҳеч қачон кўра олмаймиз.
Менинг ишим чексиз чигалдир, чигал,
Заррадек ҳам эмас қадрим лоақал.
Айтдилар: — бахт сенга уй беради,— деб,
Мол, давлат беради, қўй беради,— деб.
Мен бахтни зораким кўра олгайман,
Марҳамат қўлини ўпа олгайман,
Бўлиб уй эгаси, экин эгаси,
Шу бахтим бўлгай деб уйим бекаси.
Бахтимни излайман кўп йилдан бери,
Юраман тоғу тош кезиб ҳар сари.—

Ёруғлик қоплади осмоннинг юзин,
Муштари ва Зухра кўрсатди ўзин.
Собит қарадиким бу икки юлдуз,
Бир-биридан узоқ турар юзма-юз.
Собитда ўксиниш чекига етди,
Қайғули оҳ уриб ўзидан кетди.
Янги дўстлар кўриб унинг ҳолини,
Қузатиб қолишди бу аҳволини.

Қуёш шуъласидан ёришиб фалак,
Тонг отишдан берди ёғдулар дарак.
Ва бахтнинг ҳомийси деди:

«Тонг отар,

Душманнинг макридан этайлик ҳазар».
Кундуз куни кетсин ҳар ким ҳар ёққа,
Қишилар ичига, шаҳар, қишлоққа.
Яна оқшом чоғи бунда бўлурмиз,

Оловни ёқурмиз, суҳбат қилурмиз.
Лекин тонг отганда яна кетамиз,
Қишилар ичида манзил этамиз.

IV

Кечаси келди-ю кундузи ўтди,
Тун қора пардани оламга тутди.
Тундан анча ўтгач, дўстлар келишди,
Булоқнинг бўйида суҳбат қуришди.

Бахт ҳомийси

Ҳар киши ўзича гумон этарди,
Махсус девим бор, деб фараз қиларди.
Умумий душманни кўрдингиз энди,
Ҳаммага барабар экан, билинди.
Минг йиллардан буён бу дев лаънати.
Меҳнаткаш элларни эзиб келади.
Зулм хилма-хилдир, зулм хилма-хил,
Лекин зулм девининг моҳияти бир.
Хоҳ жойи Мағрибу, хоҳ Ҳинду, Қашмир.
Қайси элдан бўлсин (унга барабар)
Қўлидан келгунча зулм этиб эзар.
Бу девнинг ўлимин истаган чоқда,
Ҳамма эл бўлади бир иттифоқда.
Миллий адоватни берурлар барбод,
Хурофот бандидан бўлурлар озод,
Енгилмас куч билан тўпланиб баҳам,
Умумий душманни қилади барҳам.
Бошқа ўртоқлар ҳам айтсин ҳолини,
Тинглайлик, билайлик биз аҳволини.
Билайлик, уларга қайси йўл билан,
Дев қандай, қай йўсин зулм этар экан.

Тўхта син

Менинг ҳикоям ҳам жуда оғирдир,
Бошимда қайғу ҳам жуда оғирдир.

Эшитган кишилар қийналур ғам еб,
Ҳайронман, айтсамми, айтмасамми деб.
Юртимнинг бир қисми эрур гулистон,
Яна бир қисмидир чўлу биёбон.
Қорақум водиси эрур маконим,
Бу юртим ғамида қийналур жоним.
Бизнинг чўлимиздир жуда кенг, узоқ,
Сувсизликдан битмас ҳаттоки ёнтоқ.
Сувлик ер бой, мулла, эшон қўлида,
Амирлар қўлида, аъён қўлида.
Қуруқликда қолган балиқ эрурмиз,
Қуёш иссиғида қотиб ўлурмиз.
Менинг гулшанимдир тиканлик ерлар,
Оқар сув мен учун кўзимдан оқар.
Дашту саҳро кездим, юриб ҳар томон,
Бахт парисидан топай деб нишон.
Парини топганда, унга ёлворай,
Ёлвориб, ўтиниб марҳамат сўрай.
Зора бизнинг чўлга ташласа қадам,
Ариқлар чиқариб айласа хуррам.
Менинг халқим йўқсил, мазлум бўлса ҳам,
Дев қўлида тутқун — маҳкум бўлса ҳам,
Ботирлик йўлида мардона эрур,
Тантилик бобида жаҳонга машхур.
Халқимнинг тенг ярми қирилиб битган
Лекин унинг донғи оламга кетган,
Ярмининг ишидан қолмагач асар,
Ярмининг ҳунари қаерга етар?
Зулмнинг шум деви йўқолган ҳамон,
Келиб етар эди бир янги замон —
Деб, булоқ сувига тикилиб қолди,
Бошқа ҳамма ёқдан кўзини олди.
Ўз тилагин гўё сувга сўзларди,
Бахтини шу оқин сувдан кўзларди.

Менинг юртим Кавказ тоғида эрур,
 Жаҳоннинг энг гўзал боғида эрур.
 У ернинг тупроғи кўнгил очади,
 Меҳнатга яраша олтин сочади.
 Танти ердир, жуда қойил қоламан,
 Яхши ишлаб яхши ҳосил оламан.
 Лекин бу ҳосиллар таланиб кетар,
 Юздан бири зўрға уйимга етар.
 Шундай бўла туриб меҳмонларни деб,
 Кўп нарса тайёрлаб қўяман йиғиб.
 Меҳмон учун бордир кабобим менинг,
 Хумда қайнаб турган шаробим менинг.
 Лекин ётар тупроқ бағрида яна,
 Олтин, кумушлардан мўл-мўл хазина.
 Санъатим қўлига гаровдир булар,
 Қўлимдан келганда бу ҳам очилар.
 Тўхтасин, ўртоғим, сен кўрсанг тушда,
 Сув ариған доим бутун турмушда.
 Бошқа дарё ишқи мени эзгандир,
 Унга доим фидо жон билан тандир.
 Олов денгизини тушда кўраман,
 Бу денгиз ишқида куйиб юраман.
 Ҳар кеча тонггача ухлаган чоғим,
 Станок товушин тинглар қулоғим.
 Рудадан ёғдулар кўринур ажаб,
 Қизил байроқчалар турар ҳилпиллаб.
 Қўз юмган чоғимда иш жўшқин эрур,
 Қўз очган чоғимда уйқудек бўлур.
 Ҳар санъатга бордир қобилиятим,
 Ҳар қандай ишга ҳам бордир ғайратим.
 Талантим бордиру, ишлатилмаган,
 Ер ости бойлиги каби бекинган.
 Бу конга қўлимни узатолмайман,

Ҳам яхши турмушга ета олмайман.
Чунки ёлғиз қўлдан чиқмайди овоз,
Бир киши кучидан бу иш бўлмас соз.
Уртоқсиз тириклик тириклик эмас,
Дўсти йўқ йиғит ҳам йиғитдек эмас.
Йиғитлик нашъасин ўзи дўстликдир,
Турмуш қозонининг тузи дўстликдир.
Менинг ҳам арзанда дўстларим борлар,
Бириси Авитик, биридир Ҳайдар.
Ҳар икков мен каби меҳнатсевардир,
Ҳар икков дўстликка жуда чевардир.
Менга меҳмон бўлиб келиб қолганда,
Энди суҳбат базмин қура олганда,
Одамнинг шаклида бўлиб дев келар,
Бир қанча фасоду фитналар қилар.
Ош пишмай қолади, май ҳам ичилмай,
Суҳбатимиз бўлур ўлик базмидай.
Қайғу ҳасрат билан дилим тўлади,
Қабобим меҳмонсиз заҳар бўлади.
Мен девнинг зулмидан жуда эзилдим,
Дўстлардан айрилиб ёмон сиқилдим.
Эшитдим бахт эмиш дардимга даво,
Ҳам топиб берармиш кўп ёру ошно.
Бу бахт ҳар кимгаким ёр бўлар эмиш,
Дев ундан ҳайиқар, ҳам қочар эмиш.
Шудирким бахтимни излаб юраман,
Билмадим мен уни қачон кўраман?
Бахтимга етганда сўрайман ундан,
Дилимни шод этсин кўп меҳмон билан.
Дўстларнинг юзидан кўз ёруғ бўлсин,
Уйим меҳмон билан безансин, тўлсин.
Ер ости бойлиги юзага келсин,
Ўлкам озод бўлсин, девлар эзилсин.
Бу сўзларни айтгач қўлни узатиб
Сиқди дўстлар қўлин яхши кузатиб.

Бахт ҳомийси.

Очиқ кўнгил билан ҳасрат қилинди,
Ҳамманинг дарди ҳам энди билинди.
Ҳикоялар шакли хилма-хил эрур,
Лекин ҳаммасининг мазмуни бирдир.
Ҳаммангиз ҳам девдан зулм кўргансиз,
Бахт излаб тоғу тош кезиб юргансиз.
Сергей!

Бу ўртоқлар менга меҳмонлар,
Бу ерга узоқдан келиб етганлар.
Сен ҳам сўзлаб бергил кўрганларингни,
Ҳар томон йўл кезиб юрганларингни.

Сергей.

Тўғридир сўзингиз, азиз ўртоқлар,
Дардингиз, қайғунгиз юракни доғлар.
Бу ғамлар йиғилиб бирга уюшди,
Бир тоғ бўлиб менинг елкамга тушди.
Ўз ғамимга яна қўшилди бу ҳам,
Гўёки уланди ғам шохига ғам.
Элим ишга уста, жуда ҳунарманд,
Ҳунари ҳар ерда бўлгандир писанд.
Болаликдан ўрта ёшга етибман,
Кўп меҳнат чекибман, ижод этибман.
Лекин ҳар нарсани қўлга киритсам,
Зулм деви олди қўлимдан шу дам.
Айбим бўлиб менинг «Нечун?» деганим,
Кўп йиллар азобда қолдим бетиним.
Бахтнинг йўлига қадам ташладим,
Девни енгил йўлин истай бошладим.
Мени бу малъун дев жуда ҳам сиқди,
Ўрнимда фил бўлса, эзилар эди.
Кўчманчи эмасман, лекин ундан ҳам —
Кўпроқ йўлни кездим, кўп босдим қадам.
Бу йўлларни кездим сургунда юриб,

Зиндондан-зиндонга сурилиб туриб,
Бечора хотиним кўп азоб чекиб,
Болаларни боқди зўрға нон топиб.
Бахтимнинг тун каби қоралигидан,
Ўдаклар куни ҳам қоронғу, туман.
Ғазаб билан мени у ёқ-бу ёқда,
Қамоқдан-қамоққа юборган чоқда,
Бола-чақаларим сарсон бўлганлар,
Шаҳардан-шаҳарга истаб юрганлар.
Умрим ўтди доим азоб, қийноқда,
Қисман очиқликда, қисман қамоқда.
Бу қандай зулмким, отаси туриб,
Боласи етимдек ўксиниб юриб,
Золимнинг хавфидан чиқиб юраги,
Ўз туққан отасин деса «амаки»?
Қирқ беш ёшим ўтди қайғу ғам билан,
Азоб-кулфат билан, дард-алам билан.
Бунинг орқасида бировни топдим,
Жаҳонда тенги йўқ бирдан бир олим.
Улуғликда жуда юксак мақоми,
Бахтшунос эрур муқаддас номи.
Ҳар қандай касалнинг давосин билур,
Саодат йўлига у йўлчи эрур.
Узоқни кўрувчи, фикри расодир,
Мушкулни енгувчи, зийрак, донодир.
«Элнинг ёри бўл» деб буюрди ўзи,
Қувонаман шунга, фахримдир сўзи.
Сизга кўмаклашни ундан ўргандим,
Сизни етаклашни ундан ўргандим.
Ҳар ватан халқининг умиди ундан,
Менинг ҳам халқимнинг фахри у билан.
Шубҳасиз мен унинг кўмаги билан,
Зулмнинг девини янчиб ташлайман.
Сизга йўл кўрсатиб юборган киши,
Бу ерга йўл бошлаб келтирган киши,

Шунинг орқасидан қадам ташлайлик,
Олимнинг олдига бирга борайлик.
Дардимизга олим даво кўрсатсин,
Бахтимиз йўлини бизга ўргатсин.

Бахт ҳомиysi.

Бахтшунос ҳақида паҳлавон Сергей,
Нималарни деди, тўғри деб билгил.
Ҳаммаси тўғридир, йўқдир хатоси,
Темир ироданинг удир эгаси.
Сўзлари дилларни тўлқинлатади,
Байроғи зафарга бошлаб кетади.
Яхши, ёмон йўлни яхшироқ билур,
Яхши, ёмонлигин исбот ҳам қилур.
Тоғ бургути каби ғайрати кучли,
Иродаси маҳкам, ҳаммаси кучли.
Инсоф-адолатнинг ҳайкалидир у,
Унга йўл тополмас ваҳима-қўрқув.
Ақли ҳар нарсага етади чаққон,
Ҳар қандай мушкулни у қилур осон.
У мақтанчоқ эмас, тоғ каби вазмин,
Элнинг душманига сочади қаҳрин.
Кимки содиқ бўлса унинг йўлида,
Душмандан ҳайиқмас ўнгу-сўлида.
Дўстларини сақлаб, етказмай зарар,
Янги ҳаёт сари етаклаб борар.
Тенгини кўрмади дунёнинг кўзи,
Зулм девини ҳам қўрқитар ўзи,
Унинг ҳикматидан топамиз қудрат,
Юринглар олдига, ўтказмай фурсат.

Ҳамма

Маҳкам ироданг-ла олға бос қадам,
Орқангдан эргашиб борайлик биз ҳам.
Ҳамма у томонга жўнади бирдан,
Қўрқувлар остида, кўп умид билан.

Эй азиз ўқувчи, дostonим тинглаб,
 Қаҳрамонлар билан танишдинг минглаб.
 Менинг кечмишим ҳам ажойиб эрур:
 Менинг ҳолимни ҳам эшитсанг бўлур,
 Бутун умрим ўтди қайғу аламда,
 Болалик вақтимда, йигитлик дамда.
 Отам қари эди, онам ҳам бемор,
 Синглиларим кичик, мен эса бекор.
 Севикли меҳрибон акам бор эди,
 Бир улўғ табибга хизматкор эди.
 Жуда ҳам билимдон эди у табиб,
 (Замон зулми уни ўлдирди эзиб)
 Шу акам ҳали ҳам эсон-омондир,
 Юзини кўролмай юрагим қондир.
 У энди билимдон бир табиб эрур,
 Кишилар дардига дармон еткарур.
 Қашшоқ, камбағаллар ундан миннатдор,
 Ишчилар, косиблар унинг билан ёр.
 Дунёнинг пулини кўзига илмас,
 Жаҳоннинг нарсасин нарса деб билмас.
 Қашшоқлик замони ёдида бордир,
 Шунинг-чун қашшоқлар элига ёрдир.
 Ўғли кўролмаган кўр каби мен ҳам,
 Акамни кўролмай кўп чекаман ғам.
 Тез аро кўрсайдим Эронни озод,—
 Мўйсафид акамни унда топсам шод.
 Бахтимнинг йўлини очилган кўрсам,
 Элимни зулмдан қутулган кўрсам.
 Яна бир акам ҳам ҳунарвар эди,
 Темирчи, ҳам заргар, ҳам мисгар эди.
 Ундан сўнг ватанга аскар бўлганди,
 Кейинча қўшинга раҳбар бўлганди.
 Золимларга қарши олдинга босиб,
 Урушиб борарди ғайрати тошиб.

Бир хоин ўқидан кўкси тешилди,
Сувдан ўта туриб дами кесилди.
Муборак гавдаси сув ичра қолди,
Дарёга ботди-ю, кўздан йўқолди.
Қирманшоҳ шаҳридан Техронга қадар,
Пиёда йўл босиб қилурдим сафар.
Бош, оёқ яланғоч, кўзда тўла ёш,
Қайғу ғамдан ўзга йўқ эди йўлдош.
Юзимни ёш билан ювиб кетардим,
Ва бахт орқасидан қувиб кетардим.
Эссиз! Бахтим эди мендан узоқда,
Зулм дев ҳоким эди у ёқда.
Биз уч оға-ини қилурдик сафар,
Нон учун ҳар томон сарсон, дарбадар.
Қийналиб очликда отам жон берди,
Онам ҳам жаҳондан кўз юмган эрди.
Шаҳар халқи тўплаб садақа пуллар,
Отамни, онамни эплаб кўмдилар.
Уйда бир синглимнинг умри узилди,
Бириси кишилар қўлида ўлди.
Бу қайғу аламдан ёмон эзилдим,
Тирикликдан бездим, жуда сиқилдим.
Яна ўйлаб дедим: отам бўлмаса,
Ака, ука, сингил, онам бўлмаса,
Қаҳрамон халқимку бор менинг ахир!
Унинг хизматида қочмайман тақир!
Унинг озодлиги — менинг тилагим,
Унинг бахти эрур доим истагим.
Тирик қолишимга сабаб шу бўлди,
Ҳақ йўл топишимга сабаб шу бўлди.
У йўлдан мен Ленин йўлига етдим,
Партия кўрсатган томонга кетдим.
Бу йўл ҳамма элга озодлик берур,
Жаҳон халқин бахти шу йўлда эрур.
Шунча қайғулардан ўтганим кўринг,

Қаердан қаерга етганим кўринг.
Бўлди жойим аввал қоронғу зиндон,
Ҳозирги ўлкамдир ҳур Тожикистон.
У чоқда жуда ёш навқирон эдим,
Лекин қарилардай нотавон эдим.
Совет юрти мени қайта ёш этди,
Қарилик кулфати бошимдан кетди.
Бу муқаддас ўлка менга ватандир,
Ёт эмасман, худди жонимга тандир.
Мени фарзандидек билади тожик,
Эрурман шарафга, бахтимга шерик.
Бошлаб эркинликка ташлагач қадам,
Қамолга етгунча, то ҳозирги дам,
У билан ишлардим, у билан бўлдим.
У билан бир жону, бир бадаъ бўлдим.
Шу кўркам рус халқи менга ёр эрур,
Душмандан сақлашга мадаккор эрур.
Унинг марҳамати жуда улуғдир,
Миллатим эрки ҳам унга боғлиқдир.
Парининг ҳолини агар сўрасанг,
Зиндон ичра ҳоли жуда эди танг.
Ҳар томонга ўзни ташлаб охири,
Шу қўшиқни куйлаб йиғларди пари:

Кўнгил юз порадири ишқида, мен инсонни истайман,
Удир дардимга дармон, дардима дармонни истайман.
Унинг жони ману, у бўлмаса бежон бадандир ман,
Удир менга ватан, у бўлмаганда беватандирман.
Эрурман шодлик, аммо ситам этмиш мени нолон,
Фиғонким, раҳм этиб боқмас менинг аҳволима жонон,
Унинг зўри билан душманни барбод айласам бўлгай,
Унинг жаҳди билан ўзимни озод айласам бўлгай.

VI

Жаҳоннинг олими ёлғиз бир ўзи,
Кўм-кўк чаман ичра ўтирган эди.

Ўрта бўйлигина, пешонаси кенг,
Қўзининг чақнаши қуёш билан тенг.
Лабида табассум тўлқинлаб турар,
Юзидан жаҳоннинг бахти кўринар.
У жаҳонда эмас, жаҳон ундадир,
Улуғлик бобида шу йўсиндадир.
Тўнгакда ўтириб, тиззада дафтар,
Қалами қўлида, нимадир ёзар.
Икки айри ёғоч ерга кўмилган,
Бир тўғри ходани унга миндирган.
Бу тўғри ходага чойнак осиглиқ —
Туради, тагида олов ёқиғлиқ —
Ўрмоннинг шукуҳи у билан эрур,
Бу қалин ўрмонга у шавкат берур.
Учиб шохдан-шохга қушлар сайрашар,
Бу улуғ кишини кўриб яйрашар.
Бахтнинг ҳомийси келди шу ерга,
Саккиз киши, яна бир кийик бирга.
Унинг келишини олим ҳам кўрди,
Кутиб олмоқ учун туриб югурди.
Қучоқлашиб олиб оғиз ўпишди,
Ундан-бундан бошлаб сўзга киришди.
Келганлар олимни бир кўриш билан
Раҳбар деб таниди ҳаммаси бирдан.
Яна шогирдлари бошқа томондан,
Келишиб кўришди у олим билан.
Уларнинг ҳаммаси бир-бирига ёр,
Ҳамфикр, яхши дўст, ҳамсуҳбат, ҳамкор.
Жангларда чиниққан, синалган эрлар,
Хатардан кўрқмаган ботирлар, шерлар.
Тақдир ишин сира иш деб билмаган,
Ўлим хавфин асло кўзга илмаган.
Бахтшуноснинг кўзин жозибасидан,
Ўтирган кишилар кетди ўзидан.
Хушни бошга йиққач, анчадан кейин,

Қуршаб олишдилар олим теварагин.
Азиз фарзандидай очиқ кўнгилдан,
Сўзлаша кетдилар у олим билан.
Бахтшунос томонга Сергей паҳлавон
Юз ўгуриб қилди арзини баён.
Сенинг насиҳатинг ечар чигилни,
Бизга ўғит бериб қувнатар дилни.
Бахтнинг қуёши ёғдусин сочди,
Сени кўрмак учун бизга йўл очди.
Дунёнинг ҳаммаси ўзингга аён,
Бахтимиз йўлидан бизга бер нишон.

Бахтшунос

Эй зулм остида қолган ўртоқлар,
Ғам-қайғу юкидан толган ўртоқлар!
Неча йилдан буён биламан буни,
Ҳар замон, ҳар нафас кутардим шуни:
Ҳар ўлка халқидан бир тўп йиғилиб,
Бирлашиб бу ерга келармикан деб,
Таълим олмоқ учун тўплансалар деб,
Курашнинг йўлини ўргансалар деб.
Энди бахт йўлини мен кўрсатаман,
Сизни бу йўл билан таниш этаман.
Сафо саҳросининг энг этагида,
Бало тоғи деган тоғнинг тагида,
Харсангтош остида бордир бир қудуқ,
У қудуқнинг йўли хатарга тўлиқ.
У қудуқда бордир осиглиқ қафас,
Етти занжир билан эрур чанбарчас,
Бахтларнинг париси ундадир тутқун,
Бахтларнинг қудуғи дерлар шу учун.
Қудуқ тилсим эрур, харсангтош сеҳир,
У жуда чуқурдир, бу жуда оғир.
Дев доим сақлайди кун ва тун,
Инсоннинг кўзига кўрсатмай уни.

Ш о г а д о

Эй азиз муаллим, бу дардга даво
Борми, ёким йўқми давоси асло?
Ё инсон бахтининг асари йўқми,
Бу қоронғу туннинг саҳари йўқми?

Б а х т ш у н о с

Чораси инсоннинг ўзида эрур,
Бу чора инсоннинг қўлидан келур.
Бир-бирига қўл бериб, ушлашиб билак,
Йўлдаги тўсиқни йўқотмоқ керак.
Ундан сўнг бир бўлиб, ялпи куч билан,
Қўтаринг харсангни қудуқ бошидан.
Занжирга мардона маҳкам чанг солинг,
Қафасни қудуқдан чиқариб олинг.
Пари ер устига ташласин қадам,
Девдан озод бўлиб яшнасин олам.
Агар бу бирликни қилсангиз бошқа,
Отилмаган сопқон тегади бошга.
Бўшроқ ушласангиз занжирни агар,
Қафас қўлдан чиқиб чуқурга кетар.
Унда пари кўздан яна йўқолур,
Малъун дев яна ҳам ҳокимлик қилур.

С о б и т

Бизнинг бирлигимиз мустаҳкам эрур!
Бу бирликни қандай куч буза олур?
Ҳаммамиз билдикки, истагимиз бир,
Йўлимиз, жангимиз, тилагимиз бир.

Б а х т ш у н о с

Зулм девидадир бир қанча малай,
Ҳар миллат ичида бордир бирталай.
Эҳтимол, сизларни буза бошласа,
Бу бирлик ипини узиб ташласа.

Эй улуг билимдон, қадрли азиз!
 Хоинларни қандай била оламиз?
 Беномус эканин қандай биламиз?
 Ё жосус эканин қандай биламиз?

Б а х т ш у н о с

Бахтнинг қудуғи томон юганда,
 Қудуқдан парини тортиб турганда,
 Бир тўда кишилар шу вақтда келиб,
 Сиз паҳлавонларга «насиҳат» қилиб,
 Миллий адоватни ўртага солур,
 Дин-у тил, одатни ўртага солур.
 Душманлик уруғин арога сепар,
 Ўшалар хоиндир, аниқ-муқаррар.—

Жаҳоннинг олими ўргатгандан сўнг,
 Қийматли ўғитин тугатгандан сўнг,
 У билан хайрлашиб, жўнаб кетмоққа,
 Ҳурмат билан ҳамма турди оёққа.

Б а х т ш у н о с

Бу кураш жуда ҳам хатарли эрур,
 Лекин натижаси зафарли эрур:
 Ҳар ким ўз юртига бориши керак,
 Халқининг ичида юриши керак.
 Бориб ўз халқига бўлсин мададкор,
 Курашга уларни айласин тайёр.
 Фурсати келганда ялпи куч билан,
 Қутқазиб олайлик парини девдан.
 Пари байроғидир бу қизил байроқ,
 Қўлда маҳкам тутинг доимо-ҳарчоқ!
 Вақти келадирким, бунинг остига
 Бутун олам халқи тўпланур бирга.

Ёдимга тушади яна Қирманшоҳ,
Эзади бағримни, чекаман юз оҳ.
«Пишкандоз» ўйинини ўйнаган чоғим,
Бир неча етимлар эди ўртоғим.
Шорунинг мавсими, узумзор тоқлар,
Болалар ҳайити ёдимда турар.
Қўча боғлар тушар ёдимга ҳар дам,
Пўсти юпқа ширин мевалари ҳам.
Дилкушо ва Сарин ёдин этарман,
Жонга улангандек чиқмас ёдимдан.
Темирчи дўкони ёдимда ҳали,
Унда умрим ўтди бир-икки йили.
Чироқсиз, қоронғу, тош терилмаган,
Барзадамоғ йўли чиқмас ёдимдан.
Ҳали бўлмаса ҳам файздан асар,
Файзабод уйлари кўзимдан ўтар.
«Ақли йўқ» деб менга кулсанг ҳам бўлур
Лекин дил олдида ақл нима қилур.
Бирга бўлганларни эслар дил ҳардам,
Хаёлимга келур наборшиқлар ҳам.
Абулқосим дилдан ўтади ҳар чоқ,
Қашшоқ бола эди, лекин хушчақчоқ.
Ёдимга тушади Хавзимайдан ҳам,
Сўз усталаридан Қаҳрамон, Маҳрам.
Меҳнаткаш ўртоқлар ёдимга тушар,
Бахт излаб, бўлганлар сарсон-дарбадар,
Ёдимдан чиқмайди курашган шерлар,
Халқ нафъини кўзлаб курашган эрлар.
Ермуҳаммадни ҳам ёд этади дил.
Ўз сўзига эга, ҳақгўй, мустақил.
Қулаҳмон ёдимга тушади ҳар он,
Ёдимга тушади армонли арслон.
Кеча-кундуз бирга жангларда бўлган —
Йўлдошларим сира чиқмас ёдимдан.

Азиз «Бесутун»ни дилим ёд этар,
Бесутун тоғи ҳам кўзимдан ўтар.
Тоқибўстон эрур азамат кўзгу,
Кўп асрларни бизга кўрсатади у.
Кирманшоҳ шахрининг фидосидир дил,
У томонга боқар дилим муттасил.
Кўп томондан унга кўнгил эрур банд,
Дидорин кўрмоққа дилим орзуманд.
Эронни биламан, кўзимга аён,
Ситам тешасидан бўлгандир вайрон.
Йўқлик, ишсизликдан чекади фарёд,
Қашшоқ, касалманду халқи бесавод.
Чиройли манзара, у гўзал ватан,
Зулум тутунидан қоронғу босган.
Лекин дил олдида нима ҳам дейман,
Юртим азиздир-у, жонажон Ватан.
Не қилайки онам мени туққан чоқ,
Кўзга ташланмишдир дастлаб шу тупроқ.
Кўчага биринчи чиққан чоғим ҳам
Ёдимга тушади доим; дам-бадам.
Қўлимдан иш келгач, халқ билан эдим,
Сафда турдим бўлмай душманга таслим.
Жангларда ўтказдим кўп замонларни,
Бошимдан кечирдим оғир онларни.
Очиқ кўзим билан кўриб турибман,
Советлар халқини, ой каби равшан.
Эркинликка чиққан бурунги қуллар,
Зулмни енгганлар ботир йўқсуллар,
Олиб қўлга илму эрк ва истиқлол,
Бўлмишлар абадий озод ва хушҳол.
Истайманки Эрон меҳнаткаши ҳам
Озодликка чиқсин, йўқолсин ситам.
У шонли халқ билан жангларда баҳам —
Бўлмоқни дил талаб этади ҳардам.
Бахт қуши унга ҳам қўнган чоғида,

Қошки мен ҳам кўрсам бўлиб боғида,
Кўрсайдим илмини, чексиз молини,
Нурини, сувини ва иқболини.
Гомосиёбгача Қирмондан тортиб,
Ариқда ҳайқириб турсин сув оқиб.
Кенг гўзал ҳиёбон йўлларни кўрсам,
Паркларни гўзалроқ кўрсам ундан ҳам.
Кўрсам ҳалқ ичида ёш авлодини,
Уларнинг ишини ва ижодини.
Шу мақсад, шу ижод, шу ният учун
Халқ курашмоқдодир унда туну кун.
Офарин курашчан ёш-жувонларга,
Донги чиққан асил паҳлавонларга.
Қадимги курашчан эрлар фарзанди,
Ватаннинг посбони чин жигарбанди.
Яша Эрон учун курашаётган,
Жаҳонгир душманга қарши курашчан!
Ватанни неъматдан қилувчи тўқун
Жафокаш, меҳнаткаш Эрони учун,
Ишчилар, деҳқонлар Эрони учун.
Демасман аъёнлар Эрони учун!
Жаҳонгирга қарши мард Эрон учун,
Душманни енгувчи паҳлавон учун.
Яшасин меҳнаткаш элнинг полвони,
Ҳайиқмайди тандан чиқса ҳам жони.
Покиза инсонлар номини оқлар,
Ота-боболарнинг байроғин сақлар:
Кованинг ғалаба ва шон байроғин,
Мардлик, фидокорлик, виждон байроғин.
Буюк раҳбар, улуғ Маздак байроғин,
Сатторхоннинг баланд юксак байроғин,
Қўрқмас ботир Ермуҳаммад байроғин,
Ҳайдар каби курашчан мард байроғин,
Халқ йўли-илму ҳунар байроғин,
Мақсадимиз-меҳнат, зафар байроғин.

Этиб дил дардини шу ерда тамом,
Энди бахт қиссасин этдирай давом.

VII

Бахтлар қудуғининг устида ғовга,
Эй кўнгил, кўз очиб айла тамошо.
Еш-қари халойиқ — ҳамма тўпланган,
Кутишиб турмоқда ҳаяжон билан.
Янги воқиага улар кўз тутар,
Жўшқин юракларда ирода қайнар.
Қаршида турибдир зулмнинг деви,
Оламни қоплаган унинг ғиреви.
Бахтнинг қудуғи унинг кетида,
Турар аскарлари, кўп ниҳоятда.
Бу қўшинлар девдан фармон кутишар,
Гўё халойиқни девдай ютишар.
Хайқириб қичқирди зулмнинг деви:
«Эй бани одамнинг ҳимоячиси!
Оғир туюлдими гавдангда бошинг?
Бошингни кесаман, оқизиб ёшинг!
Кимки бўлса менинг қулларимга ёр,
Оёғим остида бўлур хору зор!
Жондан тўйган бўлур тутқунларга ёр,
Ким экан, ўзининг жонидан безор?!
Чўяндан бўлса ҳам бошин кесарман,
Тошдан бўлганда ҳам танин эзарман!»
Оламга танилган паҳлавон Сергей,
Урушларда енгган қаҳрамон Сергей,
Майдонга кирди-ю, зўр наъра тортди,
Душманнинг бошига ваҳмалар ортди.
Деди:
Эй қон ичиб маст бўлган қонхўр,
Мастликдан тушасан, кўп бўлма мағрур!
Кимсасиз элларнинг таянчидирман,
Лекин золимларга қақшатғич душман.

Инсоннинг энг кучли марди эрурман,
Зулмнинг девини барҳам берурман.
Бошингни кесаман, бераман барбод,
Зиндондан парини қиламан озод.
Бу ердан абадий кетасан энди,
Зулминг жазосига етасан энди.
Қиличим бошингни кесар, эй манҳус!
Менинг номим Сергей, халқим эрур рус!—
Шундан сўнгра ҳужум бошлади девга,
Бутун олам тўлди шовқин-ғиревга
Бошланди ҳужумлар икки томонга,
Бу жангда бўялди кўп танлар қонга.
Бир қанча талашув, урушдан кейин,
Гоҳ баланд, гоҳ пастга юришдан кейин,
Сергей чаққонлик-ла ҳужумлар қилди,
Дев бунга чидамай анча енгилди.
Малъун дев чидамай, дод дея берди,
Лашкари қаттиқроқ ҳужумга кирди.
Халқнинг қўшини ҳам қаттиқ урушди,
Дунёнинг юзига гўё ўт тушди.
Кучли ҳамла қилиб Сергей паҳлавон,
Малъун дев шохини синдирган шу он.
Ундан сўнгра яна ҳужум бошланди,
Девнинг бир қаноти узиб ташланди.
Қон кетиб шохидан, қанотидан ҳам,
Дев қоча бошлади Сергейдан шу дам.
Орқасидан қочиб ҳамма қўшини,
Ерда қолди шоху қаноти унинг.
Маълун дев қақшатғич зарбани еди,
Сергейга халойиқ офарин деди.

Унинг шогирдлари, яқин дўстлари,
Қуршаб олишганлар олимни бари.
Бизга таниш бўлган йигит — Шогадо
Орқадан эшитди майин бир садо:

«Пари озод бўлгач, сақла ғанимдан,
Ҳеч фойда кўрмасин душманлар ундан.
Ғайрат қилким, пари бизники бўлсин,
Бахтларнинг шакари бизники бўлсин.
Ўгутим эшитгил, эй азиз қардош,
Ётлар билан асло бўлмагил йўлдош. !»

Бу сўзни эшитгач босиб қалтироқ,
Боқса орқададир Мирвали шу чоқ.
Хаёлига тушиб доно рус сўзи,
Берган ўгутларин эслади ўзи.
Мирвали бошига қаттиқ бир урди,
Шу билан бошини янчиб ўлдирди.
Йўқолди фитначи, иғвогар, жосус,
Халқлар душмани, хоин беномус.
Халқнинг дили жўшга келди шу замон,
Ғайрат-ла ҳайқирди, етти паҳлавон.
Ғайрат билан солгач харсангтошга чанг,
Кўтарилди қудуқ оғзидан харсанг.
Халойиқ пари деб чақирди шу чоқ,
Қудуқдан бир ёғду кўринди чақноқ.
Бахтларнинг париси қудуқдан чиқди,
Толенинг қуёши уфқдан чиқди.
Неча минг йил пари тутқун бўлса ҳам,
Ҳуснидан бўлмабдир бир заррача кам.
Сочлари қоп-қора, юзлари оппоқ,
Юриши кийикдай, кўзлари чақноқ.
Атрофига боқди қувониб, кулиб,
Қўшиқлар куйлади ўйинга тушиб,
Қуюндек айланиб осмонга учди,
Халққа қуёш каби ёғдусин сочди.
Оқшомсиз кундузга киришдик бизлар,
Абадий қувончга эришдик бизлар.
Эронга ҳам ташла қадам, эй пари,
Ундан ҳам девларни ҳайдагил нари!

Оламга саодат сендандир ҳосил,
Менинг халқимга ҳам саодат бергил.
Шогадо шу вақт дилида армон,
Қўлини кўтариб қуёшга томон.
Деди:
Эй бахтнинг қуёши бир йўл,
Менга ҳам ёғду соч, меҳрибоним бўл.
Раҳбарлигинг билан ёримга етай,
Унинг васли билан дилим шод этай?
Шодлик билан қанот ёзайлик энди,
Душман учун гўрлар қазайлик энди.
Бечора Давлат ҳам ғамдан қутилсин,
Дарасангин энди лолазор бўлсин.—
Шогадонинг бутун дардига шерик,
Доимий йўлдоши вафоли кийик
Қўлини ташлади унинг бўйнига,
Юзларини ўпди кириб қўйнига.
Бирдан кийик бўлди шу дамда Сунбул,
Шогадо сайради мисоли булбул
Сунбул атрофида айланар эди,
Гул юзин шавқида рақс этар эди.
Бу ҳолни кўрганлар ҳайрон бўлишди,
Қий-чув садоси кўкка етишди.
Ҳар ким ўз ёрига етгандай бўлди,
Ҳамманинг ҳам дили завқ билан тўлди.
Бечора Эсхилким кўролмас эди,
Ўғли бўлмаганда юролмас эди,
Ўғлини қучоқлаб кўзини очди,
Армони қолмади, қайғуси қочди.
Тўхтасин билдиким ўз ўлкасидан
Шу ергача катта канал қазилган.
Қувончига сизмай қўшиқ ўқиди:
«Сув келтирган Давлат — мана шу» деди,
Каналнинг бўйида турган кишилар,
Ўйнашиб, кулишиб байрам этдилар.

Бахтшунос олим деди:

Эй Ладо,

Энди давринг етди, қайғурма асло!
Бир-икки дўстингдан айрилган эдинг,
Уларнинг ғамида эзилган эдинг,
Энди ғам емаким, шунча дўстинг бор,
Ҳаммаси меҳрибон, сенга вафодор.
Буларнинг меҳридир сенинг таянчинг,
Энди ҳеч бўлмасин сенинг аянчинг.—
Ҳамма қаҳрамонлар хурсанд бўлишди,
Ладо теварагин қуршаб олишди.
Дейишди Ватанга санъат кўргизгил,
Ижоднинг чархини тинмай юргизгил.
Шу дамда бошланди қуюнли шамол,
У қуюндан бир қиз кўрсатиб жамол,
Деди:

Хас терардим туялар учун
Тўсатдан кўтарди мени бу қуюн.
Келтириб бу ерга ташлади мени,
Гўёки жаннатга бошлади мени.
Бу қандай хурсандлик қандай тўй эрур,
Ҳамманинг юзидан севинч кўринур?
Паҳлавон Сергей ҳам роҳатда эди,
Бола-чақаси-ла суҳбатда эди.
«Ота» хитобини эшитган ҳамон,
Сергей қиз томонга қаради чаққон.
Ҳазиллашиб, кулиб дедиким, эй қиз,
Бу ерда қолмади ҳеч киши ёлғиз.
Энди сен ҳам балки жуфтинг топарсан,
Ёки топмас эсанг, бундан кетарсан.
Кўзидан ёш тўкиб деди бечора:
Жуфтим бахт учун бўлмиш овора.
У кетгач, ошибдир қайғу алашим,
Хасрат ёримдир-у, йўлдошим ғамим.—
Уялиб қўл билан тўсди кўзини,

Кўзин очгач кўрди Собит юзини.
Кучоқлаб ўпишиб суҳбатлашдилар,
Чеккан ғамларидан ҳасратлашдилар.
Сергей тайёрлади қип-қизил байроқ—
(Бахтшунос байроғин) худди ўша чоқ.
Олим бу байроққа юргизиб қалам,
Неча турли хатни қилмишди рақам.
Ҳар киши ўқиди она тилида,
Латуге ҳам аввал ўқиб дилида,
Ундан сўнг ўқиди бурро ва қаттиқ:
«Ҳокимият учун советдир ҳақлик,
Ерга, сувга, молу-мулкка баравар,
Ишчи билан деҳқон чин эгадирлар».
Ботир Сергей деди:
Энди ўртоқлар!
Қутлуғ бўлсин сизга муборак зафар!
Энди бу бирлик-ла мустақил ишда,
Давронни сурайлик гўзал турмушда
Ишлаб, роҳат этиб қувноқ бўлайлик,
Лекин бу сўзни ҳам эсда сақлайлик:
Малъун девнинг шохи синган бўлса ҳам,
Ҳали ўлмагандир у дев-муттаҳам.
Тоғнинг орқасида унга олам бор,
Унда унинг дўсти, ҳомиси ҳам бор.
Кўзидан уйқуси бутун йўқолур,
У тинмай ўч олмоқ қасдида бўлур.
Совуқдан тўнгиган илондай эрур,
Бизнинг рафлатимиз унга ёз бўлур.
Ишимизда доим ҳушёр бўлайлик,
Ватани сақлашга тайёр бўлайлик.
Бахтнинг ҳомийси бунга қўшимча —
Сўзлаб берди яна анча тушунча:
Маъновий бирликни сақлайлик доим.
Бу дўстлик аҳдини оқлайлик доим.
Мустаҳкам сақланса биздаги бирлик,

Бўлмагай душманнинг кучидан ҳадик.
Устоз фармонини бажариб борсак,
Унинг байроғини баланд кўтарсак,
Бизнинг зафаримиз абадий бўлур,
Бу ютуқларимиз абадий бўлур,
Бахт қудуғининг устида ғавғо.
Эй кўнгил, кўз очиб айла тамошо.
Бу майдоннинг ҳар бир томонидан ҳам
Парилар келишар босишиб қадам.
Гўзаллик париси, ҳам соз париси,
Шеърят париси, овоз париси,
Билимнинг париси, санъат париси,
Еруғлиқ париси, ҳикмат париси,
Муҳаббат париси, яна бир қанча,
Шулардек парилар йиғилди анча.
Дунёнинг туғилиш тўйи деб қара,
Ҳар томон ажойиб гўзал манзара!
Қўшиқ ва соз билан жўр бўлиб олқиш,
Шу кундан бошланди янгича турмуш.

Сўнгги сўз

Бу ҳикоя шаклан гўё эртақдир,
Лекин ҳақиқатда чиндан даракдир.
Эртагимнинг ботир қаҳрамонлари,
Икки юз миллатдан вакил сингари.
Бу халқлар бирлашиб кураш очдилар,
Душман турмушига заҳар сочдилар.
Охири бирликда зафар топишди,
Бахт парисига бориб етишди.
Зулмсиз, ситамсиз дунё қурдилар,
Қайғусиз, аламсиз дунё қурдилар.
Девнинг янги шакли бунӣ кўролмай,
Бизнинг бахтимизга чидаб туролмай,
Кечагина яна тишин қайради,

Бизга хоинларча ҳужум айлади.
Бизнинг бирлигимиз бузилмас бирлик,
Бу бирлик-ла яна душманни енгдик.
Хоинлар лашкари тор-мор бўлди,
Ваҳшилар дунёси шармсор бўлди,
Бизнинг бирлигимиз енгди сипоҳин,
Қўқларга еткурди нола ва оҳин.
Доллар бандалари ҳасратда қолди,
Бош бармоғин тишлаб ҳайратда қолди,
Юртимиз ҳақиқат даргоҳи эрур,
Дунё мазлумларин паноҳи эрур.
Баҳт юлдузининг юзи очикдир,
Кремлдан унинг нури сочиқдир.
Шул сабабдан доим дев ҳадиксирар,
Ҳар замон бир фасод йўлига кирар.
Лекин рус халқининг куч-қудрати зўр,
Шунинг-чун дев биздан узоқда турур.
Бирлик мустаҳкамдир доимо бунда,
Шул сабабдан зулм деви тутқунда.
Бу ватанда ҳамма миллат бир бўлиб,
Вафо йўлин тутган, қўл-қўлга бериб.
Ғайратда доимо ишга киришган,
Ватанни сақлашга қасам ичишган.
Рухлари ишонч-ла безанган эрур,
Ҳамма бир-бирига ишонган эрур.
Қип-қизил байроқни матонат билан,
Бахтларнинг ҳомийси маҳкам ушлаган.
Бу байроқ жаҳонга эркинлик берур.
Бахтшунос дононинг байроғи эрур!



МУНДАРИЖА

Абулқосим Лоҳутий. А. Қаюмов.	5
---------------------------------------	---

Турли давр шеърлари

Ишчи. <i>Ш. Шомухамедов</i> таржимаси.	15
Кремль. <i>Фафур Фулом</i> таржимаси	16
Ленин ордени. <i>Ш. Шомухамедов</i> таржимаси.	20
Азиз раҳбар байроғи остида. <i>Муинзода</i> таржимаси.	21
Совет Ватани. <i>Чустий</i> таржимаси.	23
Ватанимиз. <i>Ш. Шомухамедов</i> таржимаси.	25
Ватандан қарзим. <i>Фафур Фулом</i> таржимаси	26
Совет давлатининг бюджети. <i>Чустий</i> таржимаси.	27
Уч томчи. <i>Ш. Шомухамедов</i> таржимаси.	28
Менинг Ватаним. <i>Ш. Шомухамедов</i> таржимаси.	33
Эрон халқларига. <i>Муинзода</i> таржимаси	36
Аҳриман юзли Ҳариман. <i>Муинзода</i> таржимаси.	38
Эрон қизи. <i>Фафур Фулом</i> таржимаси.	39
Ўзбекистон. А. Қаюмов таржимаси.	40
Эшак ва трактор. <i>Муинзода</i> таржимаси.	42
Ҳамсафар дўстлар. <i>Чустий</i> таржимаси	46
Меҳнаткаш Эрон чақирар. <i>Муинзода</i> таржимаси.	49
Партизанларнинг тунгги ҳужуми. <i>Талъат</i> тар- жимаси	52
Дўстлик ва биродарлик. <i>Чустий</i> таржимаси.	56
Ленинобод шаҳар колхозларининг кексаларига. <i>Чустий</i> таржимаси	59
Ярадор қўллар. <i>Чустий</i> таржимаси	60
Куйган чаман. <i>Чустий</i> таржимаси.	63
Тинчликсеварлар митинги. <i>Чустий</i> таржимаси.	65
Варақалар манзилга етказилди. <i>Чустий</i> таржимаси	68
Қалькуттада. <i>Чустий</i> таржимаси	71

Оддий кишилар сўзи. <i>Чустий</i> таржимаси.	73
Адашган Сакина хола ва унинг доно қўшниси ҳамда қора сеҳргар ҳақида эртақ. <i>Ш. Шому- ҳамедов</i> таржимаси.	75
Ғалаба сеники. <i>Талғат</i> таржимаси.	77
Дўстим. <i>Чустий</i> таржимаси.	78
Эроннинг гилам тўқувчи гўдаклари. <i>Муинзода</i> таржимаси.	81
Ифвогарларга жавоб. <i>Муинзода</i> таржимаси.	83
Шаҳарлар шаҳри. <i>Чустий</i> таржимаси.	86
Тинчлик ҳужжатиға имзо чекамиз. <i>Муинзода</i> таржимаси.	88
Тинчликсеварлар қўшиғи. <i>Чустий</i> таржимаси.	89


Ғазаллар

Рассом ва шоир. <i>Чустий</i> таржимаси.	93
Вайрона бўлган Ватан. <i>Чустий</i> таржимаси.	94
Умид таронаси. <i>Чустий</i> таржимаси.	96
Жанг таронаси. <i>Чустий</i> таржимаси.	97
Тожикистон нурга тўлди, сенки чиқдинг бениқоб. <i>Чустий</i> таржимаси.	98
Муҳаббат оташи қилди кабоб оҳиста-оҳиста. <i>Ш. Шомуҳамедов</i> таржимаси.	99
Нигор раҳм этмайин кетдингу тобимни қасн эл- динг? <i>Ш. Шомуҳамедов</i> таржимаси.	100
Яширгандир сени ҳар он бу кўнглим. <i>Чустий</i> таржимаси.	101
Юзингга ошиқу шайдо эрурман билмасанг-бил- гил. <i>Чустий</i> таржимаси.	103
Кошки жаҳонда одам ишқ ихтиёр этарди. <i>Чустий</i> таржимаси.	104
Унинг ҳар бир гапидан янги жон топдим, у қандай лаб? <i>Чустий</i> таржимаси.	105
Вафодорликда ёрим эл аро шуҳратли жонона. <i>Чустий</i> таржимаси.	106
Куяр ишқингда жоним, куйгуси ҳамхона ҳам мендан. <i>Чустий</i> таржимаси.	107
Дилда ғам йўқ, чунки жононим менинг. <i>Чустий</i> таржимаси.	108
Шу тонг ҳамдам бўлиб мен, булбулу парвона бир жойда. <i>Чустий</i> таржимаси.	109
Грифторинг эрурмен, ол ҳабар ҳоли паришон мен. <i>А. Қайумов</i> таржимаси.	110

Рубоийлар

Оламнинг ободлиги меҳнаткаш билан. <i>Чустий</i> таржимаси	113
Хоҳларсанки, замона бўлсин сендан шод. <i>Чустий</i> таржимаси	113
Агар мардларнинг жони бўлса барбод. <i>Чустий</i> таржимаси	114
Адолат тигидан ёв қўрқмаса гар. <i>Чустий</i> таржи- маси	114
Шоҳлардаги бу тўплар ёвларни қилур талқон. <i>Н. Саидов</i> таржимаси	115
Қириб ёвларни боплаб жанг қилурмиз. <i>Чустий</i> таржимаси	115
Хотун жинсида бир мард туғди она. <i>Чустий</i> таржимаси	116
Уруш майдонида бердинг синовни. <i>Чустий</i> таржимаси	116
Баҳор келди, табиатда йўқ ором. <i>Чустий</i> таржи- маси	117
Мудом меҳрила Эрон қалбимизда. <i>Чустий</i> таржи- маси	117
Кел, э қиз, токи Фарҳодинг бўлай мен. <i>Чустий</i> таржимаси	118
Қаро кўзлар бўлибди хўп дилоро. <i>Чустий</i> таржи- маси	118
Меҳнат қилмай еб бўлмайди ҳалол нон. <i>Чустий</i> таржимаси	119
Донолар фикрида инсоннинг боғи. <i>Чустий</i> таржи- маси	119
Кел э ошиқни ўлдирмоқ шиоринг. <i>Чустий</i> таржи- маси	120
Кўзинг мағрур ҳаёлик ҳам ба таъсир. <i>Чустий</i> таржимаси	120
Нигорим янги бир ижод қилайман. <i>Чустий</i> таржи- маси	121
Таним ўт бўлибди, кулбам куйди сенсиз <i>Чустий</i> таржимаси	121
Жаранглар дил қулоғи ичра ноланг. <i>Чустий</i> таржимаси	122
Қийинлаштирди дардинг мушкулимни. <i>Чустий</i> таржимаси	122

Гар ухлоқсан, бўл бедор, э дил. <i>Т. Жалолов</i> таржимаси	123
Гумон қилдимки, кўнглум ҳабиби сенсан. <i>Т. Жало- лов</i> таржимаси	123
Гамингдан бу оқшом жисмимдан чиқди жон. <i>Т. Жалолов</i> таржимаси	124
То зар оти ер юзида битмас экан. <i>Т. Жалолов</i> таржимаси	124
Мен ошиқман-у, ишқим менинг имонимдир. <i>Т. Жалолов</i> таржимаси	125
Шоҳ гўзал қизлар ила ишрат ҳавасида. <i>Т. Жало- лов</i> таржимаси	125
Мен сенинг ишқингни шиор қилдим охир. <i>Т. Жалолов</i> таржимаси	126
Қора кўзим, чаман обод бўлибдир. <i>Т. Жалолов</i> таржимаси	126
Шоҳлар саройларини тазйин этганлар. <i>Н. Саидов</i> таржимаси	127
Бу нави башарки, зоҳиран инсондир. <i>Н. Саидов</i> таржимаси	127
Эй, ишчи, тупроғингдур зардан ортиқ. <i>Н. Саидов</i> таржимаси	128
Мен шеър танида жондек қолғум. <i>Н. Саидов</i> таржимаси	128
Бахт париси. <i>Ғафур Ғулом</i> ва <i>М. Муинзода</i> тар- маси	129



در این کتاب قطعات اشعار،
غزلها، رباعیات و منظومہ ی
پری بخت اثر سخنور نامے ایران
و تاجیکستان ابوالقاسم لاهوتی
بزبان ازبکی ترجمہ شدہ است۔
بیشتر این آثار نخستین بار است کہ
بزبان ازبکی ترجمہ و طبع میگردد۔

کتابخانه

دولت